



ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ
РАҲБАР ҚАДРЛАРНИ
ШАКЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ



331.6

516



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ
АКАДЕМИЯСИ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ
РАҲБАР КАДРЛАРНИ
ШАКЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ**

Монография

118442
• TDIU
kutubxonasi

Чж



YANGI KITOB
ТОШКЕНТ
2020

331.6

331.024.2

УДК: 331.108.45:342(575.1)

КБК: 65.050.2(5Ў)

Ў 21.16

Ў 21 Ўзбекистонда замонавий раҳбар кадрларни шакллантириш тизимини та-
комиллашатириш масалалари [Матн] / муаллифлар жамоаси. – Тошкент:
Yangi kitob, 2020. – 208 б.

ISBN 978-9943-6423-6-2

УДК: 331.108.45:342(575.1)

КБК: 65.050.2(5Ў)

Масъул муҳаррирлар:

тарих фанлар доктори, профессор А.Юлдашев,
юридик фанлар доктори, профессор О.Хусанов.

Муаллифлар жамоаси:

Кириш – Ш.Содикова; 1.1 § – А.Холов; 1.2 § – О.Хусанов; 1.3 § – А.Исламку-
лов; 1.4 § – Т.Абдуллаев, Р.Тұрахұјаева; 2.1 § – А.Хасанов; 2.2 § – Ш.Қодирова;
2.3 § – Л.Инагамова; 2.4 § – Н.Умарова; 3.1 § – Ш.Қодирова; 3.2 § – К.Рахмонов;
Хулоса-А.Холов.

Такризчилар:

М.Б.Бекмуродов – социология фанлари доктори, профессор.

Д.Н.Рахимова – иқтисод фанлар доктори, профессор.

Х.С.Хайитов – юридик фанлар доктори, доцент.

*Мазкур монография ПЗ-20170929253 – «Давлат бошқаруви соҳасида мута-
хассисларни тайёрлаш ва давлат хизматчилари малакасини ошириш бўйича маҳ-
сус таълим йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда улар фаолияти самарадоригигини
баҳолашинг занонавий услубларини жорий этиши» мавzuиаги амалий лойҳа
доирасида тайёрланган бўлиб, унда Ўзбекистонда замонавий раҳбар кадрларни
шакллантириш тизимини тақомиллаштириш масалалари, давлат фуқаролик хиз-
матчиларни узлуксиз ривожлантиришининг назарий-методологик жиҳатлари,
Ўзбекистонда бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини
oshiриш жараёнининг асосий йўналишлари, Ўзбекистонда бошқарув кадрларининг
профессионал корпусини шакллантириш истикబоллари масалалар тадқиқ этилган.*

*Мазкур монография давлат фуқаролик хизматчилари, тингловчилар, та-
лабалар, тадқиқотчилар ҳамда мазкур соҳага қизиқувчи кенг китобхонлар учун
мўлжалланган.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви акаде-
мияси Илмий-услубий кенгашининг карорига кўра нашрга тавсия этилган (2020
йил 29 сентябрдаги 5-сон мажлис баённомаси).

ISBN 978-9943-6423-6-2

© Ўзбекистонда замонавий раҳбар
кадрларни шакллантириш тизимини
тақомиллаштириш масалалари, 2020 й.
© «Yangi kitob» МЧЖ, 2020.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I БОБ. БОШҚАРУВ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	
1.1. Давлат фуқаролик хизматчиларини узлуксиз ривожлантиришнинг назарий-методологик жиҳатлари	8
1.2. Ўзбекистонда бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ташкилий-хуқуқий асослари	29
1.3. Ўзбекистонда бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг ривожланиш босқичлари	55
1.4. Бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий тизимлари (илғор хориж тажрибаси)	69
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА БОШҚАРУВ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЖАРАЁНИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	
2.1. Компетент ёндашув асосида бошқарув кадрлари салоҳиятини ривожлантириш	86
2.2. Бошқарув кадрларини танлаш, ўқитиш ва ривожлантиришда ассесмент технологияларидан фойдаланиш имкониятлари	98
2.3. Замонавий интерфаол методларнинг жорий этилиши – таълим мазмуни ва сифатини ошириш омили	121
2.4. Бошқарув кадрларида раҳбарлик одоби ва бошқарув маданиятини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари	139
III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА БОШҚАРУВ КАДРЛАРИНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ КОРПУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	
3.1. Бошқарув кадрлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг замонавий услубларини жорий этиш	165
3.2. Давлат бошқаруви академиясида ракамли таълим технологияларидан фойдаланиш	189
ХУЛОСА	197
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	201

КИРИШ

Ўзбекистонда давлат бошқаруви соҳасида амалга оширилётган ислоҳотлар мамлакатимиз ривожланишининг муҳим йўналишларини асослаш, муайян ҳаракатларни изчил мувоғиқлаштиришни талаб қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва раҳбарлигига қабул қилинган ҳамда изчил амалга оширилётган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тараққиётнинг янги босқичини бошлаб берди. Ушбу хужжат барча соҳаларда янгича ёндашув ва мезонларни татбиқ қилиш, аниқ тизим асосида самарали фаолият тартибини жорий этишни талаб қиласди.

Бугунги кунда бошқарув фаолиятининг сифат ва самародорлигини ошириш, бошқарув кадрларининг касбий маҳоратини юксалтириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш долзарб муаммодир. Унинг долзарблиги ижро ҳокимияти органларининг қайта ташкил этилиши, давлат ва маҳаллий ҳокимиятда зарур билим ва тажрибага эга бўлмаган давлат бошқарув кадрларининг тез-тез алмашинуви билан белгиландади.

Бошқарув кадрларини тайёрлаш тизимини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, уларнинг кўпчилиги етарлича назарий билимларга эга бўлса-да, амалий фаолиятда қийинчиликни ҳис қиласдилар. Бугун янги Ўзбекистонга мустаҳкам билимга эга, самарали ва оқилона ишлай оладиган, халқ билан мулоқот қилишга йўналтирилган бошқарув кадрлари ва давлат хизматчилари талаб этилади.

Шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларида ягона кадрлар сиёсатини олиб бориш, ходимларни самарали бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантириш, малакали

кадрлар захирасини шакллантириш ҳамда улар томонидан давлат фуқаролик хизматчиларининг вакант лавозимлари ўз вақтида эгалланиши бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилмаганлиги, бундан ташқари, давлат фуқаролик хизматига номзодларни саралаб олишнинг шаффоф механизмлари ҳам шакллантирилмаганини айтиш жоиз.

Шу боисдан, давлат фуқаролик хизмати самарадорлигини ошириш, давлат органлари ва ташкилотларининг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 2019 йил 3 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5843-сон Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармон ижроси таъминланиши учун давлат хизматини янада такомиллаштириш ва ислоҳ қилишнинг куйидаги устувор йўналишлари белгилаб олинди:

- энг муносиб ва қобилиятли шахсларни давлат хизматига қабул қилишни назарда тутадиган меритократия принципини қўллаш;
- давлат хизматида «манраб модели»ни жорий этиш;
- давлат хизматига очиқ мустақил танлов асосида қабул қилиш, унинг ахлоқий ва ватанпарварлик фазилатларини холисона баҳолаш;
- малакали кадрлар захирасини шакллантириш;
- инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва бошқалар.

Ушбу белгилаб олинган устувор йўналишлардан ке-либ чиқиб, муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган мазкур монография Ўзбекистонда янги раҳбар кадрларни шакллантириш тизимини такомиллаштириш масалаларига багишланган.

Мазкур монографияда давлат фуқаролик хизматчиларини узлуксиз ривожлантиришнинг назарий-методологик жиҳатлари, Ўзбекистонда бошқарув кадрларини тайёрлаш,

қайта тайёрлап ва малакасини оширишнинг ташкилий-хуқуқий асослари, ривожланиш босқичлари, Корея, Германия, Малайзия каби илгор хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилди, компетент ёндашув асосида бошқарув кадрларини ривожлантиришни ислоҳ қилиш, бошқарув кадрларини танлаш, ўқитиш ва ривожлантиришда асессмент технологияларидан фойдаланиш, интерфаол методларнинг жорий этилиши, рақамли таълим технологияларидан фойдаланиш, бошқарув кадрларида раҳбар ахлоқи ва бошқарув маданийтининг ўзига хос хусусиятлари, бошқарув кадрлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг замонавий усуллари, инновацион давлат бошқаруви, форсайт ва ақли бошқарувни жорий этиш масалаларига доир мавзулар очиб берилган.

Шунингдек, ушбу монографияда замонавий раҳбар кадрларни танлашда эътибор берилиши лозим бўлган асосий жиҳатлар, компетенция турлари ва уларни ишлаб чиқиши усуллари, номзодлар билан компетенциявий ёндашув асосида сухбат қилиш, уларнинг билим ва кўникмаларини аниқлаш технологиялари ўз аксини топган.

Бошқарув кадрларини танлаш, ўқитиш ва ривожлантиришда асессмент технологиясининг асосий моҳияти инсоннинг хатти-ҳаракатларини кузатиш, баҳолашдан иборатлиги, баҳолангандан иштирокчи ўзининг кучли ва кучсиз томонлари ҳақида батафсил тасаввурга эга бўлиши, ҳар бир раҳбарнинг ўзи билган камчиликлари устида ишлаш ва салоҳиятини оширишни мақсад қилиб кўйган дифференциал таълим ташкил этилиши лозимлиги ҳақида фикрлар баён этилади.

Бугунги рақамлаштириш даврида, баҳолаш тизимини автоматлаштириш имкониятлари пайдо бўлмоқда, у шахснинг билими, қобилияти ва компетентлиги даражаларини аниқлаш, тест ўтказиш орқали қатор методикаларига эгалиги, баҳоланувчи мазкур методикалардан 2-3 соат комп’ютерда ўтиш орқали классик усолдаги баҳолашдан ўтишига ўхшаш бўлган ўзи ҳақида ҳисбот олиши мумкинлиги,

унда инсон, моддий ва вақт ресурсларини тежашлиги ҳакида хулосалар берилади.

Таъкидлаш керакки, ушбу монографияда таълимда интерфаол услублардан фойдаланиш давлат муассасаларидағи раҳбарлик лавозимлари учун юқори малакали, интеллектуал ривожланган ва креатив фикрлайдиган мутахассисларни тайёрлашга күмаклашиши очиб берилади.

Шунингдек, монографияда давлат хизматчилари фаолиятини мустақил эксперталар ёрдамида баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш, айни пайтда баҳолаш жараёнида раҳбар ролини камайтириш, атрофдаги ҳамкасблар фикрини инобатта олиш, объектив, шаффоф баҳолаш механизмини жорий қилиш зарурлигига оид масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

1 БОБ

БОШҚАРУВ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ


1.1. Давлат фуқаролик хизматчиларини узлуксиз ривожлантиришнинг назарий-методологик жиҳатлари

Дунёда давлат ва жамият бошқаруви асосларининг тубдан ўзгариши давлат органлари ва ташкилотларини малакали мутахассислар билан таъминлашни, давлат органлари ва ташкилотларида ягона кадрлар сиёсатини олиб боришни ҳамда малакали кадрлар захирасини рақобат асосида шакллантиришни тақозо этади. Буни амалга оширишда хорижий давлатлар, ҳусусан, АҚШ, Япония, Франция, Германия, Сингапур, Жанубий Корея, Хитой ва Россия каби давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва унинг янги механизмларини мамлакатимизда давлат фуқаролик хизматчиларини таъланаш, тайинлаш, захирасини шакллантириш тизимини такомиллаштириш ва уларнинг лавозимини ўзgartиришда субъектив омилларнинг таъсирини камайтириш орқали самарадорлигини таъминлаш масаласига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг: «Одамлар орасида яшаш, уларнинг дардига қулоқ солиш, аҳолининг эҳтиёжлари ва қонуний талабларини амалга ошириш учун тезкор чоралар кўриш – ҳар бир раҳбарнинг асосий вазифаси» хисобланади. Шунингдек, «Кадрлар билан ишлашда йўл кўйиладиган нуқсонлар ушбу камчиликларнинг асосий сабабларидан биридир. Айни вактда кўйилган вазифаларни

масъулият билан ва профессионал даражада амалга оширишга қодир бўлган кадрларнинг амалий захираси яратилмаганлигини афсус билан қайд этиш керак»¹, деган фикрлари бошқарув кадрлари тайёрлаш тизимини бугунги замон ва давр талабидан келиб чиқиб, қайта ислоҳ этиш долзарб эканлигини кўрсатмоқда.

Давлат фуқаролик хизматчиларини узлуксиз ривожлантириш борасида дунёда рўй бераётган ўзгаришларга мос равишда инновацион тафаккур, бозор конъюнктураси ва рақобатига жавоб берадиган, мустақил ва тезкор қарорлар қабул қиласидаган кадрларни тайёрлаш долзарб вазифалардан бири хисобланади (1-расм).



1-расм. Давлат фуқаролик хизматчиларини узлуксиз ривожлантириш тизими.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 1.2. «Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш» деб номланган бандида: «давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш, давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш ҳамда иқтисодиётни тартибга солишда давлат

¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Т.: Ўзбекистон. 2017. 481-бет.

иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш» вазифаси белгиланган¹. Бу Ўзбекистонда бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг назарий-методологик асосларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, истиқболда давлат органлари ва ташкилотларининг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондиришнинг самарали усулларини жорий этиш имконини беради.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида қатор норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5185-сон², 2017 йил 8 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5139-сон³, 2019 йил 3 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5843-сон⁴ фармонлари ва 2018 йил 30 майдаги «Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3755-сон⁵ ва 2019 йил 3 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармонига 1-илова // <https://lex.uz/docs/3107036>

² <https://lex.uz/docs/3331174>


³ <https://lex.uz/docs/4389743>

⁴ <https://lex.uz/docs/4549998>

⁵ <https://lex.uz/docs/3755274>

етиш чора-тадбирлари түғрисида»ги ПҚ-4472-сон¹ қарорлари қабул қилинди.

Мамлакатимизнинг стратегик мақсадларига эришиш салоҳиятли раҳбар ва бошқарув кадрлар тайёрлаш масаласи билан узвий боғлиқ. Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг раҳбар кадрларига қўйилаётган янги талаблар, уларнинг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда (2-расм).



2-расм. Даълат фуқаролик хизматчиларини узлуксиз ривожлантириш.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: «Олдимизга қўйган мақсад-муддаоларга етиш учун бу ишларни ўзимиз қилмасак, бошка ҳеч ким бизга четдан келиб қилиб бермайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, кадрларнинг амалий захирасини шакллантириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг муҳим масалаларини ўз ичига оладиган мақсадли дастурни ишлаб чиқиш вақти келди, деб ўйлайман.

Асосий вазифа – бу юқори касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга, пухта йўланган, масъулиятли ва жавобгар-

¹ <https://lex.uz/docs/4552053>

ликни ҳис этадиган, ҳар томонлама тўғри қарорлар қабул қила оладиган, белгиланган мақсадларга эришадиган, фидойи раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг янги таркиби ни шакллантиришдан иборат. Бу борада ҳудудий бошқарув органлари, энг аввало, мамлакатимиз туман ва шаҳарлари ҳокимлеклари учун малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида ёзтибор қартиши зарур»¹.

Бугун жамият ижтимоий-сиёсий институтларининг трансформациялашиш жараёнида давлат фуқаролик хизматчиларини узлуксиз ривожлантириш муаммоси хорижий олимлар томонидан турли илмий-амалий мақсадлар негизида ҳам тадқиқ этилган. Ҳусусан, гарб олимларидан: С.П.Матвеев², Клайд Кей Клахон, Гордон Уиллард Олпорт, Ж.Сартр ва бошқаларнинг асарларида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда ташки мухит таъсирининг роли³, фаолиятни функционал тақсимлашнинг аҳамияти⁴, горизонтал таъсирнинг аҳамияти⁵ ҳамда давлат фуқаролик хизматида профессионал сифатлар ва алоҳида хизматлар асосида кўтарилиб боришни таъминлайдиган номзодларни сарабалаб олишнинг шаффоғ механизмларини шакллантиришга доир масалалар тадқиқ этилган.

Юртимиз олимлари томонидан давлат хизмати учун кадрлар тайёрлаш тизимиға оид масалалар бевосита ва билвосита тадқиқ этилиб, бу жараён ҳозирги кунда, яъни туб ислоҳотлар амалга оширилаётган даврда ҳам жадаллик билан давом этмоқда. Жумладан, Қ.Абдураҳмонов, М.Бекму-

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб ҳалкнимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. 26-27-бет.

² Матвеев С.П. Социальная защита государственных служащих: теоретические основы построения системы, практика осуществления и проблемы правового регулирования: монография/ С.П. Матвеев. – Воронеж: Воронежский институт МВД России, 2011.

³ Сартр Ж. Проблемы метода. – М., 1994.

⁴ Клайд Кей Клахон. Зеркало для человека. Введение в антропологию. – Санкт-Петербург, 1998.

⁵ Allport G.W. The Nature of Prejudice, Mass. Addison. Wesley, Cambridge, 1954.

родов, Қ.Куранбоев, Ф.Равшанов, Ж.Юсубов, М.Атамуротов¹ каби олимларимиз тадқиқотларида бошқарув кадрлари ва раҳбар кадрлар тайёрлаш тарихи, миллий ўзига хослиги, унинг маънавий, ахлокий жиҳатларини ўзида акс эттирган муаммолар ўрганилган.


Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги: «Биз бошқарув соҳасида биринчи навбатда ижро ҳокимияти органлари фаолиятини такомиллаштириш, кадрлар, моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича аниқ мезон ва тартибларни жорий этишимиз зарур»², деган концептуал фикрлари давлат фуқаролик хизматига киришда барча фуқароларнинг тенг имкониятлардан фойдаланиш тизимини комплекс тадқиқ этишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасида ижро ҳокимияти тизимининг самарадорлигига салбий таъсир қилувчи омиллар мавжуд, улар жумласига юқори даражадаги коррупция, мақсадларга эришишни назорат қилувчи кенг қамровли тизимнинг йўклиги, парламент назорати натижаларининг пастлиги, ОАВни ҳаддан зиёд назорат қилиш, бошқарув кадрларини тайёрлашда ривожланган тизимнинг йўклиги киради, бу эса давлат лойиҳалари натижа бериш даражасининг пасайишига ва маблағларнинг самарасиз сарфлани-

¹ Қ.Х.Абдурахмонов, Д.Н. Раҳимова ва б. Давлат хизмати персоналини бошқариш. Ўкув кўлланма. – Т.: Академия, 2002. – 140 б.; Раҳимова Д., Бекмуродов М. Лидерлик ва ташкилот мадданияти (ўкув кўлланма). – Т.: Akademiya, 2006. – 104 б.; Куранбоев Қ. Ўзбекистонда янги раҳбар кадрлар тизимининг шаклланиши ва ривожланиши. – Т.: Янги аср авлоди, 2007. – 164 б.; Равшанов Ф.Р. Миллий раҳбаршунослик: тарих ва тажриба. – Т.: Akademiya, 2007. – Б. 262; Ж. Юсубов. Ўзбекистонда давлат хизмати соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимининг такомиллаштирилиши. Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ЎзМУ, 2018.; М.Атамуротов. Ўзбекистонда раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимининг модернизациялашиш жараёни. Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ЎзМУ, 2018.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <http://aza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-22-12-2017>.

шига олиб келади¹. Буни бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун лойик бўлган номзодларнинг маълумотлар базаси шакллантирилмагани, шунингдек, давлат фуқаролик хизматчиларининг касбий ўсиш мониторинги тизимли асосда амалга оширилмаганини билан изоҳлаш мумкин (3-расм).



3-расм. Бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдаги тизимли муаммолар.

Мазкур соҳада юзага келган асосий муаммоларни ҳал этиш мамлакатда раҳбар кадрлар маҳоратини намоён этувчи мезонларни белгилаш, профессионал раҳбар кадрлар тайёрлашга ёрдам бериши мумкин. Бу, **биринчидан**, мамлакатимизда мустақиллик йилларида шаклланган раҳбарлик маҳорати талаблари, унинг мезонлари ва таснифларини миллий ўзига хослик асосида ривожлантириб бориш; **иккинчидан**, ходимларни самарали бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантириш, жумладан, миллий, республика, тармоқ ва худудий даражаларда профессионал тайёрланган самарали кадрлар захирасини шакллантириш; **учинчидан**, республикада давлат ва маҳаллий бошқарув тизимини замонавийлаштириш, профессионал

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси // <https://uzbekistan2035.uz/wp-content/uploads/2019/05/UZB.pdf>

қобилиятга эга бўлган кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш имконини беради.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг: «Яқин истиқболдаги долзарб вазифалардан бири – худудларда ижтимоий-иктисодий масалаларга масъул бўлган раҳбарларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича ваколатларни туман ва шаҳар ҳокимларига тўлиқ ўтказишдан иборат»¹ деб таъкидлашлари бундан буён тиббиёт бирлашмаси, халқ таълими, иктисодиёт, молия бўлимлари, солиқ инспекцияси ва бошқа тузилмалар раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва озод этиш туман ҳокими томонидан амалга оширилишини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 8 августдаги ПФ-5139-сон Фармони, «Истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича «Тараққиёт» республика танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом»² ва бошқа бир қатор соҳага оид норматив-хуқуқий ҳужжатларда белигиланган вазифалардан келиб чиқиб, истиқболли бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг устувор йўналишлари қўйидагилардан иборат:

1. Давлат ва жамият бошқаруви соҳаси.
2. Суд-хуқуқ соҳаси.
3. Молия-кредит соҳаси.
4. Саноат соҳаси.
5. Аҳборот технологиялари ва коммуникациялари соҳаси.
6. Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси.
7. Архитектура ва қурилиш соҳаси.
8. Коммунал хўжалик соҳаси.
9. Солиқ ва божхона соҳаси.
10. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаси.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 майдаги «Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишининг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3755-сон қарори

си. 11. Таълим, фан ва инновациялар соҳаси. 12. Соғлиқни сақлаш соҳаси. 13. Маданият, санъат ва спорт соҳаси. 14. Ташқи сиёсат, ташқи иқтисодий фаолият ва туризм соҳаси. 15. Макроиқтисодиёт ва ҳудудий ривожланиш соҳаси. 16. Транспорт ва логистика соҳаси.

Юқоридаги соҳалардан келиб чиқиб, давлат фуқаролик хизматчиларини узлуксиз ривожлантириш бўйича машгулотларнинг назарий ва амалий тематикасини тузиш, уни давр талабига кўра такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ (4-расм).



4-расм. Давлат фуқаролик хизматчиларини узлуксиз ривожлантириш бўйича машгулотларнинг назарий ва амалий тематикаси¹.

Бу, ўз навбатида, кадрларни марказлаштирилган тарзда танлов асосида саралаб олиш, давлат фуқаролик хизматчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва узлуксиз малакасини

¹ Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асарлари асосида ишлаб чиқилган.

ошириш тизимини такомиллаштириш бўйича хориж тажрибасини ўрганишни тақозо этади. Ушбу соҳада ҳозирда мавжуд тажриба қўйидаги 5-расмда кўрсатилган.



- «Илмий менежмент» мактаби асосчилари – Ф. Тейлор ва А. Файлол
- «Эмперик мактаб» вакили П. Друкер
- «Янги бошқарув мактаби» – Р. Ахоффа, С. Оптина, Г. Саймон
- «Ижтимоий бошқарув назарияси» – Д. Макгрегор, А. Маслоу, Ф. Хрибер

5-расм. Давлат фуқаролик хизматчиларини узлуксиз ривожлантиришнинг методологик асослари.

Давлат фуқаролик хизматчиларини узлуксиз ривожлантириш билан боғлиқ хорижий тажрибаларга уларнинг миллий бошқарув қадриятларига мос келадиган томонларни ўзлаштириш нуқтаи назаридан эътибор қаратиш керак. Жумладан, Франция, Япония, Германия, АҚШ, Россия, Хитой, Сингапур, Малайзия, Жанубий Корея ва БАА давлатларида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимининг концептуал асосларининг яратилиш босқичлари, мамлакатимизнинг бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сиёсатига мувофиқ келадиган томонлари алоҳида ўрганиб чиқилиши лозим. Масалан, француз бошқарув кадрлари сиёсати хизмат категорияларига боғлиқ бўлиб, шахснинг маълумот даражаси (қандай ўкув юртини тутгатганлиги) лавозим даражасини (яъни қандай категориядаги лавозимни эгаллай олишини) аниқлаб беради ёки Япония бошқарув кадрлари сиёсатида лавозимга талабгорлар учун ўнга яқин турдаги имтиҳонлар белгилаб қўйилган бўлиб, биринчи (ўрта мактабни битирганлар учун), иккинчи (олий таълимни битирганлар учун), учинчи (амалда фаолият кўрсатаётганлар учун) даражаларга ажратилган.

118442

Германияда ҳам бошқарув кадрлари фаолиятини ташкил этипда имтиҳонлар топшириш анъанаси шаклланган бўлса-да, бироқ конкурс (танлов)лар мухим ўрин тутади. Конкурслар эса бошқа давлатлардан фарқли равишда, олий суд инстанцияси томонидан назорат қилинади. Бу мамлакатда раҳбарларни муассаса раҳбарининг ихтиёрига кўра ва сайлаш асосида тайинлаш тамоили ҳам амал қилинади.

Ушбу йўналишда немис моделига хос ҳусусиятларни ўрганган Лариса Титаренко¹ Германияда давлат хизматчилирига қўйиладиган асосий талаблар касбий таълим ва маҳсус тайёргарликдир, уларнинг турлари ва фаолияти давлат бошқаруви даражасига кўра фарқланишини таъкидлайди. Бунда юкори даражадаги мансабдор шахслар олий маълумотга эга бўлиши ва белгиланган мансаб поғоналарида ишлаган бўлиши керак.

Германияда бошқарув кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасида Ички ишлар академияси қошидаги Федерал давлат бошқаруви академияси (Federal Academy of Public Administration) ва Херти Давлат бошқаруви мактаблари (Hertie School of Governance) етакчи ўринларни эгаллайди. Гумболт номидаги Берлин университетининг Давлат бошқаруви факультети, Подстам университети, Подстам Электрон ҳукумат илмий-тадқиқот марказларида ҳам бошқарув кардрларини тайёрлаш йўлга қўйилган.

Германияда Федерал давлат бошқаруви академиясида ўкув жараёни давомида тингловчилар ўз назарий билимларини амалиётда олган кўнікмалари билан мустаҳкамлаб борадилар. Тўлиқ ўкув курси 36 ойни ташкил этгани ҳолда, ундан вазирликлар ва агентликларда амалиёт ўтиш учун 18 ой ажратилади. Уч йиллик ўкув дастури 2200 соатни ташкил этиб, ундан 720 соати умумметодологик фанларга ажратилади. Умумметодологик фанлар қаторидан конституцион ҳуқуқ, фуқаролик ва маъмурий қонунчилик, сиё-

¹ Tytarenko L. «Preparation of a management elite in Ukraine and foreign experience», *Aktual'ni problemy derzhavnogo upravleniya: zbirnyk naukovykh prats' Odes'kogo regional'nogo instytutu derzhavnogo upravleniya*, vol. I (13), 2003. p. 206-216.

сатшунослик, иқтисодиёт ва молия, менежмент, ахборот тизимлари, психология, социология ва педагогика каби фанлар ўрин эгаллаган. Ҳар бир фан бўйича ўкув жараёни якунида имтиҳон топширилиши кўзда тутилган. Имтиҳонлар ёзма ва оғзаки шаклларда бўлиб, баъзи фанлардан курс иши ва мустакил иш бажарилиши ҳам талабэтлилади.

Германиялик Ростислав Ищенко ҳам немис моделининг айрим жиҳатларини ўрганиб, қуидагича хulosага келган¹: давлат хизматчиларини ўқитишнинг немис модели малака оширишнинг бир неча шаклини ўз ичига олади (янги бошловчилик учун малака ошириш, мутахассислик ва лавозим бўйича малака ошириш, юқори даражали хизматга ўтиш учун малака ошириш ва менежерлар учун малака ошириш), уларни икки тоифага бўлиш мумкин. Биринчиси, давлат хизматчилари ўртасида тегишли билим даражасини таъминлашга, иккincinnси – уларнинг ўзгаришларга мослашишига қаратилган.

Россия бошқарув кадрлари сиёсатида лавозимларни категориялаштириш, имтиҳон ва конкурслар, ҳужжатлар асосида ўрганиш ва фаолиятни бошқариш тизими, аттестация ва қайта тайёрлаш муҳим роль ўйнайди. Айниқса губернаторларга кўйилган умумий талабларда ёшларни бошқарувга жалб этиш, раҳбарнинг жавобгарлиги муҳим амалий аҳамиятга эга.

Украиналик тадқиқотчи Оксана Пархоменко-Куцевиллинг фикрича, давлат хизматчилари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахсларини ўқитиш давлат бошқаруви тизимининг муҳим элементи ҳисобланади, чунки кадрлар тайёрлаш давлат бошқарувида тизимининг профессионал тизимини, уларнинг давлат бошқарувининг мақбул, самарали қарорлар қабул қилиш, ушбу қарорларни самарали амалга ошириш қобилиятини таъминлайди. Жамиятнинг замонавий ривожланиши интернет-технологиялар ва ўқитиш, симуляция ўйинлари ва бошқаларни

¹ Ischenko O. «Topical issues of personnel policy at the present stage», Visnyk UADU, vol. 1, 2003. p. 5-11.

тақдим эта оладиган давлат хизматчиларининг кадрлар потенциалини доимий равища тақомиллаштиришни талаб қиласди¹.

Масалан, АҚШнинг Вашингтон штатидаги Кинг округида ишга ёллаш жараёнида қариндош-урұғчилик муносабатларининг олдини олиш мәксадида муайян тартиботлар белгиланган. Округ ишга қобилиятли, малакали номзодларни ёллашдан манфаатдор, шунинг учун талабга жавоб берадиган ҳар бир номзод алохидა күриб чиқиласди. Округдаги бошқарувнинг асосий мәқсадларидан бири – энг муносиб, энг малакали номзодни ишга олишdir². Америкада давлат хизматидаги раҳбарлар очиқ конкурс асосида танлаб олинади. Давлат лавозимини эгаллаш учун номзод имтиҳон топширади. Конкурс билан бирга, маҳсус ўқитиш дастурларидан фойдаланилади. Голиб чиқсан номзод лавозимга тайинланади³.

Франция Республикасида давлат ва жамият бошқаруви раҳбар кадрлари «давлат хизматининг административ кадрлари» (*Les cadres de service d'Estat de l'administration*) таркибиға киритилади. Давлат ҳокимиятининг ҳар уч йўналишида – қонунчилик, ижро ва суд органларида хизмат қилувчилардан бошлиб, пойтахт ва провинциялардаги барча давлат ходимларигача – мазкур тизим соҳаларига тааллуқли давлат хизмати кадрлари ҳисобланади. Давлат хизмати мамлакат ҳудудий жойлашиши ва белгилардан келиб чиқиб, икки даражага бўлинади: марказий давлат хизмати ва маҳаллий давлат хизмати⁴.

¹ Оксана Пархоменко-Куцевил. Innovative approach to training civil servants and local government officials // <https://cyberleninka.ru/article/n/mnovenie-approach-to-training-civil-servants-and-local-government-officials>

² Карапт: Ахлоқ масалалари билан шугулланувчи комиссия (Кинг округи). – Вашингтон, 1998. 5-6-бет. (Қўшимча маълумотлар учун Жереми Поупга мурожаат килиш мумкин: //Jeremy/pope@tiri.org).

³ Синягин Ю., Николаева М. Законодательное и профессионально-содержательное в психологической диагностике.// Государственная служба. 2010. № 4-5.

⁴ Карапт: Ардан Ф. Франция: государственная система. – М.: Французское посольство в Москве, 1994. – С.114.

Француз Раймон Шганьоль хulosаларига кўра: «Узлуксиз таълим» ёки «узлуксиз касбий таълим» каби тушунчалар француз модели учун долзарбdir¹. Буларга давлат хизматчисини биринчи лавозимга тайёрлаш (бошлангич касбий тайёргарлик) ва унинг бутун фаолияти давомидаги тайёргарлик киради. Амалиёт ўкув жараёнининг муҳим элементи бўлиб, кўп вакт талаф этади. Бўлажак мансабдор шахсга ўз мамлакатидаги ҳақиқий вазиятни қандай баҳолашни, бошқа тизим ва менталитет, шу билан бирга, ишлашнинг бошқа услубини ўрганишга имкон берадиган чет эл амалиётини ўрганиш зарур. Францияда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими ўзининг бир қатор бўғинларига эга. Улар қуидагилардан иборат:

Биринчи бўғин – Университет тайёрлови деб аталиб, университетларда, юридик ва политехника институтларида энг юқори тоифага киравчи давлат хизматчилари тайёрланади. Улар бу ерда фундаментал назарий тайёргарликдан ўтадилар ва бир нечта хизмат погоналаридан кўтарилгач давлат бошқарув органларида ўз фаолиятини бошлайдилар.

Иккинчи бўғин – ихтисослаштирилган институтларда тайёрлаш ва қайта тайёрлаш деб аталади. Ушбу институтларга Давлат бошқаруви институти, Миллий бошқарув мактаби, Политехника мактаби кабилар киради. Мазкур таълим муассасалари жуда нуфузли бўлиб, бу ҳақда Сорбон университети профессори Жан Клод Тренинг: «Ҳар бир француз ўз фарзандини Миллий бошқарув мактаби ёки Политехника мактабида ўкишини орзу қиласди»,² деб қайд этган эди.

Учинчи бўғин – ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда тайёрлаш усули бўлиб, унда тажриба алмашиш, меҳнатнинг илгор усулларини ўрганиш, бевосита хизмат вазифаларини бажариш давомида билимларни такомил-

¹ <https://cyberleninka.ru/article/n/preparing-public-servants-in-european-countries-archetypal-approach/viewer>.

² Государственная служба: теория и организация. – Ростов-на-Дону. «Фенiks». 1998. – С. 451.

лаштириш ва малака ҳосил қилишга эришилади. Францияда бу борада: «Мэрлар ўз ишини ана шу лавозимда ишлаб ўрганадилар», деган нақл юради. Бу фикрни ривожлантириб, бошқа ҳар қандай соҳа мутахассисини ҳам бунга мисол қилиш мумкин.

Тўртгичи бўғин – тажриба орттириш (стажировка) йўли билан тайёрлаш. Бу жараёнда ҳодим аниқ дастур асосида тажрибали мутахассислар раҳбарлигида амалиёт ўтайди. Бундай тайёрлашнинг мақсади амалиётчига келгусида бажариши лозим бўлган вазифаларни ўргатишдан иборат.

Бешинчи бўғин – тўхтовсиз тайёргарлик. Мазкур бўғин хизмат давомида ўзини доимий равишда мустақил тайёрлашни ўз ичига олади. Бу усул, шунингдек, ўқув таътилида ҳам қўлланилиши мумкин. Ушбу таътил учун маъмурият томонидан ҳак тўланади ва ҳодимнинг хоҳишига кўра, унинг бутун хизмат фаолияти давоми учун уч йилдан ортик бўлмаган муддатга берилиши мумкин. Ҳодим берилган таътилдан, асосан, ҳодимларни бошқариш малакасини орттириш, менежмент, сиёсатшунослик, хукуқ, янги бошқарув технологиялари ва бошқа фанларни чукур ўрганиш учун фойдаланади.

М.Миненко ўз тадқиқотларида француз моделидаги малака оширишнинг қуйидаги шаклларини санаб ўтади: 1) касбий фазилатларни сақлаш ёки яхшилашга қаратилган такомиллаштириш тадбирлари; 2) ҳодимларнинг технология ва маъмурий тузилмалардаги ўзгаришлар, маданий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар ҳамда улардан келиб чиқадиган ўзгаришларга яроқлилигини таъминлаш; 3) лавозимда бўлган мансабдор шахслар учун ташкил этиладиган мусобақалар, шунингдек, мақсади лавозимни ўсиши бўлган профессионал имтиҳонлар ва мусобақаларга тайёргарлик кўриш; 4) икки йўналишни камраб олган мослашув чоралари: биринчи лавозимга мослашиш (давлат хизматига мослашиш) ва янги лавозимга мослашиш (кадрлар таркибини ўзгартириш); 5) тайёргарлик учун таътил (таътилнинг

энг кўп давомийлиги – уч йил, лекин уни давлатнинг розилиги билан ўқитиш учун ажратиш мумкин, агар агент (ходим) маъмуриятда камида уч йил ишлаган бўлса)¹.

Японияда давлат хизматчиларининг қонунчиликка риоя этишига доир назорат фаолиятини амалга ошириш Министрлар Кабинети (Вазирлар Маҳкамаси) хузуридаги Кадрлар ишлари бўйича Миллий палата ва Миллий кадрларни бошқариш кенгаши (у Кадрлар ишлари кенгаши деб ҳам юритилади) ваколатлари сифатида белгиланган. Кадрлар ишлари бўйича Миллий палатага Кабинет қарори ва парламентнинг ҳар иккала палатаси розилиги билан кўйиладиган учта раҳбар тайинланиб, улардан бири раис вазифасини бажаради. Раис мақоми Давлат вазири мақомига тенглаштирилган. Шунингдек, Миллий кадрларни бошқариш кенгаши аъзоларининг номзоди император томонидан тасдиқланади². Япон ташкилотлари ва давлат хизмати мактаб ва олийгоҳлардан маҳсус тайёргарликни талаб килмайди. Улар ўзларига керакли малакани ўзлари беради, яъни касбий таълим корхонада берилади. Ҳар бир вазирлик ўз хизматчилари малакасини ошириш бўйича ишлади ва ўзининг маҳсус институтларига эга. Юқори лавозимдагиларнинг ўзини ўзи тайёрлаш ва мустақил ўқиш тизими мавжуд. Улар учун иш жойларида тайёргарлик кўриш ва онлайн малака ошириш имконияти мавжуд.

Хориж тажрибасини ўрганиш натижасида шундай хулоса қилиш мумкинки, Давлат фуқаролик хизматчиларини узлуксиз ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари динамик характерда эканлиги билан изоҳланади (6-расм). Жумладан, глобал пандемия шароитида барча давлат хизматчиларининг масъулиятини ошириш, уларда фавқулодда оптималь қарорлар қабул қилиш компетенцияларини шакл-

¹ Міненко М. Підвищення кваліфіка-цп управлінських кадрів у розвинених європейських країнах: досвід для України / М. Міненко // Віюн. УАДУ. – 2004. – № 4. – С. 464-470.

² Равшанов Ф.Р. Ўзбекистон Республикасида раҳбар кадрлар танлаш асослари. // Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун таҳдим этилган дисертация. – Тошкент, 2009. 136-бет.

лантириш, карантин шароитида ишни тўғри ташкил қилиш, ОАВда халққа мурожаат қилиш, самарали мулоқот қилиш малакаси ва кўнимкасига эга бўлиши керак.

- Бошқарув кадрларини тайёрлашга компетенциявий ёндашув
- Бошқарув кадрлари касбий тайёргарлигининг ташкилий-хукукий асосларини такомиллаштириш
- Даражали-модулли ёндашув асосида бошқарув кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш
- Лойихавий бошқарув асосида раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш
- Жамият трансформациялашуви шароитида бошқарув кадрларини тайёрлаш технологиялари
- Давлат фуқаролик хизматида бошқарув кадрларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш
- Давлат фуқаролик хизматининг «карьера модели»ни жорий этиш механизmlари
- Давлат фуқаролик хизматига қабул қилишда меритократия тамойилини кўплаш
- Давлат фуқаролик хизматчиларини тайёрлашда бошқарув кадриятларини шакллантириш
- Миллий, республика, тармоқ ва худудий даражаларда профессионал тайёрланган самарали кадрлар заҳирасини шакллантириш
- Давлат фуқаролик хизматида бошқарув кадрларини тайёрлашда масоғавий таълимни ривожлантириш
- Интеллектуал ўқитиш тизимлари асосида бошқарув кадрларини тайёрлаш тизимининг инновацион ривожланиши

6-расм. Давлат фуқаролик хизматчиларини узлуксиз ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Келгусида биз маҳаллий ҳокимларни бевосита халқ томонидан сайлаш масаласи ҳақида ҳам ўйлаб, муҳокама қилиб кўришимиз керак. Ҳар бир худуд ўз раҳбарини ўзи сайласа, раҳбарларнинг халқ ва жамият олдиғаги масъулиятини кескин оширишга эришиш мумкин»¹.

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараккiet ўйлимизни катъият билан давом эттириб. янги боскичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. 120-бет.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш борасида фаолият олиб бораётган 7 та академия, 23 та институт, 16 факультет, 4 та марказ ва 16 та малака ошириш курслари мавжуд. Мустақиллик йилларида давлат бошқарув кадрларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда ҳар бир соҳанинг хусусиятлари ва бу соҳа хизматчиларига қўйиладиган талаблардан келиб чиқсан ҳолда олий ўқув марказлари шаклланди. Булар қаторига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси, Қуролли кучлар академияси, Солик академияси, Ички ишлар академияси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Суд ва адлия ходимларининг малакасини ошириш маркази, Олий ҳарбий божхона (ҳозирги Божхона институти), Тошкент шаҳри ва республикамиз вилоятларидағи педагогик кадрларнинг малакасини ошириш марказлари, вилоятлар ҳокимиятлари қошида тузилган ўз-ўзини бошқариш орғанлари раҳбарлар малакасини ошириш ўқув марказлари киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5139-сон Фармонига асосан, Давлат бошқаруви академияси тизимли ва стратегик фикрлаш кўникмаларига эга бўлган бошқарув кадрларини тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда давлат ва жамият бошқарувини такомиллаштириш йўлида кадрлар захирасини яратиш борасида фаолият олиб бормоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 сентябрдаги «Бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 745-сон қарорига мувоғиқ, бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича давлат таълим стандарти ва талаблари ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг худудий филиалларини ташкил этиш тўғрисида» ПҚ-3901-сон қарорига асосан Гулистон, Қарши, Самарқанд, Урганч ва Фарғона шаҳарларида Академиянинг худудий филиаллари ташкил этилган бўлиб, филиалларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг худудий тузилмалари, шунингдек, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг бошқарув кадрлари ва масъул ходимлари учун вазирлик, идора ҳамда бошқа ташкилотларнинг раҳбарларини жалб этган ҳолда доимий асосда Корея Инсон ресурсларини ривожлантириш милий институти (NHI), Корея Давлат бошқаруви институти (KIPA), Германия Халқаро ҳамкорлик жамияти (ГИЦ), Европа Менежменти ва технологиялари мактаби (ЕМТМ¹) билан ҳамкорликда шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури (UNDP) доисида ўкувамалий семинарлар ташкил этилмоқда.

Хозирги кунда Академияда бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш куйидаги шаклларда амалга оширилмоқда: 1) магистратуранинг икки йиллик таълим дастури бўйича грант ва тўлов-контракти асосида тайёрлаш; 2) ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда грант ва тўлов-контракти асосида давомийлиги бир йилгача бўлган дастурлар бўйича қайта тайёрлаш

¹ Германиянинг «Даймлер», «Сименс», «БМВ», «Люфтганза», «Тиссен Крупп», «МАН», «Кнауф» сингари 25 та етакчи компанияси ташаббуси билан 2002 йилда асос солинган.

3) ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда грант ва тўлов-контракти асосида 3 йилда бир марта давомийлиги бир ойгача бўлган қисқа муддатли малака ошириш йўналишлари бўйича раҳбар ва бошқарув кадрларини тайёрлаш.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг: «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи давлат ва жамият учун раҳбар кадрларни тайёрлаб берадиган ўзига хос марказ бўлиши, замонавий тилда айтадиган бўлсак, ёшлар учун «социал лифт» вазифасини бажариши керак. У билимли, ташаббускор ва ташкилотчи, фидойи ёш раҳбарларнинг кадрлар захирасини яратиши керак»¹ деган сўзларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида»²ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Институт – давлат муассасаси бўлиб, Президент хузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ташкил этилди. Муассаса фаолияти ёшлар муаммоларини ўрганиш, бу йўналишда илмий-тадқиқот ва таҳлилий фаолият олиб бориш, шунингдек, истиқболли ёш кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш.М.Мирзиёевнинг «Кадрлар билан ишлаш ҳолатини ҳам танқидий таҳлил қилиш зарур»³, деган фикрлари давлат фуқаролик

¹ Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланishi, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак. // Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йигилишидаги маъруzasini. 2017 йил 12 июль.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-3206-сон карори // lex.uz.

³ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – хар бир раҳбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017. 33-бет.

хизматчиларини узлуксиз ривожлантиришни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни талаб этади:

- таълим муассасаларида танлов асосида давлат фуқаролик хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича давлат буюртмасини шакллантириш;
- ёш кадрлар учун давлат органлари ва ташкилотларидаги тажрибали раҳбарлар ва мутахассислар томонидан устозлик институтини жорий қилиш;
- истиқболли кадрларни Миллий кадрлар резервига кўшиш учун танлов саралашларини ташкил қилиш;
- танлов саралашлари натижасида давлат органлари ва ташкилотларининг кадрлар захирасини интеграциялаш;
- давлат фуқаролик хизматчиларини қисқа муддатларда (масалан, ҳафтада бир марта) ўз иш жойларида видеоконференциялар орқали малакасини ошириб бориш. Бунда рўй берётган муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнлар таҳлили билан боғлиқ маълумотларни таҳлилчилар орқали давлат хизматчиларига етказиб бориш имконияти кенгаяди;
- давлат фуқаролик хизматчиларининг компетентлигидан келиб чиқсан ҳолда икки ҳолатда: З ойлик ёки 6 ойлик курсларда ўқитиш. Биринчи вазиятда уларни ўз лавозимларига қайта тайёрлаш; иккинчи ҳолатда уларни лавозим ўсишига эришиш мақсадида малакасини ошириш курсларига тавсия этиш;
- давлат хизматчиларининг «каръера модели» асосида ўсишини таъминлаб берувчи дастур яратиш. Дастурда соҳалар кесимида ўсиб боришнинг аниқ йўлини белгилаш ва бу борадаги зарур кўнкималарни аниқлаш. Мазкур дастур асосида лавозимидан келиб чиқиб ўқитиш тизимини йўлга қўйиш ва уларни «социал лифт» орқали ўсишини таъминлаш. Бу лавозим жиҳатдан қандай билимлар зарур бўлса, шуларни ўзлаштиришни таъминлашга хизмат қиласи.

1.2. Ўзбекистонда бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ташкилий-хуқуқий асослари

Жамият турли тузилмалардан иборат мураккаб қурилма бўлиб, турли ижтимоий муносабатлар асосида ривожланади. Лекин барча ижтимоий муносабатлар ҳам жамиятни ривожлантиришга хизмат қиласи деб бўлмайди. Чунки баъзи ижтимоий муносабатлар ривожланишга тўсқинлик қилиши, аниқроғи, ривожланишга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Жамият тузилмалари тизимида, ижтимоий муносабатларда давлат тузилмаси муҳим роль ўйнайди. Давлат жамиятнинг ривожланишига олиб келувчи ёки унинг инқизорига сабаб бўлувчи кучдир. Ўз навбатида, жамият ҳам давлатнинг қандай бўлишига, унинг характеристига таъсир қиласи.

Давлатни бир машина деб қарасак, уни бошқариш зарурлигини, уни тузатиб, такомиллаштириб бориш зарурати мавжудлигини англаймиз.

Давлатни бошқаришда, унинг ишларида иштирок этишда демократик тамойиллардан келиб чиқсан, барча фуқаролар иштирок этиши керак.

Лекин бу бошқарув (давлат бошқаруви) умумий бошқарув ҳамда касбий бошқарувга бўлиб ташкил қилинмаса, натижа кутилгандай бўлмайди. Давлат бошқарувини жамоатчилик бошқаруви ва касбий бошқарув муштараклигисиз ташкил қилиш кутилган натижани бермайди.

Давлат бошқарувида касбий бошқарувнинг тўғри ташкил қилиниши кўплаб муаммоларни ҳал қиласи. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат бошқарувида касбий иштирок этувчилар учун алоҳида масъулиятнинг белгиланганлиги ҳам бу масаланинг ижтимоий ҳаётда ўта муҳимлигини кўрсатади.

Конституциямизда «раҳбар» деган тушунча йўқ. Унинг синоними сифатида «мансадбор шахс» атамаси ишлатилиб,

унинг конституциявий масъулияти белгиланган. Масалан: Конституциянинг 2-моддасида, «мансабдор шахсларнинг жамияти ва фуқаролар олдида масъуллиги, 15-модданинг иккинчи кисмида «мансабдор шахсларнинг факат қонунга мувофиқ иш кўриш масъулияти» белгиланган. Шу масъулият тўлалигича раҳбар кадрларга ҳам тааллуклидир. Чунки раҳбарлар мансабдор шахс бўлади.

Биринчидан, мансабдор шахсми, раҳбарми шундай кучли конституциявий масъулиятга эга экан, (бундан ташқари, ҳар бир алоҳида раҳбарнинг ўз соҳасидаги яна кўплаб масъулият-мажбуриятлари бор) улар шунга мос билимга, маданиятга, дунёкарашга эга бўлиши керак. Бу эса уларни алоҳида тартибда тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш заруриятини юзага келтиради.

Иккинчидан, ҳозирги замон тараққиётини тез суръатлар билан ривожланиши, глобаллашув натижасида вужудга келадиган муаммолар: ахборот технологияларининг ривожланиши; табиий ресурсларнинг камайиб бориши, янги русурсларни излаш зарурати; ақлий техниканинг ривожланиши; экологик муаммоларни ҳал қилиш зарурати; аҳоли эҳтиёжларининг ўсиб бориши; бандлик масаласини ҳал қилиш каби кўплаб муаммоларнинг мавжудлиги раҳбарлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш заруратини келтириб чиқаради.

Шунинг учун, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳаларда бошқарувни амалга ошира оладиган раҳбар кадрларга катта эҳтиёж сезилди. Мамлакатимизда мутлақо янги тизимнинг вужудга келиши, бозор муносабатларига асосланган хўжалик юритиш, хуқуқий давлат куриш каби белгиланган вазифалар ҳам турли соҳаларда раҳбар кадрларга бўлган эҳтиёжни кучайтирди. Бунда икки вазифа амалга оширилиши зарур эди: биринчи – эски тизимда ишлаган, маълум билимга эга, вижданли, қобилиятили кадрларни замон талабларидан келиб чиқиб, мавжуд вазифаларга мослаб қайта тайёрлаш; иккинчиси – ёш, билимли, ватан учун, унинг тараққиёти учун жон куй-

дирувчи меҳнаткаш, фидойи ва ватанпарвар раҳбар ходимларни янгитдан тайёрлаш.

Мамлакатимизда, бир қараганда, осон кўринган бу икки мухим вазифани ҳал қилиш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Биринчи навбатда, бу ишлар ташкилий характердаги ишлар бўлиб, улар ўз ичига: тегишли давлат структура-ларида (пастдан юқоригача) раҳбар кадрларни таъланаш ва жой-жойига кўйишни амалга оширувчи хизматлар ташкил этилди, ҳар бир тармоқ ва соҳада раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш, малакасини оширувчи курслар (ўқув машғулотлари) ташкил қилиниб, бундай курсларда таълим беришга миллий мутахассислар билан бирга, хорижий мутахассислар ҳам жалб қилинди, миллий кадрларни хорижга турли муддатга ўқишга стажировка ўташга юборилгани каби ишларни ўз ичига олади.

Дастлабки пайтлардан раҳбар кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишда турли жамғармалар, жумладан, «Умид», «Устоз», «Истеъдод» каби жамғармалар мухим роль ўйнади.

Ушбу соҳанинг ташкилий асослари ҳакида сўз юритганда, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Банк молия академияси ва Ҳарбий академиянинг ташкил этилишини алоҳида қайд этиш лозим.

Ана шундай асосда мамлакатимизда, раҳбар кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тизимиға асос солинди.

Шунга эътибор бериш керакки, Ўзбекистон собиқ Иттифоқ таркибида вақтида раҳбар кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш масалалари билан марказ шуғулланар эди. Бунинг учун Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарларда турли соҳалар бўйича кадрлар тайёрловчи, малакасини оширувчи маҳсус даргоҳлар фаолият юритар эди. Бир мисол, ҳуқуқшунос педагог ходимлар ҳам Москва давлат университети қошидаги маҳсус факультетда малака оширап эди.

Ўзбекистон мустақил давлат бўлгач, раҳбар кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш вазифасини ҳам ўз зиммасига олди ва юқорида тилга олинган академияларни ташкил қилиниши билан мамлакатимизда мазкур тизимга асос солинди ва масаланинг ташкилий жиҳатлари замонавий миллий хусусиятларга мос равишда шаклланда бошлади.

Демак, мамлакатимизда раҳбар кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тизимининг вужудга келишида, мустақилликнинг илк даврида ташкил қилинган маҳсус академиялар ва жамғармалар асос бўлиб хизмат килган.

Мазкур академия ва жамғармалардан бирортасининг ролинни камайтирган ҳолда, эътироф этиш керакки, раҳбар кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишда 1995 йил 19 апрелдаги Президент фармони билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти хуzuридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси бу соҳада етакчи, карвонбоши даргоҳ ҳисобланади. Академияни ташкил этиш тўғрисидаги Президент Фармони мамлакатимизда раҳбар ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тизимининг вужудга келишига асос бўлди. Бу Фармон барча ҳокимиёт органлари, идора ва муассасалар, жамоат ташкилотлари учун раҳбар кадрлар зарурлигидан ҳамда давлат ва жамият қурилиши истиқболларини асослашга доир илмий тадқиқотларни чукурлаштириш ва мувофиқлаштириш зарурати мавжудлигидан вужудга келиб, шу масалаларни ҳал қилишнинг ташкилий жиҳатларини белгилаб берди.

Фармонда факат раҳбар кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш вазифасини кўйиш билан чекланилмай, раҳбар ходимлар ва мутахассисларни аттестациядан ўтказишнинг янги тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, жамият ва давлат қурилишининг барча бўғинлари учун раҳбар ходимлар захираси банкини шакллантириш; тегишли соҳада илмий тадқиқотлар ўтказиш ва шу

асосда кадрлар сиёсатини такомиллаштириш юзасидан тавсияномалар ишлаб чиқиш, раҳбар ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш муассасалари фаолияти бўйича концепциялар, дастурлар, лойиҳалар, тавсияномалар ва бошқа ҳужжатларни илмий экспертиза қилиш; мазкур соҳада халқаро ҳамкорликни амалга ошириш каби ташкилий масалалар ҳам Академия вазифалари қаторида қайд қилинди.

«Академия ташкил этиш, бу шунчаки орзу, мода ортидан қувиши, янги бир институт ташкил этишга интилиш эмас, балки табиий зарурат, қонуният тақозоси ва ҳаётий эҳтиёждир»¹, деган сўзлар Академиянинг ташкил этилиши зарурати ва аҳамиятини кўрсатади.

Мазкур Фармонда белгиланган вазифаларни ҳал қилишда Академия баҳоли қудрат фаолият кўрсатиб, раҳбар кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишнинг ташкилий шаклларини такомиллаштиришда ўз хиссасини кўшиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги «Давлат бошқаруви соҳасида кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4435-сонли Фармони алоҳида роль ўйнайди. Фармонга асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясига айлантирилди. Фармонга асосан, Академия Республика ва маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун бошқарув кадрларини тайёрлаш ва малакасини оширувчи, шунингдек, жамият ва давлат бошқаруви соҳасида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар олиб борувчи давлат базавий олий таълим муассасаси мақомига эга бўлди. Академияда икки йиллик ўкув режаси асосида «Давлат бошқаруви» мутахассислиги бўйича Ма-

¹ Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараккиёт омили. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. 17-бет.

гистрлик унвони берилиши белгиланди. Шунингдек, Академияга давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари бошқарув ходимларини, хўжалик бошқаруви ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органларини, шунингдек, давлат хизматчиларини тўрт ойлик муддатда қайта тайёрлаш вазифаси юкланди.

Фармон асосида Академия фаолиятига киритилган ўзгартириш ва янгиликлар: таълим жараёнини амалиёт билан бօғлашга эътибор берилгани, тингловчиларнинг, мажбурий равишда стажировкасини ташкил этишнинг белгиланиши ҳамда ўкув жараёнининг модуль тизимида ташкил қилинишининг белгиланишидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев-нинг давлат бошлиғи вазифасига киришганида, мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратганилиги бежиз бўлмади. Бошқарувнинг турли бўғинларида фаолият юритган Президентимиз мамлакатимизда раҳбар кадрлар тайёрлашнинг ҳакиқий ахволини яхши билган ҳолда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун профессионал кадрлар тайёрлашга эътибор қаратди. Шунинг учун дастлабки кунлардан бошлаб, Президент томонидан: «Асосий-вазифа – бу юқори касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга, пухта ўйланган, ҳар томонлама тўғри қарорлар қабул қила оладиган, белгиланган мақсадларга эришадиган раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг янги таркибини шакллантиришдан иборат. Бу борада ҳудудий бошқарув органлари энг аввало, мамлакатимиз туман ва шаҳарлари ҳокимликлари учун малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қартиш зарур. Давлат бошқаруви академияси ўзига юклатилган вазифани мутлако уddyalamаяпти, десак тўғри бўлади. Шунинг учун ушбу Академияни ҳам, унинг иш услубини ҳам тубдан ўзгартириш ва раҳбар кадрларини қайта кўриб чиқиш лозим»¹, – деб кескин фикр билдирилди.

¹ <http://president.uz/uz/ists/view/III>

Академия фаолияти чукур ўрганилиб, таҳлиллар асосида 2017 йил 8 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тизими-ни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»¹ги Фармони қабул қилинди.

Фармон Академияда бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган устувор вазифалари Ҳаракатлар стратегияси вазифаларидан келиб чиқишини белгилаб берди.

Фармонда Академияга аввалги хужжатларда юклangan вазифалар қаторига:

- тингловчиларда жамият, давлат, хўжалик соҳасида бошқарув билимларидан ташқари, психология, ахборот-технологиялари ва «электрон хукумат» тизими ҳақида, шунингдек, ташаббускорлик, лидерлик ҳусусияти, тизимли таҳлил қилиш, стратегик режалаштириш, ноанъанавий ҳолатларда қарорлар қабул қилиш бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш;

- ёшлар муаммоларини ўрганишни тизимли таъминлаш ва шу муаммоларни ўрганиш бўйича илмий-тадқиқотлар ташкил қилиш ва ўқув-методик материаллар яратиш;

- барча бўғин вакиллик ҳокимият органлари депутатлари ва сиёсий партия аъзолари ўқишини ташкил этишга кўмаклашиш;

- давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик, жамоат ташкилотларини ходимлар билан таъминлаш ҳолати ҳақида таҳлилий маълумотлар тайёрлаш, ходимлар захирасини шакллантириш, раҳбар кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, жамият ва давлат бошқаруви ходимларининг имкониятлари мониторингини ташкил қилиш вазифалари киритилди.

¹ <https://lex.uz/docs/4389743>

Фармонда ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг қандай амалга оширилиши аниқ кўрсатиб кўйилди. Унга асосан:

- Академияда бошқарув кадрларини тайёрлаш магистратуранинг икки йиллик таълим дастури бўйича грант ва тўлов-контракти асосида, давлат намунасадаги диплом топширилиши билан амалга оширилади;

- жамият, давлат ва хўжалик бошқаруви соҳасида бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш грант ва тўлов контракт асосида бир йилгача бўлган дастурда, шунингдек, ишдан ажralмаган ҳолда ҳам амалга оширилиб, белгиланган намунасадаги диплом бериш орқали амалга оширилади;

- жамият, давлат ва хўжалик бошқарув соҳасида кадрларнинг малакасини ошириш ва тўлов контракт асосида бир ойгача бўлган кисқа муддатли курсларда шунингдек, ишдан ажralмаган ҳолда амалга оширилиб, белгиланган намунасадаги сертификат бериш орқали амалга оширилади. Раҳбар ходимлар ҳар уч йилда малака оширишлари шарт.

Магистратура, қайта тайёрлаш, малака ошириш курслари ўкув дастурларининг жойлардаги ва тармоқлардаги аниқ муаммоларни тизимли ўрганиш асосида шакллантирилишининг белгиланиши таълим жараёнига янгича ёндашув ҳамда таълим ва амалиёт интеграциясини таъминлашга қаратилган қадам бўлди.

Ишдан ажralган ҳолда таълим олувчи Академия тингловчиларини таълим даврида иш жойи ва ўртacha маошининг сақлаб қолиниши, магистратура тингловчилари таълим жараёнида бир йил малака тажрибасини ва стажировка ўташининг белгиланиши кадрлар тайёрлашнинг ташкилий жиҳатларини юқори даражага кўтарди.

Фармонда кадрлар тайёрлашнинг ташкилий жиҳатларини кучайтиришга қаратилган тадбирлар қаторига, шунингдек:

- Қорақалпоғистон Республикаси Министрлар Кенгashi, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимлклари ҳамда давлат ва хўжалик органлари раҳбарларининг Академия тингловчи-

лигига номзод танлашда ва Академия битириувчиларини мансаб пиллапоясидан кўтарилишига шахсий жавобгарлигининг белгиланиши;

– Академияни муваффакиятли тугатган ва бошқарув соҳасида ишлаётган ходимларга беш йил давомида иш ҳақига 20 фоиз устама ҳақ тўлаб берилишининг белгиланиши;

– Академия магистратурасини муваффакиятли тугатган шахсларни тегишли мансаб ва иш жойига тақсимотини Ўзбекистон Президенти томонидан тасдиқланишини киритиш мумкин. Бу тадбирлар раҳбар кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга мамлакатимизда катта эътиборни кўрсатади.

Республикамида бошқарув ходимлари малакасини оширишни ташкил қилишда Президентнинг 2018 йил 6 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг худудий филиаларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори алоҳида аҳамиятга эга. Унга кўра, бир нечта вилоят марказларида филиаллар ташкил қилиниб, унда ходимларни қисқа курсларда, тегишли дастурлар асосида малакасини ошириш ишлари йўлга кўйилди.

Ҳаёт ривожланиши асосида ижтимоий муносабатлар ҳам ривожланади, эскириб колган муносабатлар янгисига ўз ўрнини бўшатиб беради. Кўлга киритилган ютуклар билан ҳеч вақт чекланиб қолиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам бошқарув соҳасида, уни такомиллаштиришга қаратилган изланишлар, тадбирлар доимо кун тартибида туради.

Мамлакатимизда қабул қилинган, Маъмурий ислоҳотлар Концепцияси бошқарув соҳасини такомиллаштиришга, кадрлар малакасининг юқори даражада бўлишига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

Кейинги пайтларда ватанимизда катта ишлар амалга оширилмоқда ва келажакда улкан вазифалар белгиланмоқда.

Бу вазифалар тизимли равишда асосланиб, Президентнинг 2019 йил декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгилаб берилди. Унда: «Юртимизда яшаётган хар

қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркин, тинч ва бадавлат умр кечириши, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшashi – бизнинг бош мақсадимиздир», – деб белгиланган экан, шу мақсадга эришиши учун: иқтисодий, маъданий, таълим, соғликни сақлаш, хавфсизлик, мудофаа, инсон манфаатларини таъминлаш соҳаларида аниқ вазифалар кўйилди ҳамда: «Замонавий, оқилона бошқарув тизимини жорий этиш олдимизга кўйилган вазифаларни бажаришнинг асосий шартидир»¹, – деб эътироф этилди. Бу бошқарувга нисбатан жуда катта ишонч ва юқори баҳодир. Келажакда Президент тасаввуридаги бошқарувни вужудга келтириш муҳим вазифа бўлиб қолади.

Фақат замонавий, оқилона бошқарувни яратиш, унга эришиш масалани тўла хал қилмайди. Чунки Президент фақат бошқарувни эмас, бутун бошқарув тизимини назарда тутмоқда. Бу тизимда эса бошқарувни юргизадиган, амалга оширадиган куч – ходимлар ҳам бор.

Бирор-бир машина қанчалик мукаммал бўлмасин (бу ерда машина бошқарув маъносида олинди), уни бошқарувчи (ёки ҳайдовчи) нўноқ бўлса, тегишли билимга эга бўлмаса, яхши машина ҳам манзилга етиб боролмайди. Шунинг учун бошқарув ҳам, бошқарувчи ҳам мукаммал, бир-бирига муносиб келиши керак. Бундан ҳулоса шуки, оқилона, замонавий бошқарувга малакали бошқарув ходимларисиз эришиб бўлмайди. Замонавий талабга жавоб берувчи, ташаббускор, кенг дунёкарашга эга, маънавий, ахлоқий пок, жамоани орқасидан эргаштира оладиган, ҳар қандай шароитда жавобгарликни бўйнига ола биладиган ва тўғри, асосли қарор қабул қиласиган бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш масаласи ҳар доим долзарб масала бўлиб қолаверади ва шунинг учун уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишнинг ташкилий масалалари такомиллаштириб берилишига зарурат пайдо бўлиб туради.

¹ Халқ сўзи, 2019 йил 29 декабрь.

Президентимизнинг 2018 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида, давлат бошқарувида самарадорликни ошириш мақсадида давлат хизматига малакали мутахассисларни жалб этишга қаратилган ягона кадрлар сиёсатини шакллантириш зарурлиги, давлат идораларида малакали ва етук кадрлар этишмайтганлиги айтиб ўтилди. Бу бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ташкилий ишларни такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Шу масалани ҳал қилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим роль ўйнайди. Қарор бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш, давлат ва бошқарув органларининг кадрлар билан таъминланганлик даражасини кучайтиришини кўзда тутади. Натижада, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг факат сифат жиҳатдан яхшилаш эмас, кадрларнинг сон жиҳатдан ҳам кўп бўлишини таъминлайди.

Қарорга биноан бошқарув кадрларини тайёрлаш грант ва контракт – тўлов асосида ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда бир йиллик (аввалги қонунчиликда икки йиллик эди), ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда икки йиллик магистратура таълим даражалари бўйича амалга оширилади ва давлат намунасидаги диплом топширилади.

Қарорда 2019-2020 ўкув йили учун қабул квоталар қуйидагича белгиланди:

- ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда «Давлат бошқаруви» мутахассислиги бўйича магистратурага 90 нафар (36 та контракт, 54 та тўлов – контракт асосда);

- ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда «Давлат бошқаруви» мутахассислиги бўйича, бошқарув кадрларини кай-

та тайёрлаш курслари учун 60 нафар (грант – 24 та, түлов контракт – 36 та);

- ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда «Давлат бошқаруви» мутахассислиги бўйича бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш курслари учун 90 нафар (грант – 36 та, түлов контракти – 54 та) тингловчи қабул қилинади.

Барча йўналишлар бўйича Академияга 2019-2020 йилда қабул қилинган тингловчиларнинг сонининг 270 та эканлигига эътибор берсак, бу аввалги йиллардан анча кўплигини кўрамиз.

Шунингдек, қарорда Академия ва манфаатдор идоралар зиммасига бошқарув кадрлари малакасини ошириш бўйича тегишли ташкилий масалаларни ҳал қилиш, бошқарув кадрлари малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш вазифаси юкланди¹.

Мамлакатимизда 2018 йил 25 сентябрда Президент Фармони билан ташкил этилган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрг умиди» жамгармаси» нафақат мутахассислар, шунингдек, раҳбар кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришда муҳим ташкилий омил бўлди.

Жамгарманинг кўплаб вазифалари қаторида:

- давлат бошқаруви соҳаларидаги истиқболли мутахассисларни танлаб олиш;
- давлат бошқаруви соҳасида Халқаро ташкилотлар, мамлакатларнинг давлат тузилмалари ва нодавлат ташкилотлари билан алоқаларни йўлга қўйиш, уларни ҳамкорлик ва ривожланиши бўйича лойиҳаларни амалга оширишга жалб этиш ҳам белгилаб қўйилди.

Давлат бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда халқаро ҳамкорлик, уларнинг тажрибасини ўрганиш мамлакатимизда мазкур ишни ташкил қилишда муҳим роль ўйнайди.

¹ Қаранг: Халқ сўзи. 2019 йил 28 июнь.

Бошқарув ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкилий асослари бўйича хулоса қилсак:

- кадрлар, шу жумладан, бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тизими, ташкилий тузилмалари Президент, Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади;

- кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш мутахассис кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш малакасини ошириш ҳамда раҳбар кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш малакасини ошириш йўналишига бўлинади ва бу ишлар турли таълим муассасаларида амалга оширилади;

- бундай ўкув муассасалари олий таълим муассасалари (академия, университет, институтлар) малака ошириш марказлари, курслар бўлиши ва тегишли идоралар тасарруфида фаолият кўрсатиши мумкин. Масалан:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, бу мутахассислигидан қатъи назар бошқарув кадрларини (раҳбарларни) тайёрловчи, қайта тайёрловчи ва малакасини оширувчи муассаса;

- айрим муассасалар фақат шу соҳа бўйича раҳбар кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш фаолияти билан шугулланади, жумладан: Банк молия академияси, Куролли кучлар академияси, Бош прократура ҳузуридаги академия;

- айрим муассасалар фақат шу соҳа мутахассислари малакасини ошириш фаолиятини олиб боради, жумладан: ИИВ нинг малака ошириш маркази, Адлия вазирлигининг малака ошириш маркази, Олий Суд ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

- бундан ташқари, турли ташкилотларда ўз ходимларини қисқа муддатда малакасини ошириш ташкил қилинадиган курслар – Молия вазирлиги ҳузуридаги ўкув маркази, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимликлари ҳузуридаги қисқа муддатли курслар мавжуд.

Мамлакатимиз кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тизимида Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Эл-юрт умиди» жамғармаси етакчи ўрин эгаллади.

Бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мамлакатда маълум ижтимоий муносабатларни вужудга келтиради. Бу ижтимоий муносабатлар давлат фаолияти, аниқроғи, бошқарув фаолияти билан боғлиқ бўлгани учун, уларни ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиш заруратини келтириб чиқаради.

Бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маълум ташкилий масалалардан (ташкилий асос) ва ҳуқуқий нормалардан (ҳуқуқий асос) иборат қатъий тизим ҳисобланиб, юқорида биз унинг биринчи ташкилий қисмини кўриб чиқдик. Қуйида масаланинг иккинчи қисми – ҳуқуқий асосларини ёритишга ҳаракат қиласиз.

Кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш қатъий тартиб-тамойиллар асосида ташкил қилинсангина муваффақиятга эришиш мумкин.

«2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да – Давлат бошқаруви тизими ни ислоҳ қилиш белгиланар экан, ислоҳотлардаги асосий тадбирлар қаторида, давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлигини ошириш алоҳида кўрсатилди. Бу эса давлат хизматчиларини, шунингдек, бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан бевосита боғлиқдир.

Давлат бошқарувини ислоҳ қилишни, давлат хизмати билан боғлаш биринчи марта бундай жиҳдий ҳужжатда қайд қилинганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Давлат бошқарувига замон талабига жавоб берувчи бошқарув кадрларини тайёрлашнинг муҳим шарти – бошқарув кадрлари тайёрлашнинг мукаммал тизимини яратишdir. Бунинг учун энг аввало бошқарув кадрлари тайёрлашнинг мукаммал ҳуқуқий асоси бўлиши зарур.

Ҳозирги вақтда мавжуд бошқарув кадрлари тайёрлашнинг хуқуқий асосларини, энг аввало, икки гурухга бўлиш мумкин. Биринчиси, умуман, кадрлар тайёрлашга тааллукли хуқуқий хужжатлар, яъни Ўзбекистон Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги ва бошка қонунлар. Уларда кадр бўлиб етишишнинг хуқуқий асослари – билим олиш хукуки, таълимнинг турли босқичлари орқали таълим олиш, тегишли соҳа бўйича мутахассис бўлиб етишишнинг тартиб-қоидлари белгиланган.

Иккинчи гурух хуқуқий хужжатлар эса, бевосита бошқарув қадрларини тайёрлаш қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга, таълим жараёнини ташкил қилишга, уларнинг иш фаолияти, меҳнат шароитларини белгилашга қаратилган хужжатлар бўлиб, булар: қабул қилиниши кутилаётган «Давлат хизмати тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари (Низомлари), тегишли муассасаларининг хужжатлари ҳисобланади. Қўйида шулар ҳақида тўхталамиз.

Ўзбекистонда бошқарув қадрларини тайёрлашни тартибга солувчи асосий ва маҳсус хуқуқий хужжатлар – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, шу Фармон иловаси сифатида тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Низоми», Президентнинг ушбу фармонини ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида қабул қилинган, 2017 йил 19 сентябрдаги Вазирлар Маҳкамасининг «Бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат

бошқаруви академиясининг худудий филиалларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳозирги кунда мамлакатимиздаги бошқарувнинг турли погоналари ва соҳалари учун бошқарув кадрларини тайёрловчи, қайта тайёрловчи, малакасини оширувчи ягона ва етакчи таълим муассасаси бўлгани учун, бошқарув кадрларини тайёрлашга боғлик ҳукуқий ҳужжатлар ҳам бевосита унинг фаолияти билан боғлиқдир.

Президентнинг 2017 йил 8 августдаги Фармонида Давлат бошқарув академиясининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгиланиб:

- Давлат бошқаруви академиясининг ташкилий структураси ва Академия Низоми тасдиқланган;
- Академияда ўқиш муддатлари ва тегишли дастурларни бажарганлар учун бериладиган ҳужжатлар;
- Академияга қабул қилишнинг умумий қоидалари;
- Академия тингловчиларига билим беришнинг асосий шакллари;
- Академиянинг ҳукуклари белгилаб қўйилган.

Фармонда Академиянинг ҳукукларини белгиловчи нормалар, Академияга:

- мутахассислик бўйича ўқув режаларини, Академияда ўқитиладиган ўқув курсларининг дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- профессор-ўқувчилар фаолияти турлари, вақт меъёrlари ва ўқув юкламаларини белгилаш;
- Академия ўқув машғулотларига контракт асосида етакчи олий таълим муассасалари ва илмий муассасаларининг, шунингдек, хориж мутахассисларини жалб қилиш ҳукуки берилган бўлиб, бу Академиянинг мустақил фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилгандир.

Президентнинг тегишли фармони иловаси сифатида тасдиқланган, Академия Низоми асосан Президент фармонини тўлиқ ҳаётта тадбиқ қилишни назарда тутади.

Фармон ва Низомда белгиланган вазифалар¹ тегишли хужжатларда белгиланган асосий мақсад – бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини ташкил қилиш ҳамда жамият ва давлат бошқаруви соҳасида фундаментал ҳамда амалий илмий тадқиқот ишларини олиб боришига қаратилгандир.

Академия Низоми, Академиянинг раҳбар органлари фаолияти белгиланар экан, Академия бошқарувида коллегиалчилик (Кенгаш) ва яккабошчилик (ректор) принципи ўрнатилиб, бу принцип орқали Кенгаш ва ректор муносабатларининг ташкил қилиниши, муносабатларда мувознатнинг тўғри йўлга қўйилиши, ҳисобдорлик, масъулият масалалари замон талабларидан келиб чиқиб ҳал қилинган ва шундай бошқарув, Академия олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилиши учун имконият яратиши кўзда тутилган.

Низомда Академияда таълим жараёни ва илмий-методик фаолиятни ташкил қилишга алоҳида ўрин ажратилган. Унда белгиланишича, таълим жараёни замон талабларига мос келувчи, синовдан ўтган ўкув режа ва дастурлар асосида ташкил қилиниши, бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга уларнинг хусусиятидан келиб чиқиб ёндашиш, таълим жараёнида фан, амалиёт муштараклигига эришиш, илмий-тадқиқот натижаларидан ўкув жараёнларида кенг фойдаланиш белгилаб қўйилган. Низомнинг «Академия тингловчилари» бобида, Академияга тингловчиларни кабул қилиш тартиби, уларнинг хукуқ, бурчлари, уларга қўйиладиган талаблар белгиланган бўлиб, Низом нормалари тингловчилар касбий билим ва кўникмаларга эга бўлишидан ташқари, албатта, бирорта чет тилини ўрганиши, ўзларининг маънавий дунёсини кенгайтириш мақсадида мамлакатимиздаги ёзувчи ва шоирларнинг ижодини ўрганиши шартлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек,

¹ Булар ҳақида тўлиқ маълумотни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПФ-5139-сон Фармони ва унинг 2-иловасидан кўриш мумкин.

Низомда уларга яратиладиган шароитлар уларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари ҳам тартибга солинган.

Низомда тингловчининг қандай ҳолларда тингловчилар сафидан чиқарилиши ҳам кўзда тутилган. Низомнинг «Академия профессор-ўқитувчилари ва бошқа ходимлари» бобида профессор-ўқитувчиларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари белгиланган бўлиб, бунда куйидагиларни алоҳида қайд қилиши лозим.

Профессор-ўқитувчилар Академиядаги мавжуд барча қулийликлардан фойдаланиб, тингловчиларнинг индивудал ҳусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда юқори даражадаги ўкув жараёнини таъминловчи ўкув методлари ва усуллари ни ўzlари танлаш ҳуқуқига эга.

Шу асосда профессор-ўқитувчилар ўкув жараёни самародорлиги юқори даражада бўлишини таъминлаши, тингловчилар ташаббускорлигини, ижодий қобилиятини, илмга интилишини ривожлантириши; тингловчиларда юксак маданият ва маънавиятни, Ватанга садоқат, ватанпарварликни шакллантириши; илмий тадқиқот олиб бориши, ундан ўкув жараёнида унумли фойдаланиш зарурлиги белгиланган. Булар профессор-ўқитувчиларнинг бурчи сифатида белгиланган.

Академия Низомида, Академиянинг халқаро фаолиятига алоҳида боб ажратилган, унда тингловчи ва профессор-ўқитувчиларни чет элларда стажировка ўташ шарт-шароитлари, юқори малакали хориж мутахассисларини Академия фаолиятига жалб қилиш масалалари белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Низомда «Академиянинг молия-хўжалик фаолияти»га ва ушбу Низомга ўзгартириш киритиш, Академияни қайта ташкил қилиш, тугатиш масалаларига ҳам алоҳида (8, 9) боблар ажратилган.

Академия Низомининг Президент Фармони билан тасдиқланишининг ўзи, унинг юқори мақомдаги таълим муассасаси эканлигини кўрсатади.

Президентнинг Академияни ташкил қилиш тўғрисидаги фармонида Вазирлар Маҳкамасига бошқарув кадрларини

тайёрлаш соҳасида магистратура мутахассислиги бўйича Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти, шунингдек, давлат, жамият, давлат ва хўжалик бошқарув органлари, жамоат ташкилотлари учун бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича Давлат талабларини тасдиқлаш вазифаси юкланган.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 сентябрдаги «Бошқарув кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир норматив-хукуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Ушбу қарор иловалари сифатида 7 та норматив-хукуқий ҳужжат тасдиқланди, булар:

1. Бошқарув кадрларини тайёрлаш соҳасида магистратура мутахассисларни бўйича олий таълимнинг давлат таълим стандарти (Асосий коидалар).

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг «Давлат бошқаруви» магистратура мутахассислиги бўйича давлат таълим стандарти.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридага Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси магистратура тингловчилари томонидан малакавий амалиёт ва стажировка ўташ тартиби тўғрисидаги Низом.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун масофадан ўқитиш таълим усуллари орқали ўқув курсларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низом.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида тингловчиларни ишлаб чиқаришидан ажralмаган ҳолда таълим дастурлари бўйича таълим хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низом.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш курсларини 2015-2016 ва 2016-2017 ўкув йилларида якунлаган битирувчилар учун бериладиган давлат намунасидаги сертификат.

Мазкур ҳужжатлар орасидаги Биринчи ҳужжат бошқарув кадрлари тайёрлаш соҳасида магистратура мутахассисликлари бўйича олий таълимнинг давлат таълим стандарти (БКТ ОТ ДТС) умумий характердаги ҳужжат бўлиб, у фақат Академияга тааллукли бўлмасдан, бутун Республикамизда бошқарув қарорларини тайёрлашга қаратилган.

Ҳужжатнинг ўзида қайд қилинишича, у олий маълумотли бошқарув кадрларини тайёрловчи барча таълим муассасаларига тааллукли. Мазкур ҳужжат Республикамизда амалда бўлган аввалги барча кадрлар тайёрлашга тегишли ҳукукий ҳужжатлар асосида яратилган бўлиб:

- бошқарув кадрларини тайёрлаш соҳасида магистратура мутахассисликлари бўйича ўкув режалари ва дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талабларни;
- бошқарув кадрларини тайёрлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фоалиятини баҳолаш тартибини белгилайди;
- ўкув юкламаси ҳажмини;
- бошқарув кадрларини тайёрлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фоалиятини баҳолаш тартибини белгилайди.

Шунингдек, мазкур ҳужжат бошқарув кадрларини тайёрловчи таълим муассасаларида ўкув жараёнини, бошқарув кадрлари тайёрлаш сифатини, дарсликлар, ўкув қўлланмалари тайёрлашни тартибга солувчи ўкув-методик ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш учун асос ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатларнинг қолган б таси бевосита Академияда бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга

тегишилдири. Иккинчи ҳужжат – ДБ ММ ДТС – Академиянинг магистратура мутахассислиги бўйича Давлат таълим стандартларини белгилайди.

Мазкур ҳужжат билан 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси талаблари асосида таҳлилий фикрлаш ва стратегик режалаштириш, турли масалалар тўғри ечимини топиш, ташаббускорлик ва етакчилик кўникмаларига эга бошқарув кадрларини тайёрлашни на- зарда тутувчи стандартлар белгилаб қўйилган. Бу ҳужжат мамлакатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, жамиятдаги демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация килиш, фан-техника ва технология ютуқла- ри, бошқарув кадрларини тайёрлашда замонавий усул ва воситаларни кўллаш, хорижий тажрибадан самарали фой- даланиш, бошқарув кадрларига қўйиладиган талабларни кучайтириш ва такомиллаштиришга асос бўлади.

Шунингдек, ҳужжат:

- ўкув режа ва фанлар (ўкув курслари) мазмунига қўйи- ладиган умумий талаблар;
- малакавий амалиёт ва стажировка мазмунига қўйила- диган умумий талаблар;
- ўкув юкламаси ҳажми ва тузилмаси;
- бошқарув кадрларини тайёрлаш сифатини назорат қи- лиш тартиби белгилаб қўйилган.

Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган кейинги учинчи ҳуж- жатда Академияда давлат ва хўжалик бошқарув органла- ри, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат таш- килотлари (буюртмачилар) бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган мажбурий талаблар белгилаб қўйилган бўлиб, бу талаблар куйидагилардан иборат:

- ходимларда замонавий билим, кўникма малака ва ком- петентликни шакллантириш ҳамда тингловчиларнинг касб ва лавозимларга мувофиқлигига эришиш;

- таълим жараёнида замонавий бошқарув технологияларига таяниш;

- таълим дастурлари мазмунини бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш турлари ва шаклларига мослаштириш.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқиш касбий фаолиятидан ажралган ёки ажралмаган ҳолда, шунингдек, масофавий таълим технологияларидан фойдаланиш асосида амалга оширилишининг белгиланиши қайта тайёрлаш ва кадрларни малакасини оширишда имкониятларни кенгайтиради.

Хужжатда қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг ўкув юкламалари ҳажми, аудитория машғулотлари ҳажми, ўкув муддатлари, тингловчиларга бериладиган якуний ҳужжатлар белгилаб қўйилган. Шунингдек, ҳужжатда, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларининг тажриба ўташ тартиби; уларга ўкув жараёнида қўйиладиган талаб, яъни нимани ўргатиш ва улар нималарни, албатта, билиши зарур бўлган масалалар; таълим сифатини назорат килиш тартиби қўйилган.

Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган тўртинчи ҳужжат – Академия магистратураси тингловчиларининг малакавий амалиёт ва стажировка ўташ тартибини белгилайди. Бу ҳужжат ҳозирги давр таълим тизимидағи муҳим масала – таълим ва амалиётни интеграциялашни (муштараклигини таъминлаш) назарда тутади. Ҳужжатнинг энг эътиборли томони шундаки, у кадрларни тайёрлаш жараёнида, Академия билан бирга Қорақалпогистон Вазирлар Кенгashi раиси, Тошкент шахри ва вилоятлар хокимлари ҳамда барча давлат ва хўжалик раҳбарларининг масъулиятини белгилайди.

Низомда Академия магистратура таълими бўйича, амалиёт турлари, уларнинг муддатлари, шу даврда умумий дастур асосида нима ишлар қилиниши лозимлиги, унинг натижасида тингловчилар қандай билим ва кўникмаларга эга бўлиши зарурлиги, малакавий амалиёт натижасини ба-

ҳолаш тартиби, бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш асалиёти алоҳида дастур ва ўкув режаси асосида ўтказилиб, унинг мақсади битириув малакавий ишини тайёрлаш учун материаллар йигиш эканлиги ўрнатиб қўйилган.

Низом Академия магистратурасида таълим олаётган тингловчилар стажировкаси, шу жумладан, хорижда стажировка ўташ тартибини, унинг мақсади тингловчи ўкув жараённида олган назарий билимлари ва касбий малака ҳамда маҳоратини муайян иш жойида мустаҳкамлаши, фойдаланиши ва магистрлик диссертацияси учун материаллар йигиш эканлигини белгилаган. Стажировканинг муддати 16 хафта қилиб белгиланиб, тингловчининг стажировкани доимий яшайдиган, ишлайдиган жойидан бошқа ерда, тегишли ташкилот ва муассасаларда ўташи белгиланган. Низомда стажировкани мамлакатимиз худудида ва хорижда ўташ тартиби, унда қилинадиган ишлар, стажировка ўтовчиларга қўйиладиган талаблар, ташкил этиш тартиблари, стажировка натижаларини баҳолаш ва амалиёт ҳамда стажировка ўташнинг моддий таъминоти белгилаб қўйилган.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган кейинги учта хужжат (5, 6, 7-хужжатлар) бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга тегишилдири.

Жумладан, Академияда бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш, малакасини оширишда масофавий таълим усулларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом (Низомнинг тўлиқ номи аввал берилган). Низом қоидалари бошқарув кадрларини иш жойидан ажralмаган ҳолда ўкув дастурларини мустақил ўзлаштириши учун тегишли шароитлар яратилишини назарда тутади. Бунда ҳозирги замон техника ютукларидан ахборот-технологияларидан самарали фойдаланиши назарда тутилади.

Масофавий курсларда ўқитиш шартнома асосида, манфаатдор ташкилотларнинг буюртмасига мувофиқ амалга оширилади. Низомда масофавий курсларга тингловчилар

қабул қилиш ва таълим жараёнини ташкил этиш; тинглов-чиларнинг билимини баҳолаш тартиблари батафсил баён этилган.

Академияда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим дастурлари бўйича таълим хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низом (6-илова) тегишли масала юзасидан тартиб қоидаларни яъни:

- умумий қоидаларни;
- таълим хизматлари кўрсатиш ва шартнома тузиш тартибини;
- Академия ва буюртмачиларининг мажбуриятларини белгилайди.

Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланган 7-ило ва бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш курслари битириувчилари учун бериладиган давлат намунасидағи сертификат намунасини тасдиқлаган.

Бошқарув ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ҳуқуқий асослари тизимида Президентининг 2018 йил 6 авгуустдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг худудий филиалларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори катта аҳамиятга эга.

Бу қарор Республикаизда бошқарув кадрларини мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотлардаги иштирокининг аҳамияти, бошқарув кадрлари савияси, билимига қўйилаётган талабларни ҳисобга олган ҳолда яшаш ва ишлаш жойига яқин жойларда улар малакасини оширишни назарда тутади.

Қарор, энг аввало, мамлакатимизда бошқарув кадрлари малакасини ошириш миқёсини кенгайтириш орқали, бу жараёндан кўплаб кишиларнинг ўтишини таъминлашни, малака ошириш сифатини янада яхшилашни ва энг муҳими, бошқарув кадрларига малака ошириш учун кенгроқ қуляйлик яратишни назарда тутади. Чунки ташкил этилаётган филиалларда бошқарув ходимлари яшаш, иш жойидан узоқлашмай малака ошириш имконига эга бўлади. Шу-

нингдек, филиаллар фаолияти орқали таълим ва амалиёт интеграцияси янада кучаяди.

Президент қарорида филиалларнинг асосий вазифаси қилиб қўйидагилар белгиланган:

- жойларда бошқарув кадрларининг малакасини оширишда замонавий шароитларда уларнинг касбий билим ва савиёсига қўйилаётган талабларни ҳисобга олиш;

- тингловчиларда маҳаллий бошқарув ва худудий ривожлантириш соҳасидаги чукур ва амалиётга йўналтирилган, шунингдек, стратегик ривожлантириш, горизонтал ва вертикал муносабатлар тизимига оид билимларни, давлат ва худудий дастурларни ҳамда хукукий хужжатларни сифатли ижро этиш қўнималарини шакллантириш;

- филиаллар фаолиятида юқори идоралар, вазирлик ҳамда бошқа ташкилотлар раҳбарларини, тажрибали ходимларини жалб этган ҳолда доимий ўқув-амалий семинарларни ташкил этиш;

- ўқув-амалий семинарларда тингловчиларда фаолликни режалаштириш уқувини ва режаларни сифатли бажариш қўнималарини шакллантириш;

- малака ошириш курслари, ўқув-амалий семинарларда аникланган муаммоларни таҳдил қилиб, улар бўйича ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлаш.

Шунингдек қарорда:

- ўқув режаларини шакллантириш;

- ўқув машғулотларини ташкил этиш;

- ўқув машғулотларига профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш тартиблари;

- тингловчиларнинг ижтимоий ҳимояси;

- ўқув курсларининг муддатлари;

- ўқув машғулотлари ва тингловчиларни ўз устида ишланиш учун етарли моддий имкониятлар;

- филиалларнинг моддий-таъминоти масалалари белгилаб қўйилди.

Шубҳасиз, Академия филиалларининг ташкил қилиниши мамлакатимизда бошқарув кадрларини малака ошириш

тизимини янада мустаҳкамлайди, унинг натижасида кўплаб ходимлар қулай шароитларда малака ошириш имкониятига эга бўлади. Турли филиаллар бир-бирининг ижобий тажрибалиридан фойдаланиш имконияти вужудга келади.

Бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ҳуқуқий асослари тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқат қилиш бўйича «Эл-юргум умиди» жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»¹ Фармони ва 2019 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори² мухим роль ўйнайди.

Биринчи ҳужжатда жамғармани хорижда давлат бошқаруви бўйича таълим олаётган мутахассисларни танлаб олиш ва бошқарув соҳасида халқаро ҳамкорликни йўлга кўйиш вазифаси юкланган бўлса, иккинчи ҳужжат Академия фаолиятини янада такомиллаштириш орқали кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш юкори даражага чиқаришни назарда тутади. Шунингдек, қарор Академияни жамғарма билан алоқасини ҳам назарда тутади.

Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 27 августдаги «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда раҳбар кадрлар тайёрлашнинг ҳуқуқий асослари баъзасини янада кенгайтирди³.

¹ <https://lex.uz/docs/3920037>

² <https://lex.uz/docs/4389743>

³ Каранг: Халқ сўзи, 2019 йил 28 август.

1.3. Ўзбекистонда бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг ривожланиш босқичлари

Ўзбекистон 2017 – 2021 йилларда янги иш ўринларининг яратилишига, аҳолига хизмат кўрсатиш, соглиқни сақлаш, таълим сифати ҳамда ривожланишнинг бошқа индикаторлари яхшиланишига олиб келадиган иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатларини намойиш қилиб, ривожланган бозор иқтисодиёти билан очик демократик жамият қуриш йўлида дадил ривожланмоқда. Бунда бошқарув кадрлари нафақат давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, балки ривожланишнинг миллий ташаббусларини қўллаб-қувватлашда ҳам ҳаракатлантирувчи инновацион куч сифатида муҳим роль ўйнайди.

XXI аср – глобал информацион жамият даврида инсоният кўплаб фундаментал хавф-хатарлар билан тўқнаш келмоқда. Бундай шароитда инсон ресурсларини ривожлантириш миллий рақобатбардошликни таъминлаш ва мамлакат нуфузининг ўсишига хизмат қиласи. Бошқарув кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш – ривожланишнинг миллий стратегияси билан боғлиқ жараён. Бундай шароитда давлат хизматчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини яхшилашга алоҳида эътибор бериш зарур.

Бошқарув кадрларининг касбий тайёргарлик даражасини ошириш орқали давлат хизматининг самарали ва касбий тизимини шакллантириш давлат бошқарувини модернизациялаш, маъмурий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида муҳим бўғин ҳисобланади. Давлат хизмати тизимида тайёрланган ва юқори профессионал кадрларга бўлган талаб мунтазам равишда ортиб боради. Давлат хизматини ташкил қилишнинг сифати ва қонун-қоидалари нафақат ички ташкилий масалаларга, балки, бир томондан, давлат, бошқа томондан жамият ва бизнес ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг характеристига ҳам таъсир киласи. Давлат хизматчилари орқали амалга ошириладиган

давлат бошқаруви хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий ўсиши ва ривожланишига, инвестицион иқлим ва ижтимоий соҳаларга бўладиган сармояга тўғридан-тўғри таъсир килади.

Шу ўринда ривожланган ва бир қатор муваффакиятли ривожланаётган давлатлар тажрибаси (Германия, Буюк Британия, Франция, Корея Республикаси, Сингапур, Япония, АҚШ ва бошқалар) шуни кўрсатадики, давлат секторининг институционал асосларини изчил ислоҳ қилиш ва давлат бошқаруви сифатининг ўсиши иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш ва жаҳон бозорида мамлакатнинг рақобатбардошлигини таъминлашнинг шартларидан бири ҳисобланади. Бошқача сўз билан айтганда, ривожланган бозор муносабатлари билан давлат институтлари самараадорлигининг ўсиши мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишига муҳим ижобий хисса қўшиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси (ДБА) бошқарув кадрларини давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари, жойларда давлат ҳокимияти учун тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади.

Ўзбекистонда бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнини шартли равишда қўйидаги учта босқичга ажратиш мақсадга мувофик (7-расмга қаранг).

Биринчи босқичда ўтиш даври учун зарур бўлган марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқаролик жамияти институтларида бозор иқтисодиёти тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш иштирок этувчи, ташаббус кўрсатувчи раҳбар кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими йўлга қўйилди. Бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда давлат қурилиши, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий маънавий мерос, ходимларни бошқариш, бозор иқтисодиётини давлат томонидан бошқариш назарияси ва амалиёти каби йўналишларда назарий билим ва

амалий кўникмалар ҳосил қилишга эътибор қаратилди. Олган билим ва кўникмаларини ўз жамоаларида татбиқ этиш орқали уларни эргаштириш, бир сўз билан айтганда, бошқариш вазифаси юкланди. Яъни мамлакатда бу даврда бозор иқтисодиётига ўтиш бошланиши арафасида эди.

- | | |
|--------------------------------------|---|
| Ташкилий боскич
1995- 2010 йй. | <ul style="list-style-type: none">• Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 19 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида Давлат ва ижтимоий қурилиш академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-1097-сон Фармони;• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 167-сон қарори |
| Ривожланиш боскичи
2011-2016 йй. | <ul style="list-style-type: none">• Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги «Давлат бошқаруви соҳасидаги кадрлар тайёрлашни янада токомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4435-сон Фармони• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 22 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиксининг фаолиятини ташкил этиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ - 182-сон қарори |
| Модернизацийи боскичи
2017 - х.в. | <ul style="list-style-type: none">• Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, кайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишининг самарали тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5139-сон Фармони;• Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиксининг ҳудудий филиалларни ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3901-сон қарори;• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиксининг ҳудудий филиаллари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 772 -сон Қарори;• Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқарув академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини токомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ -4365-сон Қарори |

7-расм. Ўзбекистонда бошқарув кадрлари ва раҳбар ходимларни тайёрлаш ва кайта тайёрлашни ташкил этиш боскичлари

Академия 1995 йил апрелида Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва ижтимоий қурилиш академияси сифатида ташкил топган. Ушбу даврда Академия

давлат ҳокимияти идораларининг раҳбарлик лавозимлари-га соҳа раҳбарларини тайёрлаш (давлат бошқаруви тузи-лиши хизматлари, вазирликлар, давлат ва хўжалик ташки-лотлари, ҳокимиятлар ва б.) ҳамда Ўзбекистон Республи-касида давлат ва ижтимоий қурилиш муаммолари бўйича илмий тадқиқотларнинг координацияси ва уларни ўтказиш вазифаларини амалга оширган.

Турли маҳаллий ва хорижий университетларнинг про-фессорлари Академияда ўқитиш учун таклифлар олдилар. Академия давлат бошқарувининг етакчи халқаро мактабла-ри тажрибасини ўрганди ҳамда Жаҳон банки, ЕИ (TACIS) техник ёрдам Дастири, Япония билан Халқаро ҳамкорлик бўйича Агентлик (ЛСА), Конрад Аденauer фондидеки каби хал-қаро ташкилотлар ва фонdlар билан шерикчилик муносабатларини ўрнатди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 марта «Ўзбекистон Республикаси Прези-денти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академия-сида Давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий ало-қалар факультетини ташкил этиш тўғрисида»ги 142-сон Қарори¹ билан Ташки ишлар вазирлиги раҳбар кадрлари бўгинининг, вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар, жамоат ва хўжалик тузилмаларининг ташки алоқалар соҳасида қатнашувчи мутахассисларни сиёсий ва касбий тайёрлашни тубдан яхшилаш ва уларни қайта тайёрлаш, шу-нингдек, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириш истиқбол-лари бўйича илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва чуқурлаштириш максадида Академияда Давлатлараро му-носабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар факультети таш-кил этилди. Ушбу факультетга Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар

¹ Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 ап-релдаги «Давлат бошқаруви соҳасида кадрлар тайёрлашни янада токомиллашти-риш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4435-сонли Фармонига асосан ўз кучини йўқотган.

вазирлигининг тавсиялари бўйича 1997-1998 ўкув йилида Академиянинг «Давлатларо муносабатлар ва ташки иқтисодий алоқалар» факультетига 40 нафар тингловчи шу жумладан, «Давлатларо муносабатлар» бўлимига 20 киши, «Ташки иқтисодий алоқалар» бўлимига 20 киши қабул қилинди.

Мамлакатда иқтисодиётни либераллаштириш бошлиниши билан ушбу даврга мос раҳбар кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга эҳтиёж сезила бошлади. Шундан келиб чиқиб, 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Академия олдига янги вазифалар қўйилди ва шу билан **иккинчи босқич** бошланди. Мазкур босқичда инсон ресурсларини бошқара оладиган, уларга ислоҳотлар натижаларини бошқаришга ундейдиган раҳбарлар зарурати пайдо бўлди. Шундан келиб чиқиб, мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни замонавий таълаблардан келиб чиқкан холда ҳал қила оладиган, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини демократлаштириш, босқичма-босқич равишда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга масъуль бўлган бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари такомиллаштирилди. Ушбу босқичда икки йиллик ўкув дастурлари асосида «Давлат бошқаруви» бўйича MPA (Master of Public Administration) ва «Жамият бошқаруви» бўйича MPSM (Master of Public Sector Management) магистратура мутахассислиги йўналишларида кадрлар тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги «Давлат бошқаруви соҳасида кадрлар тайёрлашни такомиллаштиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4435-сонли қарорига мувофиқ Академия Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясига ўзгартирилди. Мазкур қарор давлат ҳокимияти ва бошқарувининг демократлашувига, фуқаролик жамият институтларининг изчил ривожланишига

йўналтирилган бўлиб, мамлакатда амалга ошириладиган ижтимоий-иктисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг замонавий талабларига жавоб берадиган, давлат бошқаруви соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни тубдан янгилаш билан боғлиқ эди.

Академия олдига кўйилган янги мақсад республика ва маҳаллий ҳокимият идоралари учун бошқарув кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг самарали тизимини ташкил этиш ҳамда давлат бошқаруви соҳасида фундаментал ва амалий-илмий тадқиқотлар олиб боришдан иборат эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 20 авгуустдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси фаолиятини такомиллаштиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4745-сонли карорига мувофиқ Академияга куйидаги вазифалар юкланди:

- бошқарув кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш;
- давлат бошқаруви соҳасида илмий тадқиқотларни координациялаш ва чуқурроқ ўрганиш;
- ўқув жараёнига бошқарув кадрларини тайёрлаш усуллари ва замонавий халқаро стандартларни кенг татбиқ этиш;
- Академияда ўқитиш учун юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб этиш;
- давлат бошқаруви соҳасида етакчи хорижий ўқув-ilmий марказлар билан биргаликдаги дастурларни амалга ошириш;
- Академияда тингловчиларнинг хорижий мамлакатларда давлат бошқаруви тизимини ташкил этиш тажрибасини чуқур ўрганишини таъминлаш, шу асосда мамлакатда давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиши;
- истиқболли, замонавий фикрлайдиган мутахассисларнинг танловини ташкил этиш ва улар орасидан замона-

вий халқаро стандартлар ва талабларга мувофиқ «давлат бошқаруви» мутахассислиги бўйича бошқарув кадрларини тайёрлаш;

– Академия тингловчиларининг давлат бошқарувини ташкил этиш соҳасида мустаҳкам билимлар, менежментнинг замонавий усуллари, бозор иқтисодиёти, монетар ва фискал сиёсат, маркетинг, бошқарувнинг хукукий асослари, психология, ахборот-коммуникацион технологиялар ва «электрон хукумат» тизимидан самарали фойдаланиш малакаларини эгаллаш;

– Академия битирувчиларида аналитик ситуацион тафқурнинг амалий малакаларини ва стратегик режалаштиришни, оддий бўлмаган шароитларда энг мақбул ечимларни топиш қобилиятини, ташаббускорлик ва лидерлик хислатларини ҳамда ўз мажбуриятларини вижданан бажаришда жавобгарлик ҳиссини ривожлантириш;

– ўкув жараёнига бошқарув кадрларини тайёрлаш усуллари ва замонавий халқаро стандартларни, тест тизимини ҳамда илғор педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялардан кенг фойдаланиш билан бирга ўқитиш сифатини баҳолашни кенг татбик этиш;

– давлат бошқаруви соҳасида, шартнома асосида ўқитиш учун юкори малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш ҳамда давлат бошқаруви соҳасида етакчи хорижий таълим муассасалари билан биргаликда шерикчилик дастурларини амалга ошириш;

– Академия тингловчиларини жалб қилган ҳолда давлат бошқаруви масалалари бўйича илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш, хорижий мамлакатларда давлат бошқаруви тизимини ташкил қилиш тажрибасини чукур ўрганиш ва шу асосда республикада давлат бошқаруви тизимини такомилаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Шунингдек, ушбу босқичда бошқарув кадрларини тайёрлашда «Иқтисодий соҳа менежменти», «Ижтимоий соҳа менежменти» ва «Худудий менежмент» мутахассисликлари билан «Давлат бошқаруви» мутахассислиги бўйича ма-

гистратуарининг икки йиллик таълим дастури ҳамда давомийлиги 4 ойгача бўлган, жойларда давлат бошқаруви ва ҳокимияти органлари кадрларини маҳсус қисқа муддатли дастурлар орқали қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш амалга оширилди.

Давлат хизматчиларини магистратура босқичида таянч тайёрлаш учта мутахассислик бўйича амалга оширилади: «Иқтисодий соҳа менежменти», «Ижтимоий соҳа менежменти» ва «Худудлар менежменти» йўналишлари бўйича йилига 90 нафардан тингловчи қабул қилинди (улардан 50% давлат гранти асосида).

Академиядаги ўкув жараёни демократик янгиланиш, халқаро таълим стандартлари, ўқитишнинг замонавий шакл ва усулларини (семинарлар, мунозаралар, ақлий ҳужум, гурӯҳда бажариладиган ишлар, вазият таҳлили, тизимли таҳлил, тақдимотлар, имитация, иш ўйинлари, думалоқ стол ва бошқалар) ҳамда илғор педагогик, ахборот-коммуникация ва инновацион технологиялардан фойдаланиб, ўкув режалари ва дастурларининг давлат таълим стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилганини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди.

Магистрлик дастурларидан ташқари, Академия зимасига давлат бошқаруви соҳасида турли бўғин раҳбар кадрларини, шу жумладан, захирага олинган давлат хизматидаги ходимларни қайта тайёрлаш вазифаси юклатилган. Давлат ва ижтимоий бошқарув соҳасида муҳим (фундаментал) ва амалий илмий тадқиқотларни ўтказиш ҳам биринчи даражали вазифалар қаторига киради.

2015 йилнинг август ойида Академияда жиддий ташкилий ва функционал ўзгаришлар рўй берди. Юкорида айтиб ўтилганидек, ягона магистрлик дастури – «Давлат бошқаруви» доирасида раҳбар кадрларни тайёрлаш вазифаси юклатилди. Қисқа вақт мобайнида магистрлик дастури қайта кўриб чиқилди, мамлакат Раҳбарияти томонидан белгилangan янги вазифалар ва талабларга мувофиқ тарзда муҳим ўзгаришлар киритилди.

2015 йилнинг октябрь ойидан янгиланган магистрлик дастури йўлга кўйилди. Айнан шу даврда ДБАГа Ўкув-методик ишлар бўйича биринчи проректор-консультант сифатида Корея Республикасидан мутахассис – Ким Хонг Габ таклиф қилинди. Биринчи проректорнинг вазифаси ўкув-методик ёрдам, янги самарали педагогик технологиялар ва ўқитиш методларини киритиш, тингловчилар ва профессорлар билимини баҳолаш ҳамда ҳалқаро стандартларга мувофиқ тарзда магистрлик дастури мазмунини янада яхшилаш деб белгиланди. Биринчи академик йилдан сўнг аprobация қилинган магистрлик дастури қайта кўриб чиқилишга муҳтож эди. Ишчи гурӯҳ томонидан Ким Хонг Габ раҳбарлигига АҚШ, Буюк Британия, Германия, Корея каби ривожланган мамлакатларнинг етакчи олий ўкув юртларининг шунга ўхшаш ўкув дастурлари таҳлили асосида бир қатор тавсиялар ишлаб чиқилди. Бунинг натижасида, умумметодологик фанларни қисқартириш орқали маҳсус фанларнинг ўкув режадаги қисми ошди.

Академиянинг ўкув режалари ва улардаги фанларнинг қиёсий таҳлили қуйидаги 8-расмда келтирилган.



8-расм. Умумий, маҳсус (мутахассислик) ва танлов фанларнинг ўзгаришлари, фоизда

Академия ўкув режасига янги фанни киритиш ёки чиқариш масаласи биринчи навбатда, кафедра миқёсида муҳокама қилинади. Сўнгра ушбу масала Ўкув-методик кенгаш

мажлисида мұхокама қилиниб, ундан сүңг масала ойда бир марта үтказиладиган Академия кенгаши күн тартибига киритилади.

2016 йилнинг янги ўқув режасида 2015 йилнинг түққизта умумметодологик фанларидан еттитаси, мутахассислик бўйича тўққизтадан бештаси қолдирилди, танлов бўйича фанларнинг сони бештадан тўққизтага ошди (академик йил мобайнида бешта фан танлаш шарти билан). Шундай қилиб, магистратура дастуридаги фанларнинг сони 23 тадан 17 тага қисқарди. Бунда фанларни қисқартириш мустақил ижодий ишга етарлича вакт ажратиб бериш зарурияти билан тушунтирилади (олдин тингловчи битта семестрда тўққизта фангача ўқишига мажбур эди). Кафедралар томонидан тасдиқланган ўқув режасига мувофиқ ҳолда ўқув дастурлари ишлаб чиқилади, улар мутахассисларга экспертиза учун берилади.

Машғулотлар тақдимот, мұхокама, «давра сұхбати», ақлий ҳужум, гуруҳ ва индивидуал тадқиқот лойиҳалар, кейс-стадилар шаклида үтказилади.

Ўқув жараёнига Президент ва Ҳукуматнинг долзарб, янги қабул қилинган фармонлари ҳамда қарорлари бўйича «махсус курслар» киритилган. Икки ҳафталик курслар тингловчиларни мамлакатда давлат ва регионал бошқаруви соҳасида юз берәётган ислоҳотларнинг мазмуни ва моҳиятидан ўз вақтида хабардор қилиш учун мўлжалланган.

Бутун жараённинг объективлиги (холислиги) ва анонимлигини таъминловчи тингловчилар билимини баҳолашнинг янги методлари киритилган. Билимларни баҳолаш ёзма ишлар асосида үтказилади, бу фикрларни ёзма равишда баён қилиш кўникмаларини ривожлантириш имконини беради.

Тизимли таҳлил ва давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш масаласи бўйича маҳсус фанларнинг ўқув юклamasи 638 соатгача ошди.

Тингловчиларнинг мустақил иши ва турли хил вазиятларда қарор қабул қилиш кўникмаларини шакллантириш-


ни ривожлантирувчи амалий машғулотлар, семинарлар ва «юмалоқ стол»лар соатларининг солиширма оғирлиги 59% дан 70% гача ошди.

Мамлакат бошқарувидаги энг яхши амалиётли корхоналарда амалий машғулотларнинг улуши ошди (УДП «Шўртан газ-кимё комплекси», УДП «Бухоро НПЗ» ва «Фарғона НПЗ», «Олмалиқ ГМК», «Ангрен» маҳсус саноат зонаси, «Uzbekistan Airways Technics», НХК «Ўзбекистон ҳаво йўллари», ООО «Кўкча текстиль», СП ООО «Musavartex», СП ООО «Indorama Kokand Textile», Тошкент шаҳри ва Фарғона вилояти ҳокимииятлари).

Ўкув жараёнининг ахборот базаси сезиларли даражада яхшиланди. Маҳсус фанлар ва ижтимоий-сиёсий фанлар бўйича электрон дарсликлар сони 24 минг нусхадан 36,5 минг нусхагача ошди. Германия Халқаро ҳамкорлик жамияти ва ЭХХТ лойиҳаларининг Координатори ҳамкорлигида Европа нашриётлари ёрдамида кутубхона фонди бошқарув соҳаси бўйича фанлардан 1500 нусхада янги авлод дарсликлари билан тўлдирилди.


Учинчи босқичда «Давлат бошқаруви» магистратура мутахассислиги бўйича раҳбар кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш йўлга қўйилган. Республикада давлат бошқарувини демократлаштириш ва замонавийлаштириш, замонавий мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш йўли билан давлат хизматлари тизимини такомиллаштириш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу эса, яхлит олганда, бошқарув органлари потенциалини миллий ва маҳаллий даражада оширишга кўмаклашади.

Академияда 2019/2020 ўкув йилидан бошлаб, бошқарув кадрларини тайёрлаш давлат, хўжалик ва жамият бошқарувининг талаб этилган ва истиқболли йўналишлари бўйича грант ва тўлов-контракт асосларида, ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда бир **йиллик** ва ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда **икки йиллик** магистратуранинг таълим дастурлари бўйича амалга оширила бошлади.



9-расм. Академияда «Давлат бошқаруви» магистратура мутахассислигига қабул квоталари

Академияда бошқарув кадрлари малакасини ошириш курслари илгор хорижий тажрибани инобатта олган ҳолда, инновацион давлат бошқаруви, стратегик режалаштириш ва прогнозлаштириш (foresight), давлат хизматларини такомиллаштириш, ақли бошқарув ва рақамлаштириш соҳасидаги ўқув дастурлари асосида ўқитила бошлади.



10-расм. Академияда «Давлат бошқаруви» мутахассислиги бўйича қайта тайёрлаш курсларига қабул квоталари

Академияда охирги йилларда хорижий эксперглар мързуларининг миқдорини аҳамиятли тарзда ошди. Бироқ жорий босқичда ДБА меҳмонлар учун белгиланган маърузалар миқдорини ошириш билан бир қаторда, қисқа муддатли асосда хорижий мутахассисларни Академияда дарс бериш учун таклиф қилиш имконияти бўйича амалиётни институционаллаштиришдан манфаатдордир. Халқаро мутахассиснинг Академияда узоқ вакт бўлиши тингловчиларга мамлакат тажрибасини чукур тушуниб етиш ва улардан маҳаллий дарражаси фойдаланиш имкониятини беради. Ўқитувчилар, ўз навбатида, замонавий юқори самарали таълимий ва инновацион технологиялар билан танишиш, ўзларининг ўкув режалари, дастурлари ва методикаларини бойитиш имкониятига эга бўладилар.

Шу билан бирга, бошқарув амалиёти, давлат хизматларининг ишлаши ва шаклланиш усуллари замонавий давлат бошқаруви ва бозор иқтисодиётини қуришга тўсқинлик ки́лувчи элементлар ҳанузгача сақлаб қолганлигини аниқлайди. Шундан келиб чиқиб, бошқарув кадрларини тайёрлаш тизимида қўйидагиларий:

- хорижий олий ўкув юртларида кўлланадиган илғор тажриба ва охирги инновацион ғояларни;
- лидерлик сифатлари ва аналитик кўнкималарни ривожлантириш;
- узоқ муддатли режалаштириш ва дадил қарорлар қабул қилиш қобилиятини;
- мураккаб вазиятларда мўлжал олиш малакасини;
- жамоада ишлай олиш ва турли даражадаги давлат хокимияти ҳамда бошқаруви органлари билан, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ўзаро ҳаракатланишни;
- давлат хизматлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини яхлит концепция асосида ишлаб чиқишини инобатга олган ҳолда келгусида такомиллаштириш талаб этилади.

Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар маҳаллий бошқарув органлари вазифаларини,

уларнинг иши ва ваколати мазмунини кенгайтиради. Давлат ҳокимиятининг бу институти жойларда замонавий бошқарувнинг янги билимлари, малака ва кўнималарини эгалаган, самарали ва ваколатли ҳаракатланишга қодир, фуқароларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларига йўналтирилган давлат бошқаруви ва сервисининг янги технологияларидан кенг фойдалана олувчи мутахассисларга муҳтож.

Бошқарув кадрларини тайёрлаш ҳолати таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг кўпчилиги етарлича назарий билимга эга бўлган ҳолда амалий фаолиятда қийинчилликни ҳис киладилар.

Шу муносабат билан Академиянинг мавжуд ўқув-техник ва услубий базасини келгусида яхшилаш зарурияти мавжуд. Ўқув дастурлари, профессор-ўқитувчилар таркиби ва магистрантлар мурожаатларидан келиб чиқиб, Академия маълумотлар ва нашриётлар (*Web of Science*, JSTOR, Taylor & Francis, Oxford University Press, Wiley Online Library, OECD Library ва бошқалар)нинг халқаро базасига уланиш орқали давлат бошқарувининг турли соҳалари бўйича хорижий адабиётларни сотиб олиш ҳажмини оширишни максад қилган. Академия давлат бошқаруви миллий институтлари билан ҳамкорлик ўрнатиш доирасида ўзининг хорижий шерикларини тадқиқотчилик тармоқлари ва ички кутубхона манбалари (Франция маъмурияти Миллий мактаби, Сингапур давлат хизматлари миллий институти, Корея Инсоний ресурсларни ривожлантириш институти ва х.к.)га уланишга рухсат олишни режалаштирган. Бунда иккинчи босқич магистрантлари учун стажировка ўташ ва етакчи хорижий мамлакатларнинг олий ўқув юртларига ўқув-таништирув сафарлари бўйича қисқа муддатли дастурлар давлат секторида бошқарув ходимларини тайёрлаш мазмuni ва сифатини яхшилаш имконини беради.

Бундан ташқари, келгусида халқаро ҳамкорлик кўлами ни, илмий ва амалий билимлар алмашинувини кенгайтириш кўзда тутилган. Ўқув-услубий ишлар сифатини ошириш соҳасида Академия хорижий эксперталар билан биргаликда

дарсликлар тайёрлаш, ўкув курслари дастурлари ва мазмунини такомиллаштиришни мақсад қилган. Ўқитувчилар ҳар йили тингловчилар учун таълим дастурларини яхшилаш устидаги ишлайдилар, бироқ ушбу соҳадаги халқаро тажрибани, у ёки бу курсни ўқитишининг долзарблигини, янги курсларни киритиш имкониятини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Давлат тилида давлат бошқаруви бўйича маҳсус адабиётларнинг етишмаслиги сабабли Академия тақлиф қилинган эксперталар билан ҳамкорликда дарсликлар, ўкув қўлланмаларини тайёрлаш ва бир мунча муҳим манбаларни ўзбек тилига таржима килиш бўйича жараённи ташкиллаштиришни режалаштирмоқда. Академия халқаро эксперталар билан биргаликдаги нашрлар, маҳаллий ва хорижий журналларда илмий мақолалар миқдорини оширишни ҳам режалаштирган.

1.4. Бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг замонавий тизимлари (илғор хориж тажрибаси)

Бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда илғор хориж тажрибасини татбиқ қилишни ўрганиш, мазкур соҳани замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштириш ва янги босқичга чиқариш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Давлат хизматчилирининг малакали корпусини яратиш, узлуксиз таълим концепциясини жорий этиш давлат хизмати тизими билан узвий боғлиқ масаладир.

Мазкур параграфда Германия, Бирлашган Араб Амирликлари, Корея Республикаси ва Малайзия каби мамлакатларнинг давлат хизмати тизими ҳамда инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш бўйича тажрибаси ёритилган.

Германия тажрибаси. Германия Федератив Республикаси Европа мамлакатлари орасида давлат хизмати тизими нинг мукаммаллиги билан алоҳида эътибор қозонган. ГФР-

да таълим ва соғлиқни сақлаш тизими ходимлари, полиция, ҳарбий хизматчилар, суд-хукуқ ҳамда вазирликлар тизими, темир йўл ҳамда почта хизмати ходимлари ҳам давлат хизматчилари ҳисобланадилар. Давлат хизматчисини ишдан бўшатиш мумкин эмас, ушбу унвон уларга ҳаёти давомида ҳамроҳлик қиласди. Давлат хизматчиларининг нейтрап бўлиши талаб этилади, уларнинг сиёсий партияларга аъзо бўлиши тақиқланади. Германия давлат хизматида қарийб 4,5 млн. ходим фаолият юритади.

Германияда «давлат сектори хизматчиси» тушунчаси ўз ичига давлат хизмати (Beamte), сектор ходимлари (Angestelte), шунингдек, давлат сектори ишчиларини (Arbeiter) ҳам олади.

Германияда давлат хизматида банд бўлган шахсларнинг уч тоифаси фарқланади: мансабдор шахслар, давлат муассасаларининг хизматчилари; давлат муассасаларининг ишчилари. Давлат хизматчиларининг мазкур категориялари нафақат федерация миқёсида, балки ерлар ва жамоалар миқёсида ҳам мавжуд.¹

Мансабдор шахслар тегишли давлат ҳокимияти (федерация, ерлар, жамоалар) томонидан тайинланса, давлат муассасаларининг хизматчилари ва ишчилари хизматга кириш тўғрисидаги шартнома орқали хизмат муносабатларига киришадилар.

Мансабдор шахслар давлат хизматчиларининг алоҳида категорияси бўлиб, маҳсус бошқарув функцияларини амалга оширадилар ҳамда алоҳида ҳуқуқий ва сиёсий мақомга эга бўладилар. Мансабдор шахсларнинг мақоми маҳсус қонун хужжатлари билан тартибга солинган бўлиб, бундай қонун хужжатларига мувофиқ, Германия давлат хизматида бўлган мансабдор шахсларнинг 16 та категорияси мавжуд (*1-жадвал*):²

¹ Заир-Бек Е.С., Заир-Бек С.И. Модели повышения квалификации государственных служащих в странах Европы // Интеллект. Инновации. Инвестиции. – 2013. – № 3. – С. 15-24.

² Рыжкова К. Государственная служба в зарубежных странах: сравнительный анализ. – Т.: Baktria press. 2013. – С. 12-13.

ГФР давлат хизматида категориялар тизими

Бүгін	Категория (даража)	Лавозим-лар	Лавозим талаблари
Күйін	A1-A5	ёрдамчи, техник персонал	Қүйі мансаблардагы хизматта халқ мактабини муваффакият-ли тутатған ва тайёргарликдан ўтган шахслар қабул қилинади. Конун хужжатларыда мазкур мансаблар бүйічі хизматта қабул қилишдеги ёш цензи (16-30 ёш) ўрнатылған.
Үртап	A6-A9	хукумат секретарлари, обер-секретарь, гаупт-секретарь ва бошқалар	Үртап мансаблардагы хизматта халқ мактабини муваффакият-ли тутатған, 1 йил давомида тайёргарликдан ўтган ва ушбу категориядаги мансабни эгаллаш учун маҳсус имтихонни топширган 16 ёшдан 32 ёшгача бўлган шахслар қабул қилинади.
Юқори	A10-A13	хукумат инспекторлари	Юқори мансабларга ўртап таълим мактабини тутатған, 3 йил давомида маҳсус тайёргарликдан ўтган ва ушбу категориядаги мансабни эгаллаш учун маҳсус имтихон топширган шахслар қабул қилинади.
Катта	A14-A16	хукумат-нинг юқори мансабдор шахслари	Катта мансабларга олий маълумотга эга бўлган, биринчи давлат имтихонини топширган, 2 йил давомида тайёрланыб, иккинчи давлат имтихонини топширган шахслар қабул қилинади.

Давлат хизматида мансаб бўйича ҳаракатланиш ўз малакасини мажбурий тартибда ошириб бориш ва мансаб поғонаси бўйича кетма-кетликда ҳаракатланиш принциплари асосида амалга оширилади. Ушбу принципларга биноан мансабдор шахснинг бирон-бир мансаб бўйича кўтарилишида маҳсус синов ёки давлат имтиҳонини топшириш билан тасдиқланадиган мажбурий тартибда малакасини ошириши, мансаб поғонасидаги барча мансабларни босиб ўтиши талаб этилади.

Хизмат бўйича ҳаракатланиш тайёргарлик ва синов муддатини назарда тутади. Синов муддати (камидаги 1 йил) давомида хизматчи мансаб бўйича кўтарилиши мумкин эмас. Кўйи даражадаги хизматчиларни тайёрлаш муддати 6 ойни, синов муддати 1 йилни ташкил этади.

Ўрта даражадаги мансабни эгаллаш учун хизматчи 1 йилдан кам бўлмаган тайёргарлик муддатини ўтаб, мансаб имтиҳонини топширади ҳамда 2 йил давомида синов муддатини ўтайди. Имтиҳонни ўргадан юқори баҳоға топширган хизматчилар учун синов муддати 1 йилга (айрим ҳолларда 6 ойгача) қисқартирилиши ҳам мумкин.

Бундан ташқари, ўзининг шахсий хислатлари ва ишининг натижаларига кўра, ўрта даражадаги мансабни эгаллаши мумкинлигини исботлаб берса, кўйи даражадаги хизматчилар ҳам ўрта даражадаги мансабни эгаллаш имкониятига эга бўладилар.

Юқори даражадаги мансабга дაъвогарлар учун тайёргарлик муддати камидаги 3 йилни ташкил этади. Хизматчи имтиҳонни муваффақиятли топширгандан сўнг 2,5 йил мобайнида синов муддатини ўтайди. 4 йил давомида ўрта даражадаги мансаб бўйича хизматни олиб борган ҳамда юқори даражадаги мансабни эгаллашга лойик деб топилган шахслар ҳам юқори даражадаги мансабни эгаллашлари мумкин. Бунда янги мансаб бўйича танишув камидаги 3 йил давом этади ва бир мансабдан иккинчи мансабга ўтиш бўйича имтиҳон топширилади. Одатда, кўйи ва ўрта даражадаги мансаблар бўйича ҳаракатланувчи хизматчилар, агар

да уларнинг фаолияти «яхши» баҳоланган бўлса – 6 йилдан кейин, «қониқарли» деб топилган бўлса – 8 йилдан кейин юқори мансабларга ўтказилиши мумкин.

Агарда мазкур даражадаги хизматчилар 40 ёшгача бўлса, уларнинг юқори даражадаги мансабни эгаллашлари учун маҳсус рухсатнома (масалан, Вазирнинг рухсати) талаб қилиниши мумкин.

Германия Федератив Республикасида бошқарув кадрларини тайёрлаш ва малакасини ошириш учун алоҳида ўкув тизими мавжуд. Германия Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Давлат бошқаруви федерал академияси бу тизимда марказий ўринни эгаллайди. Академияда малака ошириш ва қайта тайёрлаш дастурлари аниқ ранг учун мос бўлган компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган.

Шунингдек, Давлат ва маҳаллий бошқарув Федерал олий мактаби бошқарув кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашда алоҳида ўрин тутади. Давлат ва маҳаллий бошқарув Федерал олий мактабида ўкув жараёни 3 йил муддатгacha чўзилади, уларнинг ярмини аудиторияда ўқиш, ярмини эса жойларда амалиёт ўташ эгаллайди. 314 та Германия ОЎЮларидан давлат хизмати учун бошқарув кадрлари тайёрлаш билан 26 та ўкув юрти шуғулланади. Университетларда Германия талабалари умумий сонининг 76 фоизи, бошқарув кадрлари тайёрлаш бўйича олий мактабларда эса 3-5 фоизи таҳсил олмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Жанубий Кореядан фарқли ўларок, Германияда кадрлар (давлат хизмати) масаласи билан шуғулланадиган алоҳида вазирлик ташкил этилмаган. Бунда ҳар бир давлат ташкилоти ва давлат бошқаруви органининг Кадрлар бўлими мухим роль ўйнайди.

Давлат бошқарувининг федерал тизими ҳамда номарказлашуви оқибатига Германиянинг ҳар бир ери (Land)да давлат хизматчилари малакасини ошириш бўйича таълим муассасаларининг фаолияти йўлга қўйилганди. Аксарият холларда улар «давлат бошқаруви академияси/мактаби/

институти» деб номланиб, аниқ касбий кўникма ва компетенцияларни ривожлантиришга қаратилган.

Мисол учун, *Бавария Давлат бошқаруви мактаби (BVS)* 1920 йилда ташкил этилган бўлиб, ўрта бўғин давлат хизматчиларининг малакасини ошириш билан шуғулланади. BVS ўз-ўзини молиялаштириш асосида фаолият олиб бориб, тингловчилар факат тўлов асосида ўқишига қабул қилинади.¹

Уч йилда бир марта BVS маҳсус аккредитация (узлуксиз таълим тизимида сифатни баҳолаш)дан ўтиши белгилаб қўйилган. Асосий штатда профессор-ўқитувчилар сони атига 20 нафарни ташкил этади. Ўқув курсларининг амалий муаммоларни ечишга қаратиш мақсадида, турли ташкилотларнинг етакчи мутахассислари орасидан умумий ҳисобда 1,7 минг ўқитувчи соатбай тарзда таълим жараёнига жалб этилади. Бунда улар учун авваламбор ўқитиши методикаси бўйича маҳсус малака ошириш курслари ташкил этилади.

BVSning Мюнхен, Хольцхаузен, Лауинген, Нойштадт ва Нюрнбергда таълим марказлари мавжуд. Йил давомида жами 2,2 минг ўқув курсларида (ишлаб чиқаришдан ажralган ва ажралмаган ҳолда) 32 мингта давлат хизматчиси ўз малакасини оширади. Ўқув курслари қўйидаги мавзулар бўйича ташкил этилади: менежмент ва бошқарув, самарали мулоқот,офис-менежмент, пресса билан ишлаш, ахборот технологиялари, персонални бошқариш, бухгалтерия ва иқтисод, молия ва иқтисод, ижтимоий масалалар, соғлиқни сақлаш, таълим ва ҳ.к.

BVSда илмий фаолият йўлга қўйилмаган, ушбу таълим муассасаси асосан, тор ихтиносликдаги давлат хизматчилари учун маҳсус малака ошириш курсларини ташкил этади. Ушбу ташкилот тизимида маркетинг ва жамоат билан ишлаш, мижозларга хизмат кўрсатиш ҳамда режалаштириш бўлимлари мавжудлиги алоҳида эътиборга моликдир.

¹ Bayerische Verwaltungsschule // <https://www.bvs.de/14/index.html>

Яна бир таълим муассасаси – *Бавария давлат хизмати олий мактаби* 1974 йилда ташкил этилган. Мазкур институт биринчи даражали юқори мансаблар учун давлат хизматчиларини тайёрлаш билан шуғулланади.¹

Давлат хизматчиларини тайёрлаш барча соҳалар бўйича йўлга кўйилган. Институт битирувчилари бошқарувнинг умумий ва ички соҳаларида, шаҳар, вилоят ва туман маъмуриятларида, ташкилотларнинг кадрлар бўлимида, ўрмон хўжалиги хизмати ва бошқа соҳаларда фаолият олиб боради.

Институт тингловчилари синов муддатига қабул қилинган давлат хизматчилариридир ва улар ўз ташкилотларидан ойлик олишади. Ўқиши муваффакиятли битирганлар давлат хизматига тўлиқ қабул қилинади.

Институтда қўйидаги мутахассисликлар бўйича таълим дастурлари мавжуд: информатика ва бошқарув; полиция комиссарлари учун таълим дастури; хуқуқшунослик; архив ва кутубхона иши; молия; ижтимоий соҳа.

Таълим дастурлари қўйидаги асосий компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган: мослашувчанлик, устувор вазифаларни белгилаш, турли соҳаларда фаолият олиб бора олиш қобилияти.

Таълим олиш уч йил (2,2 минг соат) давом этиб, дуал тизим асосида йўлга кўйилган: назарий қисм Институтда, амалий қисм эса ўзининг иш жойида ташкил этилади. Иш берувчи ташкилот ва Институт яқин ҳамкорлик асосида тингловчининг ўкув режасини ишлаб чиқишиади. Назария ва амалиёт ҳар б ойда узвий боғлиқ ва ўзаро алмашган ҳолда ташкил этилади. Ўқиши муваффакиятли битирган тингловчиларга маҳсус (бакалавр даражасига тенг) диплом топширилади. 2019 йил ҳолатига кўра Институтда 5,6 мингдан зиёд тингловчи таҳсил олмоқда. Битирувчиларнинг касбий ўсиш мониторинги ҳар уч йилда бир маротаба тизимли тарзда олиб борилади.

¹ Hochschule für den öffentlichen Dienst in Bayern // <https://www.flvr.bayern.de/>

Бирлашган Араб Амирликлари тажрибаси. Бирлашган Араб Амирликлари (БАА)нинг давлат тузилиши федератив конституцион монархия бўлиб, мамлакат етти субъектдан, яъни амирликдан иборатдир. Давлат президент томонидан идора қилинади ва шу билан бирга, президент Абу-Даби амири ҳисобланади, ҳукумат раҳбари эса бир пайтнинг ўзида Дубай амиридир.

Давлатнинг ички ва ташқи сиёсати ҳамда стратегик масалалари бўйича *Иттифоқ олий кенгаси* қарор қабул қиласди. Кенгаш мамлакатнинг етти субъекти амирларидан иборатдир. Кенгаш Ҳукумат раҳбари (Вазирлар Кенгаши раиси) номзодини тасдиқлади. Ўз навбатида, Ҳукумат мунтазам равишда Иттифоқ олий кенгаси олдида ҳисобот беради.

БААда давлат хизмати масалалари бўйича маҳсус вазирлик мавжуд эмас, шунингдек, «давлат хизматчisi» (public servant, civil servant) деган тушунча ҳам давлат ишчисига нисбатан қўлланилмайди. Аммо бунинг ўрнига, асосан, «ҳукумат ишчisi» (government employee) деган атама қабул қилинган.

Кўп давлатларда, масалан Жанубий Корея ва Малайзияда Давлат хизмати тўғрисида маҳсус Қонун қабул қилинган ва ушбу қонун давлат хизматининг зарур ҳукуқий пойdevor ҳисобланади. Лекин БАА тажрибаси бу борада бироз ўзига хослиги билан ажralиб туради.

БААда федерал давлат сектори (таълим, соғлиқни сақлаш, ҳукуқни муҳофаза қилиш, суд, вазирлик ва идоралар тизими)да банд бўлган ишчиларнинг ҳукуқий мақоми «Федерал Ҳукуматнинг Инсон ресурслари бўйича Қонуни»¹ билан белгиланган. Федерал давлат органлари ва ташкилотларида инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш бўйича ягона сиёсатни 2008 йилда ташкил этилган *Инсон ресурслари бўйича федерал идора (FAHR)* юритади.

¹ Human Resources Law in the Federal Government // <https://www.fahr.gov.ac/Portal/en/legislations-and-guides/the-law/human-resources-law.aspx>

БАА ҳукумати ишчиларининг қуидаги уч тоифаси ҳамда бир неча даражалари мавжуд: юқори тоифадаги мансабдорлар (максус А ва В даражалар, шунингдек, 1- ва 2-даражалар); ўрта бўғин ходимлари (3-, 4-, 5- ва 6-даражалар); ижро этувчи бўғин ходимлари (7-14-даражалар). БААнинг 67 та федерал вазирлик ва идораларида жами 120 мингта яқин, маҳаллий даражада эса 150 мингдан ортиқ фуқаро фаолият юритади.¹

Тренинг ва ўкув курсларини мунтазам равишда ташкил этиш инсон капиталини ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Бу борада FAHR федерал тизимнинг барча бўғинларини қамраб олган катор тизимларни жорий этган. Тренинг курслари ходимларнинг техник, ахлоқий ва бошқарув имкониятлари ва кўнгикмаларини ривожлантиришга қаратилган. Тренинглар ҳамда малака ошириш курслари ходимлар фаолияти самараадорлигини баҳолаш бўйича олинган натижалар асосида ишлаб чиқилади. Кўйида FAHR томонидан жорий қилинган электрон таълим олиш тизимлари келтирилади.

«Maaref» таълим портали 2013 йилда ишлаб чиқилган ва 6 йил давомида 30 мингдан ортиқ федерал ва маҳаллий ҳукумат ишчилари 2,1 мингдан зиёд бепул тренинг курсларида иштирок этиб, ўз малакасини оширган. Ушбу тизимда, шунингдек, инсон ресурслари мавзусига оид максус руҳн мавжуд бўлиб, унда кадрлар масалалари юзасидан 25 та максус курс жамланган. Платформадаги ҳар бир ўкув курси FAHR буюртмасига кўра аккредитациядан ўтган 156 та мамлакатнинг етакчи таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилган.

«Al Mawrid e-Learning» инновацион таълим портали 2019 йилда татбиқ қилинган. Порталдан жой олган тренинглар, дастурлар ва ўкув материаллари университет ва

¹ AnnualReport2019.AchievementsYear/ <https://www.fahr.gov.ae/Portal/Userfiles/Assets/Documents/d3c4912b.pdf>

таълим муассасалари, маҳсус компания ва етакчи халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади.

«*Government Skills Bank*» дастури. 2019 йилда FAHR ташаббуси билан ташкил этилган. Мазкур платформа БАА ҳукуматида фаолият кўрсатаётган энг истеъододли, бой тажриба ва юқори малакага эга мутахассислардан иборат тармок бўлиб, унда иштирокчilar ўзаро тажриба ва билим алмашиш имконига эга. Иштирокчilar чоп этган илмий мақолалар ва тадқиқот натижалари фойдаланувчilарга бепул тақдим этилади. Тармоққа аъзо бўлиш учун мезон ва талаблар мавжуд, мутахассис номзоди унинг иш берувчиси, бошлиғи ёки ҳамкаслари томонидан илгари суриласди.

2008 йилда Вазирлар Маҳкамаси ишлари ва келажак вазирлиги томонидан «*БАА ҳукумати лидерлар дастури*» (UAE Government Leaders Programme) ташкил этилди. Ушбу лойханинг мақсади мамлакат ишларига энг истеъододли кадрларни жалб этиш ва тарбиялашдан иборат. Мазкур платформа федерал, маҳаллий ва хусусий сектор бўгинларида ишлайдиган ходимларга катта имкониятлар яратади. Дастур нафақат ўкув семинарлари ва маъруззалардан иборат, балки ҳар бир иштирокчига лидерлик масалалари бўйича индивидуал маслаҳатлар бериш ҳамда тажрибали раҳбарлар билан алоқа ўрнатишни назарда тулади. Маъруза ўқиш ва семинарлар ташкил этишига дунёнинг таникли мутахассислари жалб этилади. Сўнгти 10 йил ичida жами 1,5 мингдан ортиқ тингловчи ушбу дастурни тамомлаган.

Қайд этиш жоизки, БААда давлат секторида фаолият юритиб келаётган ишчиларнинг малакасини ошириш бўйича алоҳида таълим муассасаси мавжуд эмас. FAHR ушбу вазифани мамлакат ва хорижнинг етакчи таълим муассасалари билан ҳамкорликда амалга оширади. Ҳукумат ишчиларнинг салоҳиятини янада ошириш мақсадида уларнинг магистратура ва докторантурда дастурларида таълим олишларини кўллаб-куватлайди.

Жанубий Корея тажрибаси. Корея Республикасида давлат хизмати 1949 йилда қабул қилинган «Давлат хизматчилари түгрисида»ги Қонун (National Civil Service Act) ва 1963 йилдаги «Маҳаллий даражадаги давлат хизматчилари түгрисида»ги Қонун (Local Civil Service Act) билан тартибга солинади.

Унинг ўзига хос жиҳатлари шундаки, давлат хизмати тизими бандликни кафолатлаш, мунтазам равишда малака ошириш, фаолият самарадорлигини баҳолаш, касбий ўсиш, рағбатлантириш, ижтимоий таъминот, ҳуқукий ҳимоя ва жавобгарлик каби муҳим жиҳатларни ўз ичига олади. Мазкур масалалар билан Корея Республикасининг Персонални бошқариш вазирлиги (Ministry of Personnel Management) шугулланади.

Корея Республикасида давлат хизмати тизимининг асосий тамойиллари сифатида маъсулиятни чукур ҳис қилиш, ўз ҳаётини ҳалқ учун хизмат қилишга бағишлиш, давлат хизматида меритократия тизимининг йўлга кўйилганлигини таъкидлаш жоиз.

2018 йилда мамлакатда давлат хизматчиларининг умумий сони тахминан 1 миллион кишини ташкил этган. Улардан 670 минг нафари марказий ҳукуматда, 370 минг нафари эса маҳаллий бошқарув соҳасида фаолият олиб борган.

Давлат хизматчилари куйидагича таснифланади: умумий хизмат (general service), яъни маъмурий ишлар, технологиялар ва тадқиқотлар; маҳсус хизмат (special service), яъни судьялар, прокуратура, ўқитувчилар, полиция, ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари; сиёсий хизмат (political service), яъни ҳалқ томонидан сайланган ёки Миллий ассамблея томонидан тасдиқланган мансабдор шахслар.

Шу билан бирга, умумий категорияга тегишли давлат хизматчилари юкори мансабдор шахслардан ташкил топган (Senior Civil Service) ва жами 9 та даражага бўлинган (11-расм).



11-расм. Давлат хизматчиларининг даражалари.

Давлат хизматига иқтидорли номзодларни танлаб олиш очиқ имтиҳон орқали амалга оширилади. Танлов давлат хизматига кирмоқчи бўлган фуқаролар учун ёши, жинси, маълумоти ва иш жойидан қатъи назар тенг имконият ва шароитлар яратади. Ҳар йили танлов ёзма тест синовлари ва интервью асосида 5, 7 ва 9 даражаларга қабул қилиш учун ўтказилади.

Давлат секторида инсон ресурсларини ривожлантириш Жанубий Корея ҳукуматининг доимий эътибор марказида бўлиб келган. Ушбу соҳада изчил ва тизимли сиёsatни йўлга қўйиш мақсадида 1949 йилда Инсон ресурсларини ривожлантириш институти (NHI), 1965 йилда эса Маҳаллий даражадаги давлат хизматчилари малакасини ошириш институти (LOGODI) ташкил этилган.

Хукумат тарбияланувчи, яъни бўлажак давлат хизматчиларида юксак масъулият ва бурч туйгуларини шакллантириш, келажакда зарур бўладиган билимлар ва тажрибани ривожлантиришга эътибор қаратади. Янги қабул қилинганлар ўртасида қадриятларга доир билимларини кучайтиришга эътибор қаратилади. Шу билан бирга, бошқарма бошлиги ўринбосари (5-даража), бошқарма бошлиги (3 ва 4-даража) ва олий лавозимларга тайинланганлар учун

лидерлик дастурлари амалга оширилади. 4-даражадаги ва ундан пастдагилар учун бир йилда энг камида 100 соатлик дарслар билан ўз билимини ошириши мажбурий ҳисобланади. Ўқиш курслари натижаси давлат хизматчисининг карьерасидаги ўсишига таъсир кўрсатади.

Корея Республикасининг Персонални бошқариш вазирлиги томонидан давлат хизматчиларига исталган шаклда ва смарт-таълим платформаси (The Government e-Learning platform) орқали исталган вақтда таълим хизматларидан фойдаланиш учун қуляй муҳит яратилган. Онлайн курслар ва тегишли мобил иловалари давлат бошқаруви фалсафаси, давлат хизматининг истиқболли йўналишлари, маъмурий ва профессионал билимлар, лидерлик, хорижий тиллар, шунингдек, бошқа ресурслардан фойдаланиш имконини беради. Мазкур платформада жами 1,4 мингдан ортиқ мунтазам курслар, 12 мингга яқин видеоконтент, 3,9 мингдан зиёд электрон китоб ва 200 га яқин аудиокитоб мавжуд. Платформадан 95 та давлат ташкилоти, 177 та таълим муассасасида фойдаланилади.¹

Таъкидлаш жоизки, Жанубий Кореяда бошқарув кадрларини тайёрлаш ёки қайта тайёрлаш Ўзбекистон амалиётидан тубдан фарқ қиласди. Юқорида эътироф этилган таълим муассасаларида магистратура дастурлари мавжуд эмаслиги, асосан, лавозимларга янги тайинланган, давлат хизматига янги қабул қилинган, давлат хизматчиларининг бир даражадан иккинчи даражага ўтишида, шунингдек, маълум бир эҳтиёжга қараб малака ошириш курсларига эътибор қаратилиши кузатилади. Мазкур малака ошириш курслари мутахассислар ҳамда манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда тузилади ва улар тингловчиларда маълум бир компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилади.

Малайзия тажрибаси. Давлат тузилиши федератив конституцион монархия бўлмиш Малайзия 13 та субъект

¹ The Government e-Learning platform // <http://e-learning.nhi.go.kr/english/sub2.html>

(штат) ва 3 та федерал худуддан иборат. Тарихнинг турли босқичларида мамлакат аввал Португалия, сўнгра Голландия ва Буюк Британияга қарашли мустамлака бўлган. Шунинг учун ҳам Малайзиянинг ҳозирги сиёсий институтлари, хусусан, давлат хизмати тизими, шаклланиши ва ривожланишига Буюк Британиянинг муайян таъсири кўзга ташланади.

Малайзия *Давлат хизмати департаменти (PSD)* 1934 йилда ташкил этилган бўлиб, инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга оширади. Шунингдек, 1957 йилда Малайзия Федерал Конституциясининг 144-моддасига кўра, *Давлат хизмати комиссияси (PSC)* ташкил қилинган. Комиссиянинг асосий функцияси давлат хизматчиларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлаш, нафақа (пенсия)га чиқариш, ротация қилиш ҳамда интизомий назоратни олиб боришдан иборат.

Мамлакат қонунчилигига кўра, Малайзия давлат хизматчилари 5 та тоифа ва 54 та даражага бўлинган (*12-расм*).



12-расм. Малайзия давлат хизматчиларининг даражаси.

2018 йилда Малайзияда давлат хизматчиларининг аҳоли сонига нисбати 1:20,3 ни, уларнинг умумий сони эса тахминан 1,7 миллионни ташкил қилган.

Мамлакатда давлат хизматчиларининг малакасини тизимили тарзда ва мунтазам равишда оширишга катта эътибор берилади. Бунда 1959 йилда ташкил этилган *Давлат бошқаруви миллий институти (INTAN)* муҳим аҳамиятга эга. INTAN Малайзия Давлат хизмати департаментининг хузурида фаолият олиб боради.

Институтда давлат хизматчилари малакасини ошириш бўйича қуидаги 9 та кластер (департамент) мавжуд: давлат сиёсати ва бошқаруви, иқтисодиёт ва давлат молияси, лидерлик ва ижро интизомини ривожлантириш, бошқарувни ривожлантириш ва инновация, сиёсат ва тадқиқотни ривожлантириш, касбий ривожланиш ва этика, инновацион технологияларни бошқариш, тил маҳорати.

Институтда умумий ҳисобда 263 та ўқув дастури мавжуд. 2018 йилда INTANда жами 302 минг нафардан ортиқ давлат хизматчилари малака оширилган. Улардан 251 минг нафари масофавий таълим платформаси (ESPA, E-Learning in Public Sector) орқали малака оширган.

ESPA тизимида жами 262 та ўқув курси 29 та категорияга ажратилган ҳолда тақдим этилади. Ушбу курсларнинг 106 таси INTAN томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, тизим давлат хизматчиларининг бутун ҳаёти давомида билим олишга интилишини таъминлашга хизмат қиласди.¹

Ўқув курслари ва тренингларни ишлаб чиқишида INTAN мутахассислари ADDIE (тахлил, дизайн, ишлаб чиқиш, амалга ошириш ҳамда баҳолаш босқичларини ўз ичига олади) услубидан кенг фойдаланадилар. Бунда тренинг қатнашчиларининг умумий савияси (билим ва кўнкималии), уларнинг лавозим йўрикномалари ва бажарадиган вазифалари кўлами, компетенциялари, шунингдек, стратегик эҳтиёжлар тахлил қилинади. Шу асосда тренинг ёки ўқув курси дастури ишлаб чиқилади. Ушбу жараён курснинг аниқ мақсадини белгилаш, тренинг контенти, фойдаланиладиган методологиялар (маъзуза, кейс-стади, ролли ўйин-

¹ Public Service Department Annual Report 2018 // <https://docs.jpa.gov.my/docs/pnrbitan/ltauhunan/lp2018.pdf>

лар, динамик мұхокама, тақдимотлар, ёзма топшириқлар) ҳамда баҳолаш усулдарини танлашдан иборат.

Тренинг ва ўқув курсларини баҳолашда түрт босқичдан иборат Киркпатрик модели (Kirkpatrick Model) дан фойдаланилади. Биринчи ва иккінчи босқичда тингловчининг курсга нисбатан эмоционал муносабати (реакцияси) ҳамда тренингдан маълумот олиши қай даражада самараали бўлганлиги эътиборга олинади. Учинчи ва тўртинчи босқичда тингловчининг тренинг натижасида олган билими ва кўникмалари унинг кундалик фаолиятига ва иш самарадорлигига қай даражада ижобий таъсир қилгани баҳоланади.

Умуман олганда, Малайзияда йўлга қўйилган малака ошириш тизимида Жанубий Кореяда бўлганидек асосан лавозимларга янги тайинланган, давлат хизматига янги қабул қилинган, давлат хизматчиларининг бир даражадан иккинчи даражага ўтишида, шунингдек, маълум бир эҳтиёжга қараб малака ошириш курсларига эътибор қаратилиши кузатиласиди.

Бошқарув кадрларини тайёрлаш, кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўрганилган хорижий тажриба асосида қуидаги тақлиф ва мулоҳазалар билдирилади. Биринчидан, давлат хизматчиларининг малакали корпусини яратиш, тизимлиликка асосланган узлуксиз таълим концепциясини жорий этиш давлат хизмати тизими билан узвий боғлиқ масала ҳисобланади.

Иккинчидан, бошқарув кадрлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш натижалари асосида уларнинг малакасини ошириш курсларини ишлаб чиқиш мұхим аҳамият касб этади. Бунда рақамли технологиялар ёрдамида таълимни янгича ёндашувлар асосида ташкил этиш юқори самара бериши мумкин, ҳозирда электрон китоблардан фойдаланиш, рақамли контентни яратишга эҳтиёж ўсмокда.

Учинчидан, давлат хизматига танлаб олинган ҳар бир янги номзод ўз вазифаларини бажаришга киришиши учун мажбурий тайёргарлик курсидан ўтиши керак. Давлат хизматчиларини мансаб погоналари бўйича кўтаришда улар-

нинг узлуксиз таълим курсларида мунтазам иштирок этишини хисобга олиш яхши натижа беради.

Шунингдек, бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда уларнинг нафақат професионал билимини (*hard skills*), балки шахсий, ижтимоий, бошқарувга оид кўникмалари (*soft skills*)ни ривожлантиришга йўналтирилган ўкув дастурларини ҳам таълим жараёнига кенг жорий этиш лозим. Бундан ташқари таълим жараёнига «Стратегик менежмент», «Риск менежмент», «HR менежмент» каби дастурларни киритиш мақсадга мувафиқдир.

П БОБ

ЎЗБЕКИСТОНДА БОШҚАРУВ КАДРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ, ҖАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЖАРАЁНИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. Компетент ёндашув асосида бошқарув кадрлари салоҳиятини ривожлантириш

Сўнгти қиска давр ичидаги мамлакатимизда давлат хизмати фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни ижтимоий таъминлашнинг замонавий тизимини яратиш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, давлат органлари ва ташкилотларининг малакали мутахассислар билан етарли даражада таъминланмаётгани, кадрлар малакасининг юклатилган вазифалар ва замонавий эҳтиёжларга номувофиқлиги, улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар сифатининг тушиб кетишига боғлиқ бўлган бир қатор тизимли муаммолар ва камчиликлар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, давлат фуқаролик хизматини, шу жумладан, номзодларни очиқ мустақил танлов орқали саралаб олиш жараёнини комплекс ҳуқукий тартибга солишини таъминловчи, шунингдек, давлат фуқаролик хизматчиларининг иш самарадорлиги ва компетенциясини баҳоловочи мезонлар, уларнинг малакасини оширишга бўлган талабларни ўрганишга қаратилган илмий изланишлар ва амалий қўлланмалар етарли даражада ишлаб чиқилмаган.

Давлат органлари ва ташкилотларида ягона кадрлар сиёсатини олиб бориш, ходимларни самарали бошқариш

ва инсон ресурсларини ривожлантириш, малакали кадрлар захирасини рақобат асосида шакллантириш ҳамда улар томонидан давлат фуқаролик хизматчиларининг вакант лавозимлари ўз вақтида эгалланиши бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилмаган.

Давлат фуқаролик хизматига киришда барча фуқароларнинг тенг имкониятлардан фойдаланиши ҳамда давлат фуқаролик хизматида профессионал сифатлар ва алоҳида хизматлар асосида кўтарилиб боришни таъминлайдиган номзодларни саралаб олишнинг шаффоф механизмлари шакллантирилмаган.

Шунингдек, аҳоли, айниқса ёшлар орасида барча дараҷадаги давлат фуқаролик хизмати нуфузини ошириш, коррупциянинг юзага келиши, расмиятчилик ва бюрократияга имкон берувчи шароитларни йўқ қилиш мақсадида давлат фуқаролик хизматчиларини, шу жумладан, замонавий раҳбар кадрларни танлаш ва тайинлаш чораларини яхшилаш зарурати мавжуд.

Давлат фуқаролик хизмати самарадорлигини ошириш, давлат органлари ва ташкилотларининг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 2019 йил 3 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5843-сонли Фармони қабул қилинди.

Фармонга кўра, қўйидагилар давлат хизматини янада та-комиллаштириш ва ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланди:

- энг муносиб ва қобилиятли шахсларни уларнинг касбий фазилатлари ва алоҳида хизматларига адолатли ҳамда объектив баҳо бериш асосида давлат хизматига қабул қилишни назарда тутадиган **меритократия принципини** қўллаш;

- давлат хизматида «**mansab модели**»ни жорий этиш, бунда мансаб даражаларидан боскичма-боскич ўтиш, кадрлар малакасини мунтазам ошириб бориш, шунингдек, дав-

лат хизматчиларининг тоифалари ва уларга малака даражалари бериш;

– давлат хизматига очиқ мустақил танлов асосида қабул қилиш, бу номзоднинг барча устунликлари ва афзаликларини, шу жумладан, унинг ахлоқий ва ватанпарварлик фазилатларини **холисона баҳолаш**;

– республика, соҳа ва минтақавий даражада самарали ҳамда малакали кадрлар захирасини шакллантириш, давлат хизматига энг малакали номзодларни танлаш учун хусусий бандлик агентликларини фаол жалб қилиш ва аутсорсингнинг замонавий шаклларидан фойдаланиш;

– давлат органлари ва ташкилотларида кадрларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасида замонавий **ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш** ва бошқалар.

Ушбу монографияда замонавий раҳбар кадрларни танлашда эътибор берилиши лозим бўлган асосий жиҳатлар, компетенция турлари ва уларни ишлаб чиқиш усуллари, номзодлар билан компетенциявий ёндашув асосида сухбат қилиш, уларнинг билим ва кўникмаларини аниқлаш технологиялари ўз аксини топган. Мазкур бобда юқорида қайд этилган вазифаларни бажариш, раҳбар кадрларни танлаш ва уларнинг компетенцияларини аниқлаш бўйича илмий асосланган методикалар қамраб олинган.

КОМПЕТЕНЦИЯЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Компетенция термини амалиётга 1959 йили америкалик психолог Р.Уайт томонидан муомалага киритилган. Унинг талқинига кўра, компетенция бу – шахснинг атроф мухит билан самарали ўзаро алоқада бўлиши.

«Компетенция» сўзи лотинча сўз бўлиб, «compete» – эришяпман, муносибман, лойиқман деган маъноларни англатади ва у қўйидагича изоҳланади:

1) компетенция муайян давлат фуқаролик хизматчисининг қонун, низом ёки бошқа хужжат билан белгиланган ваколатлари, хукуқ ва бурчлари доираси ҳисобланади;

2) «компетенция» ўз касбига яроқли, лойиқ деган маъненинг англатади.

Компетенция шахснинг хулқ-атвори, назарий билими ва амалий кўникмаларининг мажмуюи ҳисобланади.

Замонавий раҳбар кадрларининг компетенциялари бу – хулқ-атвортининг ривожланганлиги, улар томонидан эгалланган назарий билим ва амалий кўникмаларни амалиётда мустақил ва ижодий қўллай олиш даражасидир.



13-расм. Компетенциянинг ташкилий тузилмаси.


Айрим давлатларда шу пайтгача мавжуд бўлган «професионализм» тушунчаси ўзига нисбатан кенгроқ мазмун касб этувчи компетенция сўзи билан ўрин алмашмоқда. Профессионализм категорияси – фақат муайян фан бўйича чуқур билимга эга бўлишdir.

Компетенция эса нафақат касбий билимларни, балки эмоционал, психологик, ижтимоий билимларни ҳам эгаллаш зарурлигини тақозо этади. Амалий аҳамиятта эга бўл-

ган компетенциявий ёндашув – касбий билимлар ва танланган соҳа бўйича фаолият юритиш учун зарур малакалар йиғиндисидир.

Амалий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, яхши ва ёмон ходимлар бўлмайди, балки маълум бир лавозимга мос бўлган ёки бўлмаган ходимлар мавжуд.

Компетенцияни шаклланишига нималар таъсир қиласди?



14-расм. Компетенцияга таъсир этувчи омиллар.

Америкалик олим Ж.Равен компетентлиликнинг 37 таурини санаб ўтади. Улар жумласига қуйидагилар киради:

- аниқ мақсадга эришиш учун устувор йўналишни идрок қилиш қобилияти;
- ўз фаолиятини назорат қилиш;
- фаолият жараёнига ҳиссиётларни йўналтириш;
- мустақил таълимга тайёр туриш;
- қайта алоқадан фойдаланиш;
- ўзига ишонч;
- шахсий назорат;
- ишга киришиб кета олиш;
- иложизслик ҳиссининг бегоналиги;
- келажакни яхши тасаввур этиш;
- мавхумлаштиришга мойиллик;

- мақсадга эришишга боғлиқ муаммоларга дикқатни қартиш;
- мустақил тафаккур;
- оригиналлик;
- танқидий тафаккур;
- мураккаб масалаларни еча билиш қобилияти;
- баҳсли масалаларни ечишга тайёрлик;
- таваккал қилиш;
- жамиятнинг инновацияларни яхши қарши олишига бўлган ишончнинг мавжудлиги;
- натижанинг ижобийлиги ва икки томонлама фойдали эканлигини мақсад қилиб олиш;
- қатъиятли бўлиш;
- ишонч қозона олиш;
- ўзини мақсадга мувофиқ тутиш қоидаларига бўйсуниш;
- қарор қабул қилиш қобилияти;
- жавобгарлик ҳисси;
- мақсадни кўзлаб, ҳамкорликда ишлай билиш қобилияти;
- мақсадга эришиш йўлида бошқаларни ҳам ишга ундей олиш қобилияти;
- ўзгаларни тинглай билиш ва уларнинг фикрларини ҳам инобатга олиш қобилияти;
- ҳамкорларининг имкониятларига субъектив баҳо беришга уриниш;
- бошқаларнинг мустақил қарор чиқаришларига йўл бериш;
- ўзаро низоларни ҳал қилиш ва ихтилофларни мўътадиллаштириш;
- бирорнинг кўл остида фаолият юритаётганда самарали ишлаш қобилияти;
- турли услубдаги яшаш тарзига нисбатан бағрикенглик;
- ташкилий ва жамоавий режалаштиришга тайёрлик.

Давлат хизматчиларига хос бўлган компетенцияларни куйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

Умумий компетенциялар – барча даражадаги давлат фуқаролик хизматчилариға хос бўлган, уларнинг давлат орғанлари зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишда муҳим ҳисобланган хулқ-атвор, билим ва кўникмалари йигиндиси. Бундай компетенциялар қаторига ижтимоий қадриятлар, жамоада ишлай олиш, мослашувчалик, натижага йўналганлик, коммуникативлик ва бошқа кўникмаларни киритиш мумкин.

Махсус компетенциялар – давлат фуқаролик хизматчиларининг эгаллаб турган лавозими, фаолият юритаётган соҳа йўналиши ва амалга ошираётган функционал вазифаларидан келиб чиқадиган аниқ компетенциялардир. Бундай компетенциялар қаторига лидерлик, янги тажрибага очиклик, бошқарув професионализми, креатив фикрлаш, прогнозлаштириш ва бошқа кўникмаларни киритиш мумкин.

Махсус компетенциялар номзодларнинг вакант лавозимига қўйилган талаблардан, давлат органи (ташкилот)-нинг хусусиятидан, лавозимнинг даражасидан келиб чиқиб аниқланади.

Шунингдек, компетенциялар модели деганда, маълум бир фаолиятни самарали амалга ошириш учун керак бўладиган компетенциялар йигиндиси тушунилади. Бунда ташкилот хусусиятидан ҳамда вазифаларидан келиб чиқкан ҳолда, ушбу фаолиятни самарали ташкил қилиш учун зарур бўлган билим, кўникма ва шахси хулқ-атвортага хос принциплар назарда тутилади.

Яъни, бунда лавозим ва унинг вазифаларидан келиб чиқиб компетенциялар шакллантирилади. Компетенцияларни ишлаб чиқишида қўйидаги босқичлардан иборат:

Биринчиси, тайёрлов босқичи. Бунда аниқ мақсадлар белгиланиб олиниши лозим: лойиҳанинг натижаси нима билан тугаши, уни кимлар амалга ошириши, ҳар бир иштирокчининг вазифаси нималардан иборат бўлиши аниқлаштирилади. Иккинчи босқичда компетенция модели ишлаб чиқилади. Бунда ушбу лавозимдаги шахсларнинг ўз вазифаларини амалга ошириш учун қандай билим ва кўникма-

га эга бўлиши лозимлиги белгиланади. Учинчи босқичда шу соҳада фаолият юритган ва тажрибага эга шахслардан компетенция бўйича интервью олиш амалга оширилади. Навбатдаги босқичда компетенциялар базаси шакллантирилади. Охирги босқич, бу – мониторинг ва таҳлил қилиш босқичи.

Ана шу босқичлар асосида туман (шаҳар) ҳокими компетенциялари ишлаб чиқилди.

Туман (шаҳар) ҳокими компетенцияларига қуидагилар киритилди:

1. Бошқарув профессионализми;
2. Янги тажрибаларни кўллаб-куватлаш;
3. Тизимли фикрлаш;
4. Мослашувчанлик;
5. Коммуникативлик;
6. Ижтимоий қадриятлар (инсон омили);
7. Натижага йўналғанлик;
8. Лидерлик.

1. Бошқарув профессионализми (жамоани бошқара олиш кўникмаси) компетенциясига: шахснинг вазиятни таҳлил қила олиши, жамоани умумий мақсад сари бирлаштира олиши, натижаларни ўз вақтида ва сифатли бажара олиш масъулиятини ҳис қилиш ва талабчанликка қаратилган имкониятларни тўлиқ амалга ошириш кўникмалари киради.

2. Янги тажрибаларни кўллаб-куватлаш (ўзгаришлар ижобий муносабатда бўлиб, қимматли тажриба сифатида қабул қила олиш кўникмаси) компетенциясига шахснинг креатив ечимлар топиши учун янги маълумот, технологияларга эътибор қаратиши ва кўллаши, муаммоли вазиятларни таҳлил қилишда тўпланган тажрибадан самарали фойдаланиш ва стратегик ёндашувларни ҳисобга олиш кўникмалари киради.

3. Тизимли фикрлаш (бошқарув фаолиятида учраши мүмкін бўлган мураккаб муаммоларни таҳлил қила олиш) компетенциясига шахснинг вазият ва унинг элементларини тўлиқ англай билиш, катта ҳажмдаги маълумотларни умумлаштира олиш (қайта алоқа ва умумий динамикани инобатга олган ҳолда), тартибга келтира олиши ва маълумотлар тўпламини бошқара олиш кўникмалари киради.

4. Мослашувчанлик (вазиятга мослашиш ва бошқара олиш) компетенциясига ўзгарувчан вазиятларга мослаша олиш орқали ишнинг янгича усусларини ташкил этиш киради. Натижага эришиш учун янги шарт-шароитларга тезда кўникиш, янги вазифаларни амалга оширишда атрофдагилар (жамоани) фикрини эшига олишда очиқлик каби кўникмалари киради.

5. Коммуникативлик (шахслараро мулокот олиб бориш) компетенциясига жамоа билан ўзаро самимий муносабат ўрнатиш, мулокотга киришиш, жамоани ишонтира билиш, ёрдам бериш, ходимлар кайфиятига эътибор бериш ва уларни эътибор билан эшишиш, жамоада қарор қабул қилишнинг муқобил йўлларини эътиборга олиш кўникмалари киради.

6. Ижтимоий қадриятлар (инсон омили) компетенциясига шахснинг ахлоқий қадриятларга, ватанпарварлик ҳамда содиқликни ва ташкилотларнинг ахлоқий хусусиятларига ишончни намоён этиш орқали ўзгаларга ёрдам бериш, аниқ фаолият ва эҳтиёжларни қондиришта қаратилган вазиятда тазиқ ўтказмаслик, ҳар бир шахснинг эркин фикр билдиришига йўл кўйган ҳолда хуносани гурухнинг ўзига ҳавола қилиш кўникмалари киради.

7. Натижага йўналғанлик (самарали фаолият) компетенциясига режалаштирилган натижаларга эриша олиш қобилияти, натижаларга эришишда ташаббускорлик ва қатъиятилик кўникмалари киради.

8. Лидерлик (жамоа аъзоларига етакчи ва ўрнак бўлиш) компетенциясига шахснинг ўз жамоасини шакллантириш, жамоа аъзоларини ўз атрофида жисплаштириш ва мотива-

циялаш, позитив фикрлаш ва ташкилотчилик кўникмалари киради.

Туман (шаҳар) ҳокими компетенциялари уларнинг норматив-хукукий хужжатлардаги функционал вазифалари, амалиётдаги асосий фаолият йўналишлари ва уларнинг са-марадорлигини белгиловчи компонентларни ўз ичига қамраб олади.

Компетенцияларни ишлаб чиқиш тартиби. Компетенциялар давлат фуқаролик хизматчисининг вакант лавозимига қўйилган талаблардан келиб чиқиб, унинг хулқ-атвори, билими ва амалий кўникмаларини таҳлил қилиш йўли билан ишлаб чиқилади. Бундай холатда, вакант лавозимга қўйилган талабларда номзоднинг шахси ва профессионал компетенцияларига алоҳида эътибор қаратилади.

Компетенциялар, ўз навбатида, ички компонентлардан ташкил топиб, бир ёки бир нечта гурухга бирлаштирилади. Компетенцияларни гурухларга ажратишида уларнинг сонини 6-10 тагача белгилаш тавсия этилади. Чунки компетенциялар гурухи қанча кўп бўлса, уларни баҳолаш тизими ҳам шунга мувофиқ мураккаб тус олади.

Энг асосийси, компетенцияларни ишлаб чиқишида уларнинг реаллиги, аниқлиги ва фаолият тури ҳамда лавозимга мувофиқлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Компетенциялар фаолият таҳлили орқали ишлаб чиқилади. Таҳлил предметига вакант лавозимнинг функционал вазифалари, фаолиятни амалга ошириш шарт-шароитлари, лавозимга қўйилган талаблар ва имкониятлар ҳисобга олиниши зарур.

Компетенцияларни ишлаб чиқиш таҳлилига: фаолиятни кузатиш, эксперtlар интервьюси, функционал вазифаларни ўз ичига қамраб олган норматив-хукукий хужжатларни ўрганиш, лавозим билан боғлик бўлган амалиёт натижалари, муаммоли вазиятлар ва уларнинг ечимини ўрганиш, сўровнома каби усусларни киритиш мумкин.

Фаолиятни кузатиш усулида соҳанинг замонавий трендлари, фаолият турининг ўзига хос хусусиятлари,

камчиликлари ва ютуқлари таҳлил қилинади. Таҳлил натижаларига кўра, фаолиятнинг самарадорлигини ошириш истиқболлари ва мезонларига таъсир кўрсатувчи ҳолатлар аниқланади.

Экспертлар интервьюси усулида соҳа ва фаолият йўналишини мукаммал билган ва кўп йиллик амалий тажрибага эга бўлган мутахассислар тажрибаси, вакант лавозимга қўйилган талаблар ва амалий муаммолар ўрганилади. Таҳлил натижаларига кўра, компетенцияларни ишлаб чиқишидаги хавф-хатар ва имкониятлар реал воқеалик билан солиширилиб чиқилади ҳамда эксперт хулосаси шакллантирилади.

Норматив-хуқуқий ҳужжатларни ўрганиш усули – давлат фуқаролик хизматчиларининг вакант лавозимига қўйилган талаблар, уларнинг функционал вазифалари ҳамда қонун ҳужжатларида уларга юклатилган мажбуриятлар таҳлил қилинади. Таҳлил натижаларига кўра, номзодга қўйилган қонуний талаблар асосида компетенция ва унинг компонентлари шакллантирилади.

Амалиёт натижалари, муаммоли вазиятлар ва уларнинг ечимини ўрганиш усулида статистик маълумотлар, ташкилотнинг ижобий ва салбий кўрсаткичлари, соҳадаги тизимли муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари таҳлил қилинади. Натижада, компетенцияларнинг компонентлари, суҳбат учун ақлий ҳужум саволлари ва кейс материаллари шакллантирилади.

Сўровнома усули орқали соҳа ва йўналишдаги маълумотлар ўрганилади, жамоа ва тизимдаги соцеометрик кўрсаткичлар таҳлил қилинади ҳамда компетенцияларнинг устуворлиги ва муҳимлиги кўриб чиқилади.

Компетенцияларни ишлаб чиқиш технологияси ўз ичига куйидаги босқичларни қамраб олади:

Биринчи босқичда ташкилотнинг миссияси, вазифалари ва устувор мақсадлари ўрганилади. Давлат органи ёки ташкилот, соҳа ёки йўналишнинг устувор вазифалари, камчиликлари, у ерда фаолият кўрсатувчи шахсларга оид та-

лаблар чукур таҳлил қилинади. Давлат органи ёки ташкилотнинг раҳбар кадрлари ўртасида сўровнома ва интервью ўтказилади.

Иккинчи босқичда давлат органи ёки ташкилот ходимлари функционал вазифалари ва фаолият турларидан келиб чиқиб гурухларга ажратилади. Ҳар бир гуруҳнинг, сўнг эса ҳар бир ходимнинг компетенциясига оид маълумотлар тўпланади. Жамоавий ва индивидуал компетенциялар компонентлари аниқланади.

Учинчи босқичда давлат органи ёки ташкилот ходимларининг хулқ-автори ўрганилади ва унинг асосида психохудожнистика методлари (тест, сухбат, кейс) ишлаб чиқилади.

Тўртингчи босқичда компетенциялар гурухлаштирилади ва уларнинг индикаторлари ишлаб чиқилади. Ҳар бир компетенциянинг ўлчов бирлиги аниқланади (анкета, психологик ва билимига оид тестлар, сухбат ва х.к.).

Бешинчи босқичда компетенцияларни баҳолаш мезонлари, тест саволлари, кейс ва бошқа тарқатма материаллар ишлаб чиқилади.

Номзоднинг карьера моделини ишлаб чиқши. Ҳар бир босқич натижалари таҳлил қилинади, унинг кучли ва кучсиз томонлари ўрганилади ва тавсия этилаётган лавозимнинг вазифалари таҳлил қилинади. Бунда, таклиф этилаётган лавозимнинг компетенциялари хисобга олиниши муҳим. Яъни таклиф этилаётган лавозимда муҳим, биринчи даражали компетенциялар белгилаб олинади ва номзоднинг кучли томони мослиги бўйича солиштирилади. Мисол учун, агар вилоят молия бошқармамаси бошлиқлик лавозими учун муҳим компетенциялар – тизимли фикрлаш, бошқарув профессионализми бўлса, унда шу лавозимга келган номзоднинг натижаларида шу компетенциялар кучли хисобланиши лозим. Агар номзод қолган соҳаларда яхши кўрсаткичларга эга бўлса-ю, бироқ тизимли фикрлаш компетенцияси паст чиқсан бўлса, унда ушбу номзодни тавсия аввал тизимли фикрлаш бўйича малака ошириш курсларига

юбориш, сўнг лавозимга тавсия қилиш белгиланади. Шунинг учун карьера моделини ишлаб чиқувчи мутахассислар, аввало, ўзлари яхши тайёргарлик кўрган бўлиши, ҳар бир компетенцияни яхши билиши, натижаларни, яъни сонлардан хулоса чиқара оладиган эксперталар бўлиши лозим.

2.2. Бошқарув кадрларини танлаш, ўқитиш ва ривожлантиришда ассесмент технологияларидан фойдаланиш имкониятлари

Бошқарув кадрларини тайёrlаш, қайта тайёrlаш ва малакасини ошириш тизими니 ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, биринчи навбатда, давлатнинг белгиланган стратегик мақсадларини ўз ичига олиб, алоҳида талаоб ва масъулият касб этади.

Ўқишига бўлган эҳтиёжларни аниқлаш бошқарув кадрларини тайёrlаш, қайта тайёrlаш ва малакасини ошириш жараёнининг ажралмас кисми саналади. Бироқ, одатда, ўқитиш жараёни биринчи даражага кўйилиб, мазкур боскич назардан четда қолиб кетади. Лекин, ўз билимини амалиётда қандай қўллаш кераклигини билмай, аниқ мақсадга эга бўлмаган шахсдан юкори самара кутиб бўлмайди.

Бошқарув кадрларининг доимий бандлигини ҳисобга олсак, уларнинг ўз-ўзини ривожлантириш учун вақт етишмайди. Бундай шароитда уларни ўқитиш аниқ бир мақсадга йўналтирилган бўлиши зарур. Бу узлуксиз *таълимнинг мазмуни бўлиб бугунги кун раҳбар кадрларига кўйиладиган асосий талаоб ҳисобланади*. Дунё *тўртингчи саноат инқишиби даврида инсоннинг фаолияти* (қанчалик парадоксал эшитилса ҳам) натижасида уни ўраб турган муҳит қандай ўзгараётганини кўриб турибмиз. Раҳбар замон билан ҳамнафас бўлиб, бугунги кун талабларига жавоб бериши ёки ундан ортда қолмаслиги муҳим. Бугунги кунда энг кўп трансформация инсоннинг ўзида: қадриятлари, дунёкараши, хулқ-автори, одатларида рўй бермоқда. Шу ўринда биз П.Ф.Друкернинг:

«Турбулентлик (мослашиш) даврида энг катта хавф бу – мослашмаслик (нотурбулентлик)¹, деган фикрига күшиламиз.

Аммо йўналтирилган машғулотларни шакллантириш ва машғулот пайтида керакли таъсир нуктларини аниклаш учун, бизнинг ҳолатимизда, раҳбарнинг компетенциялари (малакаси) баҳоланиши керак. *Компетенция* деганда, шахснинг унумли ишлаши учун зарур бўлган қобилияtlарни, шахсий қобилияtlарни назарда тутамиз (2.1 параграфга қаранг).

Баҳолашнинг у ёки бу технологиясини тавсия қилиш хусусида олимлар, шунингдек, амалиётчиларнинг турлича қарашлари мавжуд. Мазкур мавзудаги кўплаб қарашларни ҳисобга олган ҳолда компетенцияларни баҳолашнинг самарали бўлган технологияларини аниклаш борасида хорижий давлатларда қатор тадқиқотлар амалга оширилган², уларнинг натижалари қуйидаги 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Компетенцияларни баҳолаш усулларининг самарадорлик кўрсаткичлари

Баҳолаш усули	Аниқлик (самарадорлик, %)
Ассесмент-марказ	70-80
Профессионал мувофиқлик тестлари	60
Умумий қобилияtlар тести	50-60
Биографик тестлар	40
Шахсий тестлар	40
Сұхбат	30
Тавсиялар	20
Астрология, графология	10

¹ Друкер П.Ф. Эпоха разрыва: ориентиры для нашего меняющегося общества. – М.: «Вильямс», 2007. – С. 336.

² Хермелин И., Лайванс Ф., Робертсон А.Т. Прогностическая валидность Центра оценки: метаанализ // Организационная психология. 2011. Т. 1. № 1. – С. 39–49.

Мазкур жадвалдаги маълумотлардан келиб чиқиб, *Assessment centre* (*куйида Баҳолаш маркази – БМ*)нинг технологиялари кўпроқ аниқ ва объектив эканлигини кўриш мумкин.

Ассесмент-марказ технологияси – бу ходимларни, бизнинг ҳолатимизда, бошқарув кадрларининг психологик ва касбий хусусиятларини аниқлашга йўналтирилган қўшимча услублардан фойдаланишга асосланган, ҳар томонлама, кўп даражали баҳолаш технологиясидир.

Баҳолаш маркази технологияси XX асрнинг 30-йилларида пайдо бўлган. Дастрраб, ундан Иккинчи жаҳон уруши вақтида немис ва инглиз армиясига офицерларни саралаб олиш мақсадида фойдаланилган. Шундан кейин ушбу усул Британия давлат хизмати раҳбар кадрларини саралаш учун қўлланила бошлаган¹.

Кейинчалик БМ технологияси АҚШда кенг оммалашди, «American Telephone and Telegraph Company» (AT&T) баҳолаш марказидан бошқаришни ривожлантириш мақсадида, тажриба-синов тарзида амалда қўллашни бошлади. Сўнгра «The Assessment Centre» – «Баҳолаш маркази» деб номланган бино қуриб битказилиб, кейинчалик айнан шу ном билан мазкур технология атала бошлади².

Ассесмент-марказ технологиясидан «Times Top 1000» рейтингига киритилган тахминан 60%га яқин ташкилот фойдаланганлигининг ўзи³ мазкур технологиянинг қанчалик машҳур ва самарали эканлигидан далолат беради.

Баҳолаш марказининг таркиби унинг мақсади ва шаклланган ёндашувга боғлиқ ҳолда ўзгариши мумкинлигини қайд этиш лозим, шунинг учун мазкур технологияга аниқ тавсиф бериш қийин. Бироқ Ассесмент-марказ технология-

¹ Shackleton, V., & Newell, S. (1994). European Management Selection Methods: A Comparison of Five Countries. International Journal of Selection and Assessment, 2(2), 91-102.

² Барышникова Е.И. Оценка персонала методом ассесмент-центра. Лучшие HR-стратегии. Университет Манчестера, 2013.

³ Кляйнманн, М. Ассесмент-Центр / Мартин Кляйнманн. Пер. с нем. – X.: Изд-во Гуманитарный Центр. 2004. – С. 128.

сининг асосий мазмуни баҳолашнинг обьекти сифатида на-
моён бўладиган номзодлар хатти-ҳаракатини турли вазият-
ларда: индивидуал иш жараёнида, ўз ишини тақдимот қи-
лишда, гурухий муҳокамада, манфаатлар қарама-қаршилиги
вазиятида ва ҳоказоларда қузатиш ва баҳолашдан иборат¹.


Юқорида қайд этилган вазиятларда баҳоланувчи ишини
жонли ва реал ташкил қилиш учун гуруҳда иштирокчилар
сони 4-7 нафардан кам бўлмаслиги керак. Шунинг учун
кўпинча гурухларни баҳолаш параллел равища ташкил
этилади, шу билан бирга, симуляция ҳам мавжуд, унда гу-
рухдош сифатида баҳоланаётгандар эмас, асессорлар-ба-
ҳоловчиларнинг ўзлари иштирок этишади.

Бундай ҳолатда куйидаги саволлар юзага келади: «Ас-
сессмент-марказ технологиясига тайёргарлик кўриш ва
амалга оширишнинг қандай босқичлари мавжуд?», «Симул-
яция, машқларни моделлаштириш қандай усуллар билан
амалга оширилади?», «Асессмент-марказ технологиясида
олиб борувчи (fasilitator)нинг роли нимадан иборат?», «Номзодларни баҳолаш қандай амалга оширилади?», «Бун-
да субъективлик (нохолислик)нинг олди қандай олинади?»,
«Баҳоланувчининг хатти-харакатлари қандай баҳолана-
ди?», «Натижада баҳоланувчи нимага эга бўлади?». Куйида
ана шу саволларга жавоб беришга ҳаракат қиласиз.

**Асессмент-марказ технологиясига тайёргарлик кў-
риш ва ўтказиш.** Мазкур технологиянинг кўп босқичли
эканлигини қайд этиш зарур. Қизиқ омил шуки, агар ба-
ҳолашнинг ўзи икки-уч кун (кунлар сони ва вақти компе-
тенциялар спецификасига, сонига, вактинчалик ҳолатларга
боғлиқ) мобайнида ўтказилса, унга тайёргарлик кўриш жа-
раёни учун эса энг камида икки-уч ҳафта кетади. Баҳолаш-
дан кейин ракамли маълумотлар таҳлили ва ҳисобот шак-
лидаги якуний эксперт ҳулосаси шакллантирилади, яъни
ҳисоблаш босқичи бошланади. Тайёргарлик кўриш босқи-
чи сингари у ҳам қўшимча вақтни талаб қиласи. Шундай

¹ Базаров, Т.Ю. Технология Assessment Centre / Т.Ю. Базаров // Менеджер по персоналу. – М.: 2006. № 8. – С. 4-13.


килиб, ассессмент-марказ технологиясини уч мухим боскичга ажратиш мумкин¹, уларни чизма кўринишида куйидагича тасвирлаш мумкин (15-расмга қаранг).



15-расм. Ассесмент-марказ технологиясининг асосий боскичлари

¹ Базаров Т.Ю., Беков Х.А., Аксенова Е.А. Методы оценки управленического персонала государственных и коммерческих структур: Методическое пособие. – М.: ИПК Госслужбы, 1995. – 112 с.

Мазкур технологияни яхшироқ тушуниш учун баҳолаш механизмининг компонентларига, асосий жиҳатларига эътибор қаратамиз (16-расмга қаранг).



16-расм. Баҳолаш механизми.

I. Фасилитатор (етакловчи). Баҳолаш жараёнида мухим роллардан бири фасилитаторлик хусусиятига эга етакловчи зиммасига юклатилади, у ўз куч-гайратини турли хил вазиятларда баҳоланувчиларнинг ҳақиқий хатти-харакатларни намойиш қилишига йўналтиради.

Фасилитатор куйидаги талабларга жавоб бериши керак: яхши нотиқ ва юкори ақлий салоҳият згаси бўлиши, вақтни ҳис қила олиши, омма оддида нутқ сўзлаш ва гуруҳ фаолиятини ташкиллаштира олиш кўниммасига¹ эгалик.

II. Фасилитация усуллари ва вөситалари. Баҳоланувчи хатти-харакатларини бевосита намоён қила олиши учун фасилитатор турли усуллардан фойдаланади. Ушбу

¹ Бази бир Ассесмент-марказ технологиясини ўтказишида фасилитатор асессор (баҳоловчи, кузатувчи) ролини бажариши ҳам мумкин. Аммо биз ўз амалиётимизда ушбу ролларни фасилитатор ва асессорларга дифференциялашган максадларни кўйган ҳолда таксимлаймиз. Бундан ташқари, фасилитатор шерик ёки ёрдамчи (ассистент)га эга бўлиши ҳам мумкин.

усуллар баҳолаш учун йўналтирилган компетенцияларнинг хусусиятидан келиб чиқиб ўзгариши мумкин. Уларни гурухий ва индивидуал (якка тартибда) усулларга бўлиш мумкин.

Гурухий усуллар бошқа баҳоланувчилар ёки асессорлар билан гурухда кўлланиши билан тавсифланади. Уларнинг асосийларига қўйидагилар киради: ақлий хужум (брейншторминг), гурухий мунозара, кейс-усули, ролли ўйин¹.

1) *Ақлий хужум усули* – аниқ бир топшириқ учун ечим қидириш жараёни (саволга жавоб бериш), унда ҳар қандай фикр ва гоялар инобатга олинади – энг мақбулидан тортиб, энг номақбул варианtlаригача. Усулнинг асосий вазифаси – одатий фикрлаш чегарасидан чиқиш.

Ақлий хужумнинг асосий босқичлари:

1. Муаммони қўйиш.
2. Фикрлар генерацияси.
3. Фикрларни танлаш, тизимлаштириш ва баҳолаш.

Ақлий хужум қоидалари:

- Ҳеч қандай чекловларсиз максимал гоялар сонига эгалик.
- Ҳатто хаёлий ва ностандарт фикрлар ҳам қабул қилинади.
- Фикрларни бирлаштириш, такомиллаштириш мумкин ва зарур.
- Таклиф қилинган фикрлар, умуман, танқид қилинмаслиги ёки баҳоланмаслиги керак.

2) *Гурухий мунозара усули* – бу тўғридан-тўғри мулокот жараёнида гурух аъзоларининг фикрлари ва муносабатларини аниқлаштириш (эҳтимол ўзgartириш)га имкон берувчи бирор-бир мунозарали масалани (ёки айнан мунозарали бўймаса ҳам бирор масалани) биргаликда мухокама қилиш, шунингдек, гурухда қарорлар қабул қилиш жараёнини жадаллаштириш мақсадида ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш усули.

¹ Пугачев В.П. Тесты, деловые игры, тренинги в управлении персоналом: учебник для студентов ВУЗов / В.П.Пугачев. – М.: Аспект Пресс, 2003. – С. 80-91.

Гурухий мунозара, мохиятига кўра, бирор-бир муаммонинг жамоавий муҳокамаси бўлиб, унинг якуний мақсади умумий фикрга келишга эришишdir.

Мунозаранинг асосий босқичлари:

- йўналиш;
- баҳо;
- якунловчи босқич;

3) Кейс усули – реал (баъзан ўйлаб топилган) иқтисодий, ижтимоий бизнес ва ҳоказо ҳолатларни тавсифлаш ҳамда уни ҳал қилишнинг турли йўлларини топишга асосланган (шунигдек, таълим бериш мақсадида ҳам қўлланиладиган) гурухий ишни ташкил этиш услуги.

Кейс – бу турли соҳалардаги муайян вазият ёки ходисанинг тавсифи. Кейс (ёки маълум бир вазият) вазият тавсифи, тафсилотлари, мавжуд шартлари, шунигдек, муаммо ёки қарама-қаршиликлардан иборат ва одатда, ҳақиқий далилларга асосланади.

Кейсни ечиш – бу таклиф килинган вазиятни таҳлил килиш ва мақбул ечимини топишdir.

Ушбу усулнинг мақсади – таълим бериш, аниқ кўникмаларни шакллантириш ва/ёки текшириш бўлганлиги сабабли, унга иштирокчилар олиши керак бўлган билим ва кўникмалар мажмуига қараб, мураккаблик даражаси ва қўшимча талаблар кўйилади:

4) Ролли ўйин усулида ижтимоий ва шахсларaro ўзаро муносабатлар тизимида шахснинг позицияси билан белгиланадиган хулқ-атвор нормалари роллар доирасида амалга оширилади.

Ролли ўйинда юзага келадиган вазиятлар қуидагича фарқланиши мумкин:

- ўйинчилар сонига кўра;
- тафсилотларни тавсифлаш даражасига кўра;
- давомийлигига кўра;
- ролларнинг такрорланиши сонига кўра.

Роллар ҳам турли хил бўлиши мумкин:

- хаёлий қиёфани намойиш қиладиган («сотувчи» ёки «менеджер» ва бошқалар);

- реал одамларни (гурух таркибидаги ёки ташқаридаги) ва ҳатто ўз-ўзини намойиш қиладиган.

Ролли йўинда иштирокчилар маълум бир вазият билан танишадилар, ҳар бир иштирокчига ўзига хос роллар ва унинг учун йўрикномалар берилади. Ролли йўиннинг мақсади ролдаги позицияларни инобаттга олган ҳолда муаммонинг ечимини топиш ҳисобланади.

Индивидуал (мустақил) усуллар – баҳоланувчини мустақил иши бўйича баҳолаш усуллари. Асосий индивидуал усулларга психологик сўровномалар, маърузани тақдимот қилиш, компетенциялар бўйича интервьюлар киради¹.

1) Психологик сўровномалар усули – маълум бир қобилиятлари (интеллект, мулокот даражаси, янгиликларга очиқлик ва бошқалар)ни, муомаласи, хатти-ҳаракати, бошқарувдаги устун жиҳатлари ва ҳоказоларни баҳолаш учун тестлар.

Ушбу тестлар кўпинча саволлар ва уларга бириктирилган жавоб вариантларидан иборат бўлади. Бундан ташқари, вариантлар аниқ жавоблар шаклида ёки баён этилган ҳолатга қўшимча қўринишида бўлиши мумкин.

Шунингдек, саволлар ўрнида аниқ бир кейсларнинг мумкин бўлган ечимлари ва вазият натижалари билан тақдим қилинган бўлиши мумкин, респондент улардан ўзига яқин бўлган вариантни танлайди.

2) Маъруза тақдимоти усули – ўз фикрларини жамланган ҳолда омма олдида тақдим қилиш усули. Саволларга қисқа вақт ичida тақдим этилган маълумотлардан фойдаланган ҳолда жавоб бериш керак бўлади.

Тайёрланган маълумот сифатида журналлардаги ҳар хил мавзуу ва соҳага оид матн парчалари бўлиши мумкин, рес-

¹ Ерофеев А.К., Зотова Ю.Д. Методы психологической диагностики в персонал – ассессменте // Психология сегодня, 1996. – Т.2. Вып. 2.

пондент уларни бирлаштириши ва яхлит ҳолда қизиқарли ҳикоя қилиб, омма олдида нутқ сўзлаш техникаларидан фойдаланган ҳолда тақдимот ўтказиши лозим.

3) Компетенциялар бўйича интервью (хатти-ҳаракат интерьюси) усули баҳолашнинг энг самарали усулларидан бири бўлиб, одатдаги иш шароитида шахснинг ҳақиқий хатти-ҳаракатларини батафсил таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлган аниқ мезонлар бўйича маълумот олиш учун мўлжалланган, тизимлаштирилган саволларни ўзида ифода этади¹.

Компетенциялар бўйича интервью ходимларнинг ишни сифатли бажариши учун зарур бўлган энг муҳим кўникмалари ва компетенцияларини аниқлаш ҳамда белгилаш имконини беради. Диалогда сухбатдошдан белгиланган мажбуриятларни бажариш жараёнида у ёки бу юзага келган муаммоли вазиятларга диққатни қаратиш сўралади. Номзод иш жараёнида қандай қилиб қийинчиликларни енгиб ўтгани тўғрисидаги ёрқин ва эсда қолган хотираларини сўзлаб беради, интервью олувчи (ёки ассессор) эса унинг қандай компетенцияларни намоён қилганлигини тушуниб, баҳо бериши керак.

Ассесмент-марказ технологиясида қўлланиладиган усулларни сарҳисоб қиласдиган бўлсак, усуллар кетма-кетлигининг тўғрилиги, уйғуналиги, бир-бирини тўлдириши муҳим саналади, бу иш билан таҳлилчи-дастурчилар шугулланади. Шунингдек, тайёргарлик босқичида ишлаб чиқилган компетенция модели ҳар бир компетенцияни баҳолашнинг ҳаққонийлигини ошириш учун бир нечта усуллар билан ўлчаниши керак.

Ушбу мақсадларда дастурчилар томонидан фойдаланилган усуллар ва асосий компетенциялар мутаносибтигининг Спецификацион жадвали тузилади (3-жадвалга қаранг).

¹ Иванова С. Оценка компетенций методом интервью. Универсальное руководство. З-е издание. – М.: Премиум, 2013.

Спецификацион жадвал¹

Усуллар \ Компетенциялар	<i>Маърифийлик</i>	<i>Маслаки мувоҷалик</i>	<i>Язган билан ён таҳсилбадорга очирилиш</i>	<i>Тизимили фикрларни</i>	<i>Боникагару профессионалликни</i>	<i>Хумигерлик</i>	<i>Коммуникатив компетентлик</i>	<i>Перфекционизм</i>
1. Танишиш учун «Бинго» машиқи	+	+	+				+	
2. Ташкилий – Тест		+	+	+	+			
3. Тест – Қисқа тахминий тест		+		+	+	+		
4. Тест – Перфекционизмнинг кўп ўлчовли шкаласи			+					+
5. Ақлий ҳужум	+	+	+	+	+	+	+	
6. Гурӯхий мунозара	+	+	+	+	+	+	+	
7. Маъруза тақдимоти	+	+	+		+	+		
8. Кейс усули	+	+	+	+	+	+	+	+
9. Ролли ўйин	+	+	+	+	+	+		+
10. Компетенциялар бўйича интервью	+	+	+	+	+	+	+	+

¹ Мазкур Спецификацион жадвал «Ўзбекистон ҳаво йўллари» АЖ бошқарув кадрларини баҳолаш (Ассесмент-марказ технологияси асосида) учун ишлаб чиқилган.

III. Баҳоланувчи¹

Асессмент-марказ технологиясида етакчи юқорида келтирилган фасилитация воситалари орқали баҳоланувчиларни у ёки бу вазиятларда ўзининг одатий хатти-харакатларини намоён килишга ундаши керак². Бунинг учун Асессмент-марказ технологияси дастурини ишлаб чиқишига муҳим аҳамият қаратиласди, унда юқорида қайд этилганидек, усулларнинг уйғунылиги катта аҳамиятга эга.

Баҳоланувчининг шахсига келсак, биз қуидаги муаммоларга дуч келамиз:

1. Қачонки инсон ўзининг баҳоланаётганини билса, ўзини яхшироқ намоён этиш, ижобий таассурот уйғотишига ҳаракат қиласди.

2. Хавотирланиш ҳисси эса ҳаяжонланиш ва тезкорликнинг йўқолишига олиб келади.

Энди мазкур муаммолар Баҳолаш маркази технологияси ёрдамида қандай ҳал этилишига тұхталамиз.

1. Биринчи навбатда, шуни таъкидлаш керакки, Асессмент-марказ технологияси – ўзаро бир-бирини түлдирувчи ва респондентни турли вазиятларда ҳар томонлама баҳолаш имконини берувчи турли хил усулларни ўзида бирлаштиради. Шунингдек, Асессмент-марказ технологиясида энг муҳим нарса инсоннинг хатти-харакатларини «жонли» тарзда кузатишдир. Шуни таъкидлаш керакки, инсон хатти-харакатларининг хусусиятлари мұлоқот қилиш усуллари, қобилиятлар шахс ҳәётининг дастлабки босқичларида шаклланади ва уни онгли равищда бошқарғанда ҳам инсон хатти-харакатининг ҳақиқий, кундалик хусусиятлари намоён бўлади.

2. Фасилитатор АМ технологияси дастлаб, мазкур технология ва кундалик режалар тўғрисида қисқача маълумот

¹ Асессмент-марказ технологиясида баҳолаш обьекти ёки баҳоланувчи, шунингдек, иштирокчи, номзод деб ҳам аталади.

² HERMELIN, Eran. LIEVENS, Filip. and ROBERTSON, Ivan T.. The validity of assessment centres for the prediction of supervisory performance ratings: A meta-analysis. (2007). International Journal of Selection and Assessment. 15, (4), 405-411.

беради. Ва, энг асосийси, ўзаро ишонч мухитини шакллантиришга йўналтирилган танишиш, «музёрап» каби усуллар ёрдамида баҳоланиши, ўз-ўзини ривожлантириш ва ҳар бир баҳоланувчининг ўсиши бўйича кўрсатмалар беради.

IV. Ассессорлар (кузатувчилар, экспертлар). Юқорида қайд этилганидек, БМ технологиясининг асосий моҳияти инсоннинг хатти-ҳаракатларини кузатишдан иборат, шу билан бирга, баҳолаш қандай шаклда амалга оширилиши ва баҳоловчи экспертларнинг ўзи ҳам мухим ўринга эга¹.

Ассесмент-марказ технологияси доирасида маҳсус таълим олган шахс ассессор-кузатувчи бўлиши мумкин. Баҳолаш бланклари ёрдамида эксперталар холисона баҳолаш, батафсил ва аниқ кузатишни ўрганади. Шуни таъкидлаш керакки, қўйилаётган баҳоларнинг холислигини кучайтириш мақсадида, бир нафар баҳоланувчини камиди З нафар ассессор кузатади ва ўз баҳосини қўяди, баҳолар кейинчалик жамланади ва ўрта арифметик кўрсаткич чиқарилади.

Кузатиш усули Ассесмент-марказ технологиясининг юраги сифатида қаралиб, уни кўллашнинг асосий хусусиятларини қайд этиш зарур.

Олдинги параграфда батафсил баён қилинганидек (2.1-параграфга қаранг), БМ технологиясининг тайёргарлик босқичида у ёки бу лавозим позиция учун *Компетенциялар модели* ишлаб чиқилади. Шу билан бирга, лавозим йўриқномалари ўрганилади, бевосита ҳақиқий жорий ҳолат тадқик этилади, мазкур позицияни эгаллаб турганлардан интервью олинади, бунда ҳамкаслар фикри инобатга олинади, ва бизнинг вазиятимизда бошқарув кадрлари ҳақида гап кетганда, давлат раҳбарининг нутқлари таҳлил этилади, яъни улардаги бугунги кундаги лидерга хос бўлган асосий хусусият ва компетенциялар қайд этилади.

¹ Алимов Б., Кодирова Ш. Компетентностный подход в формировании резерва перспективных управлеченческих кадров. Сборник материалов международной научно-практической конференции по теме: «Конституционное развитие РУз: по пути прогресса от национального возрождения к национальному процветанию», – Ташкент, 2018.

БМ технологиясини нима учун ушбу босқичдан бошлаш мухим? Чунки бу босқич Баҳолаш маркази технологиясини ишлаб чиқиши ва ўтказишнинг бутун жараёнини белгилайди. Ҳар бир компетенция учун (якуний моделдан) индикатор (кўрсаткич)лар ишлаб чиқилади, яъни кўрсаткичлар ёки мезонларни кузатиш ва даражасини қайд этиши мумкин. Қайд этиши асессорлар томонидан ҳар бир усул учун компетенциялар кўрсаткичлари асосида алоҳида ишлаб чиқилядиган *Кузатиш ва рақасида* амалга оширилади. Куйида баҳолаш ва рақасидан намуна келтирамиз.

Кузатувчи

Компетенциялар (индикаторлар)	1 дан 7 гача бўлған балларда намоён бўлиш (7 – – хусусиятнинг максимал намоён бўлиши, 1 – энг кам, 4 – ўрта намоён бўлиши)			
	Ишти- рокчи 1	Ишти- рокчи 2	Ишти- рокчи 3	Ишти- рокчи 4
Мослашувчаник				
Янги ғояга тез киришади				
Ишга тез киришади				
Эмоционал хотиржамликни намоён қиласди				
Ўзининг ғояларини аник шакллантиради				
Ўз фикрини тортинимай ифода этади.				
Регламент ёдидаги туради, ишни ўз вақтида тугатишга ҳаракат қиласди				
Изоҳ				

Назорат қилиш күнімаси				
Хар бир таклиф қилинган версияни мустақил равиша (расм бўйича)				
Якуний карор бўйича матн мазмунини ўқиб эшигтиришдан аввал текшириб чиқади				
Вазифани бажариш даврида эмоционал босиқликни намоён этади.				
Таклиф этилган варианtlарни қизиқиши билан тинглайди, далиллар келтиради				
Топширикни турли хил варианtlар (эхтимол етарли дараҷада тўғри бўлмаган) билан ечишга интилади.				
Вазифани ҳал қилиш учун таклиф қилинган барча варианtlарга қизиқиши билдиради				
Изоҳ				
Бошқарув профессионализми				
Биринчи бўлиб гапиришни бошлайди				
Ролларга бўлишни ўз зиммасига олади				

Гурӯҳни ташкил қиласи				
Аник ва ишонарли сўзлайди				
Ўзининг ғояларига эътиборни жалб қиласи (уни тинглашларига эришади)				
Ўз ғояси қабул қилинишига эришади				
Иштирокчиларни фаолликка ундаиди				
Вақтни ҳисобга олади (иштирокчиларни қолган вақт ҳақида хабардор қиласи)				
Изоҳ				
Коммуникатив компетенция				
Ҳар бир иштирокчининг таклифларига нисбатан эътиборли				
Сұхбатдошининг гапини бўлмайди				
Хабарни конгруэнт новербал ҳаракатлар билан ифода этади				
Ўзининг мурожаатини ижобий эмоционал (хиссий) контекст асосига куради				
Тушунарсиз бўлган ҳолатларни тушунтиради				
Табассум қиласи				

Унга берилган барча саволларга жавоб беради				
Үз фикрларини аник ифода қиласы				
Осонлик билан мұлоқотта киришади				
Үз нүтқини саводли тайёрлайды				
Сұхбатдоши уни әшитишига эришади				
Изох				
Яңғы тажрибага очықлик				
Бошқаларнинг фикрини тинглайды				
Сұхбатдошининг гапини бўлмайды				
Ўзгалар фикрини қабул қиласы				
Ўз фикрини далиллар билан баён қиласы				
Бошка фикрларни далиллар билан танқид қиласы				
Изох				
Интизомлилик				
Ассесмент-марказ технологияси вақтида қабул қилинган қоидаларга амал қиласы				
Ақлий ҳужум қоидаларига амал қиласы				

Кўрсатмаларга амал қиласди				
Вақтни назорат қиласди: топширикни ўз вақтида якунлайди				
Изоҳ				

Кўшимча: _____

17-расм. «Аклий хужум» ва «Гурухий мунозара» усуллари учун кузатиш варақаси¹

Юқорида келтирилган кузатиш варақасидан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган компетенция учун индикаторлар инсонни хатти-ҳаракати жараёнида белгилаш учун аниқ, тушунарли бўлиши керак. Экспертлар баллардан ташқари, айрим эслатмаларни, яъни уларнинг фикри бўйича мухим бўлган жиҳатларни қайд этиши мумкин. Сўнгра бу фикрлар баҳоларни жамлаш босқичида муҳокама қилинади (бу ҳақда куйида батафсил тўхталамиз).


Кузатув варақаси тайёргарлик босқичида ишлаб чикилади, ушбу босқичда экспертылар-кузатувчилар барча материалларни ўрганишлари керак. Варақани эътиборга олиб, кузатувчилар гурухи муҳокама ўтказади ва ҳар бир индикатор даражаси бўйича хулқ-авторининг намоён бўлишига кўра, баҳолаш бўйича умумий қоидалар ўрнатилади.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир баҳолашдан сўнг экспертлар баҳолари мувофиқлаштирилади, бу эса баҳоланувчиларнинг хатти-ҳаракатлари далиллари билан мустаҳкамланади ва кўрсаткичлар бўйича якуний баҳо қўйилади.

¹ Ушбу кузатиш варақаси бешта соҳа давлат бошқарув органлари бошқарув кадрларини баҳолаш учун ишлаб чиқилган ва фойдаланилган [14].

Асессорлар баҳоси бир-биридан кескин фарқ қилмаслиги жуда мухимдир, бунинг учун БМ дастури маҳсус ходимлари мониторинг олиб боришади (18-расмга қаранг), агар баҳолашда кескин фарқ аниқланса, тегишли чоралар кўрилади (ассессорлар муҳокамаси, ўқитиш, малакасини ошириш ёки мазкур асессорнинг БМ технологияси жараёнига бошқа жалб қилинмаслиги).

1- Баҳоланувчи бўйича кузатувчиларнинг баҳолари (Гурӯҳ мунозараси)



18-расм. Асессорлар баҳолари мониторинги намунаси.

Мазкур мониторинг диаграммасидан М.О. асессорининг юқори баҳолаши тенденциясини кузатиш мумкин, у билан юқори баҳолаши сабабларини аниқлаш бўйича муҳокама ўтказиш зарур.

Баҳолаш тартибининг шаффоф ва объективлигини таъминлаш учун ҳар бир баҳоланувчига рақам берилади, яъни асессорлар унга кўра баҳолайди, шунингдек, улар баҳоланаётган одамнинг шахсий маълумотлари ҳатто исм-шарифини ҳам билиш хукуқига эга эмас.

Қайта алоқа. БМ технологияси мақсадига қайтсан, олинган баҳодан энг тўғри фойдаланиш – бу ҳар бир баҳоланувчини ўз-ўзини ривожлантириши эканлигини ёдимизда тутишимиз керак. Шундай қилиб, натижалар таҳлил қилиниб, қайта ишлангандан сўнг, яъни АМ технологиясидан ўт-

гандан сўнг ҳар бир баҳолангандан шахс унинг эгаллаб турган лавозими учун зарур бўлган компетенцияларга хослик дараҷаси тўғрисида ҳисобот кўринишидаги қайта алоқа олади¹.

Ҳисобот Ассесмент-марказ технологияси иштирокчиларининг ҳар бири учун индивидуал ва умумлаштирилган шаклга эга бўлади. Ҳисоботнинг умумлаштирилган шаклида технология тўғрисида маълумот, амалга оширилган босқичлар, жараёнлар ва баҳолаш якуни бўйича маълумотлар тақдим этилган.

Агар мижозларга мазкур гурух ҳар бир иштирокчиси бўйича қиёсий таққослаш ёки индивидуал натижалар зарур бўлса, компетенцияларнинг намоён бўлиши натижалари якуний ҳисоботда умумий гурух шаклида тақдим этилиши мумкин (компетенциялар намоён бўлишининг график кўриниши бўйича намунага қаранг 18, 19-расмлар).

Мослашувчанлик




19-расм. «Мослашувчанлик» компетенцияси намоён бўлишининг умумий гурух учун график кўриниши.

¹ Ўқитишига бўлган эҳтиёжни аниқлашдан ташкари, Ассесмент-марказ технологияси кадрларни танлаш ва ротация килиш учун ҳам кенг кўлланилади.

Юқорида келтирилган диаграммага кўра, шу тарзда тақдим этилган маълумотлар ҳар бир компетенция бўйича алоҳида тузилганинги тушуниш мумкин. Бундан келиб чиқиб, ҳар бир компетенциянинг ифодаланишини ўргача гурух даражасини ҳамда минимал, максимал қийматини кўришингиз мумкин. Ушбу таҳлилга кўра, иштирокчиларнинг у ёки бу компетенциялари ифодаланиш даражасига кўра, гурухларга бўлиш мумкин. Ҳар бир шакллантирилган гурух учун алоҳида дастур ишлаб чиқилади, унда ушбу гурухлар учун аниқ ривожлантирилиши керак бўлган жиҳатларга ургу берилади.

1-Баҳоланувчи



20-расм. Компетенциялар намоён бўлишининг индивидуал график кўриниши.

19-расм бизга БМ технологияси иштирокчисининг ҳар бир компетенцияси намоён бўлиши қандай эканлигини график тарзда кўрсатади, яъни унда ўзининг ўргача даражадаги компетентлиги ва ҳар бир хусусияти ҳақида аниқ билиш мумкин.

Умуман айтганда, аввал қайд этилганидек, бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёни «таясир кўрсатиш нуқталари»ни, яъни ўқишига эҳтиёжларни аниклаш билан бошланиши керак, де-

ган фикрдамиз. Ушбу мақсадда Ассесмент-марказ технологиясидан фойдаланиш лозим. Тахлиллар асосида шуни таъкидлаш мүмкінki, мазкур технология комплекс, етарлы даражада чуқур ва күп қиррали ҳисобланади. Бир тарафдан баҳоланувчининг ижтимоий зарурлигини намоён қилиши, иккинчи томондан, хавотирланиш ва тангликни четглаб ўтиб, у баҳолаш бўйича юқори аниқлик кўрсаткичларига эга (70 – 80%). Баҳолаш маркази технологиясининг асоси баҳоланаётганларнинг бажараётган хатти-ҳаракатларини кузатиш ва баҳолаш саналади. Кузатувчиларнинг субъективлигини пасайтириш мақсадида, бир нафар баҳоланувчини бир нечта ассессор кузатаётганда кесишув баҳолаш тизими қўлланилади ва келишилган баҳо чиқарилади. Баҳолаш бўйича экспертерлар гурухи маҳсус ўқув дастуридан ўтадилар ва улар келишган баҳоларнинг аниқлигини мониторинг қилиш тизими мавжуд бўлади.

Ассесмент-марказ технологиясидан ўтиш натижаларига кўра, ҳар бир баҳоланган иштирокчи ўзининг кучли ва кучсиз томонлари ҳакида багафсил тасаввурга эга бўлади. Шу билан бирга, ўқитиш учун маълум бир кучсиз жиҳатларга эга бўлган гурухлар шакллантирилади, шундай қилиб, ҳар бир раҳбарнинг ўзи билган камчилклари ва эҳтиёжига кўра, ўз устида ишлаш ва салоҳиятини оширишни мақсад қилиб қўйган дифференциал таълим ташкил этилади.

Ўқитиш курсидан ўтгандан сўнг БМ технологиясининг айрим усуллари ёрдамида баҳолашдан ўтишга мурожаат қилиш мүмкін ва раҳбар компетенцияларининг ривожланиши динамикасини кўриш мүмкин.

Мазкур ҳолатда Ассесмент-марказ технологиясидан фойдаланиш ўқувчининг (ўзига нима зарур бўлаётганлигини билади) ва ўқитувчининг (чунки мотивациялашмаган тингловчилар билан ишлаш мураккаб) ресурсларини тежайди ва ўқув жараёнини янада самарали бўлишига эришилади.

Баҳолаш маркази технологиясининг заиф томонлари ҳакида гапирганда, шахс мазкур технологияда баҳолаш объекти сифатида қаралиши қайд этилади. Психологлар буни

Баҳолаш маркази технологиясининг камчилиги деб билишади, инсон, биринчи навбатда, ўзининг бой тажрибаси, қобилияти, билимiga эга инсондир, шундан келиб чиқиб, шахсий салоҳияти бўйича ташхис ўтказиш максадга мувофиқ, деб ҳисоблашади¹.

Биз ўз тарафимиздан кадрларни танлаш ва баҳолаш тизимида муайян стандартлар, у ёки бу лавозимга номзодлар учун қўйиладиган талаблар зарурлигини таъкидлаймиз. Бизда мазкур шахснинг хусусиятлари, унинг ноёб тажрибасидан келиб чиқиб, янги лавозимларни яратиш имконияти йўк. Шу борада, аниқ вазифаларга эга маълум лавозимлар мавжуд, улар, ўз навбатида, номзодларда бўлиши керак бўлган Компетенциялар модели кўринишидаги муайян талабларни қўяди. Биз компетенциялар намоён бўлишининг ўзига хос шакллари мавжудлигини инкор этмаймиз, ҳар бир раҳбар ўз вазифаларини амалга оширишда ўзига хос усулига эга бўлиши мумкин, аммо, шу билан бирга, биз белгиланган моделлар билан ўзаро боғлашимиз керак.

Бундан ташқари, бугунги рақамлаштириш даврида, баҳолаш тизимини автоматлаштириш имкониятлари пайдо бўлмоқда, у билим, қобилият ва компетенцияларга эгалик даражаларини аниқлаш, тест ўтказиш орқали қатор методикаларига эга платформага айлантирилади. Баҳоланувчи мазкур компьютердаги методикалар орқали 2-3 соат ичida классик усулдаги баҳолашдан ўтиб, ўзи ҳақида ҳисобот олиши мумкин. Бунда инсон, моддий ва вакт ресурсларини тежайди.

Аммо бу ерда шуни ҳисобга олиш керакки, шахснинг ҳақиқий хатти-харакатлари баҳоланмаганлиги – камчилик, шунингдек, баҳоланувчилар ижтимоий мақбул жавобларни танлашлари мумкин. Умуман олганда, онлайн-ассесментни баҳолашнинг биринчи босқичи деб ҳисоблаб, уни классик Баҳолаш маркази технологияси билан биргаликда кўллаш мақсадга мувофиқ.

¹ <https://simformer.com/ru/personnel-assessment.html>.

2.3. Замонавий интерфаол методларнинг жорий этилиши – таълим мазмуни ва сифатини ошириш омили

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: «Ҳозирги кунда таълим тизимига ўқитиш технологияларини такомиллаштиришга йўналтирилган инновацион методлар фаол жорий қилинмоқда. Айни пайтда, юқори малакали, интеллектуал ривожланган ва креатив фикрлайдиган давлат бошқаруви соҳаси мутахассисларини ўқитиш тизими олдига янги талабларни илгари сураётган илмий-техник тараққиёт ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда»¹.

Шунингдек, ахборот ҳажмининг ўсиб бориши ва анъанавий ўқитиш шакллари инқизози ўртасидаги зиддиятни ҳал қилиш учун таълим тизимига эвристик ва ижодий тафаккурни ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда сифат жиҳатидан янги шакллар ва усулларни жорий қилиш, Ўзбекистон Республикасидаги стратегик мақсад ва ислохотларни амалга ошириш йўлида давлат муассасаларини бошқарадиган кадрларни ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш тақозо этилади.

Давлат ҳокимияти органлари ва бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш жараёнининг асосий вазифалари бошқарув кадрларнинг касбий тайёргарлик даражасини ошириш, таълим жараённида бошқарув кадрларини танлаш, ўқитиш ва ривожлантиришда компетенцияларни шакллантириш, шахсий ташаббускорликни рағбатлантириш ва таълим жараённида уларнинг ижодий салоҳиятини юзага чиқаришга қаратилган. Шу муносабат билан, таълим тизимини инновацион фаолиятга йўналтириш давлат муассасаларини юқори малакали, ташаббускор, ижодий фикрлайдиган бош-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг замонавий кадрларга бўлган эҳтиёжни кондириш, олий мъълумотли ёшлиарни стратегик соҳаларга жалб қилиш масалаларига бағишлаган йигилишдаги нутки. 2019 йил 18 декабрь: <https://www.uzdaily.uz/ru/post/40801>

қарув кадрлари билан таъминлашнинг муҳим воситасига айланмоқда.


Шундай қилиб, таълим соҳасида ўқитувчилар билан таълим олувчилар ўртасида кенг оммалашган уч хил ўзаро ҳамкорлик технологияларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Улар: нофаол, фаол ва интерфаол шакллар. Ҳар бир таълим шакли бир қатор хусусиятларга эга бўлиб, уларнинг таърифи қўйида келтирилган:

I. Нофаол шакл – бу ўқитувчи билан таълим олаётган бошқарув кадрлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик технологияси бўлиб, бунда таълим жараёнида асосий бошқарувчи ўқитувчи бўлиб, таълим олувчи нофаол тингловчи бўлиб қолади. Таълим олаётган бошқарув кадрлари билан тескари алоқа сўровларга, назорат ишларига, тестларга, мустақил саволларга асосланади. Демак, ўзлаштирилган ахборотнинг аниқлиги ва ҳажми уни ўзлаштириш жараёнига эмас, балки ўтилган ўқув фани натижалари бўйича баҳоланади.

Ҳозирги кунда таълимнинг энг кенг тарқалган тури нофаол шакл ёки бошқача айтганда, таълимнинг анъанавий тури ҳисобланади. У қисқа вақт ичидаги катта ҳажмдаги ахборотни «кулай ва тезкор» етказиши усули сифатида ўз мақомини сақлаб келмоқда. Ушбу ўқув турининг асосчиси Я.А.Коменский бўлиб, XVII асрда Европада унинг «Буюк дидактика» асари чоп этилиши билан анъанавий ўқитиш асослари яратилган¹.

Анъанавий ўқитишнинг моҳияти ахборот материалининг ўқитувчи томонидан берилиши ва ундан сўнг тингловчилар томонидан тақорланишидан иборат. Таълим олувчи фақат тинглаётган, ўқиётган ёки ўқитувчи айтиб берадётган маълумотларни ёзиб олаётган пайтдагина таълим олиш ҳолатида бўлади.

¹ Вальдхер Ф., Вальтер К. Дидактика и практика. Идеи и методы для преподавания в ВУЗах. Изд. Schäffer-Poeschel Verlag, Stuttgart. 2009.



21-расм. Үқитишининг анъанавий шакли.

Бу каби бир томонламалик фақат таълим олувчи бирон нарсани аниқлаштирган ёки үқитувчига савол берган пайтдагина бузилиши мумкин, шундагина икки томонлама алоқа вужудга келади. Бундан ташқари, анъанавий үқитиш усулининг асосий камчилиги ўкув материалини ёдлаб қолиш ва ундан сўнг такрорлашга йўналтирилганлиги билан боғлиқ бўлиб, уни англаш ва тушунишни кўзда тутмайди, шунингдек, бундай таълим тингловчиларнинг ижодий қобилияти, мустакиллиги ва фаоллигини ривожлантиришга кўмаклашмайди¹.

Шу билан бирга, А.А.Вербицкийнинг таъкидлашича, анъанавий таълим қатор қарама-қаршиликларга эга бўлиб, улар орасидан куйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) олинаётган билим ўтмишга қаратилган, таълим олувчилар келажақда дуч келадиган потенциал муаммоли вазиятларга бирон-бир тарзда боғлиқ эмасдек баҳоланади;
- 2) мактаб педагоглари (фан үқитувчилари) ва олий ўкув юрти кафедраларининг бўлининиши таълим олувчилар учун «синган шиша» бўлаклари каби дунёning тарқоқ манзарасини ҳосил қиласди ва улар буни мустакил равища яхлит бир бутунликка йиғишга қодир эмас;
- 3) таълим олиш тайёр ва маданий ривожланиши жараёнларидан четлаштирилган ўкув материалини узатиш техно-

¹ Ишмухаммедов Р., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. – Т.: «Адабиёт учқунлари», 2017.


логияси сифатида намоён бўлади, бунда мазкур турдаги ах-боротни ҳозирги даврга нисбатан кўллаб бўлмайди;

4) билимларни ўзлаштириш шакли индивидуал характерга эга, чунки таълим олувчи қўшма маҳсулотни яратиш учун бошқалар билан ўз хатти-ҳаракатларини бирлаштирма олмайди – билимлар, бошқаларга ёрдам бериш бўйича ҳар қандай уринишлар кескин тўхтатилади ва жазоланади;

5) таълим бериш реал вазият ва ҳаётий шарт-шароитларнинг ўқув жараёнида моделлаштиришдан четлашишни кўзда тутувчи «мавҳум усулга» асосланади¹.

Шу тарзда, анъанавий таълим усули жамиятнинг ёш авлодни ривожлантиришга оид эҳтиёжларини қондира олмай қолди, мустақил фикрлайдиган ва ижодий ривожланган шахсларни, бизнинг ҳолатимизда эса давлат бошқаруви кадрларини тайёрлаш соҳасида кам самара бермоқда.

II. Фаол шакл – бу машгүлотлар жараёнида ўқитувчи билан таълим олувчи ўртасида ўзаро ҳамкорлик юзага келадиган ўқитиш технологияси.



22-расм. Таълимнинг тадқиқотга оид шакли (фаол шакли).

Таълим олаётган бошқарув кадри нофаол тингловчи эмас, фаол иштирокчи бўлиб, бунда ўқитувчи ва таълим олаётган бошқарув кадри тенг ҳукуқли томонлар сифатида иш юритади. Таълимнинг нофаол шаклида (анъанавий

¹ Абрамова Г.С., Степанович В.А. Деловые игры: теория и организация (руководство практического психолога). – Екатеринбург: Деловая книга, 1999.

таълим) ўзаро алоқаларнинг авторитар услуби кузатилади, фаол шаклида эса демократик услуб назарда тутилади. Таълим шаклларининг юзага келиш ва ривожланиш тарихини кўриб чиқар эканмиз, шунга амин бўламизки, анъанавий таълимдан (Европада XVII асрда вужудга келган) ташқари, бир неча юз йилликдан сўнг фаол таълимнинг янги шакллари – тадқиқот усули ва муаммоли таълим вужудга келган.

Таълимнинг тадқиқот шаклининг вужудга келиши заминлари Қадимги Юнонистонга бориб тақалади: Суқрот сухбати, софизм ва пифагореизм ва бошқалар¹. Бундан ташқари, таълимни фаоллаштириш, тингловчиларни мустақил фаолиятга жалб этиш орқали уларни онгли таълим олишга рағбатлантиришга оид foялар И.Г.Песталоцци, Ж.Ж.Руссо, Дж.Дьюи, Ф.А.Дистервег, С.Л.Рубинштейн, Л.С.Выготский, А.Н.Леонтьев, В.В.Давыдов ва бошқалар бир қатор психологлар ҳамда педагогларнинг асарларида ўз ифодасини топган (муаммоли ва тадқиқот усули). Тадқиқот таълимини ривожлантириш XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошида таълимнинг айrim усулларини шакллантиришга кўмаклашди²:

- эвристик усул (Г.Армстронг);
- тажрибавий-эвристик усул (А.Я.Герд);
- лаборатория-эвристик усули (Ф.А.Винтергальтер);
- лаборатория сабоқлари усули (К.П.Ягодовский);
- табиий-илмий таълим (А.П. Пинкевич) ва б.³

Б.Е.Райковнинг фикрича, ўқитишнинг юкоридаги барча усулларининг таълим тизимида қўлланилиши тингловчиларга машғулотлар давомида мустақил равишда ечимлар топиш, ҳал қилиш ёки бирон нарсани кашф этишдан баҳ-

¹ Ўз ҳамсухбатига жавоб топишида кийинчилик тугдирадиган саволларнинг берилиши Суқрот сухбатлари, Пифагор мактаби, софистлардан маълум.

² Добросельский В.В. Перспективы проведения оффлайн-вебинаров в обучении менеджеров. / Теория и практика образовательного процесса. Вестник ВГУ. 2017 [Электронный ресурс]: <http://www.vestnik.vsu.ru/pdf/educ/2017/04/2017-04-09.pdf> (дата обращения 30.09.2019).

³ Баубекова Г. Педагогическое мастерство. – Т., 2000.

ра олиш имконини беради ва энг муҳими, уларнинг англаш мустақилиги ва ижодий индивидуаллигини ривожлантиришга ёрдам беради. Шу туфайли Б.Е.Райков уларни бир тоифага бирлаштириди ва таълимнинг тадқиқот шакли деб номлади.


Таълимнинг тадқиқот шаклидан ноёб шакл сифатида фойдаланиш XX асрнинг 30-йилларида хато деб тан олина бошлади. Таълим фан мантигини бузмайдиган билимлар тизимини шакллантириш тамойилига асосланиши керак деган фикр қарор топди. Яъни таълимнинг дидактик усулларидан ва дидактик ёдлашдан кенг фойдаланиш нафақат мактаб таълим тизимида, балки олий таълим тизимида ҳам мустаҳкам ўрин эгаллади. Шунни ҳам таъкидлаш керакки, ўқув жараёнини фаоллаштириш усулларини излаш қайта тикланди. Бунга фикрлаш жараёнининг муаммонинг ҳал килинишига боғлиқлиги назариясининг ривожланиши түғрисидаги тезисни илгари сурган совет психологлари муйян даражада таъсир кўрсатди.

Педагоглар ва психологларнинг фикрига қўра, таълимнинг фаол шакли нофаол шаклига (анъанавий шакл) нисбатан жиддий афзаликка эга бўлиб, у олинган маълумотни шунчаки ёдлашга эмас, балки таълим олаётган бошқарув соҳаси ходимларида фикрлаш фаолиятининг ривожланишига кўмаклашади. Бундан ташқари, таълимнинг фаол шакли ўз ривожланишида ўзгаришларга учради:

биринчи босқич – бу бир-биридан мустақил равишда ишлаб чиқилган дарс бериш усуллари яратилган давр бўлиб, улар таълимнинг самарали технологияси сифатида ўрнашмади, аммо умумий мақсадга – ўқув жараёнини фаоллаштиришга қаратилган эди (таълимнинг тадқиқот шакли);

иккинчи босқич – ушбу босқичда фаол шаклдаги ўқишини ишлаб чиқиш зарурлигини исботлаш учун илмий-назарий асосни яратган совет психологлари педагогикага катта ҳисса қўшдилар.

III. Интерактив шакл – бу шундай ўкув технология-сикі, унда таълим жараённида нафақат ўқитувчи ва таълим олувчилар ўртасида, балки таълим олувчилар ўртасида ҳам мuloқot шаклидаги ўзаро ҳамкорлик амалга оширилади¹.



23-расм. Таълимнинг интерфаол шакли.

Ўқитувчи интерфаол машгулотларда тингловчиларнинг аংглаш фаоллигини мувофиқлаштирувчисига айланади. Бундан ташқари, ўқитувчи машгулотлар режасини ишлаб чиқади, одатда, бу интерфаол машгулотлар ва топшириклар бўлиб, улар ёрдамида таълим олаётган бошқарув ходимлари материални ўзлаштирадилар. Шу билан бирга, кўпчилкнинг фикрича, фаол ва интерфаол усуслар бир-бирига эквивалентdir, аммо уларнинг ўхшашлигига қарамай, фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд. Таълимнинг интерфаол услублари ривожланиши тарихи фаол шакллар ривожланиши билан бир пайтда кузатилади. Интерфаол таълимни шакллантиришда ишбилармонлик ўйинлари пайдо бўлганидан сўнг вужудга келган ўйин-техник ҳаракати алоҳида аҳамият касб этди.

XX асрнинг 80-йилларидан таълимнинг интерфаол усуслари ниҳоятда оммалашган эди. Шу тариқа, интерфаол таълим фаол таълимдан келиб чиқиб, ўзгаришларга учради, шу тарзда таълим жараённининг самарадорлигини ошириди, бунда мустақиллик ва англаш фаоллиги таълим олувчининг

¹ Интерактив (инглизча «inter» – ўзаро, «act» – ҳаракатланиш).

«ўз кўлида» бўлади, ўқитувчи эса шунчаки таълим мухити-нинг ташкилотчиси ролини ўйнайди.

Интерфаол таълим таълимнинг қулай шарт-шароитларини ташкиллаштириш шакли деб таърифланадиган мақсадни назарда тутади, бунда таълим олувчи билимларни ўзлаштиради, ўзининг интеллектуал мустақиллигини, ютукларини хис этади, бу эса таълим жараёнига ўзига ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, таълим олаётган бошқарув кадрлари томонидан кутилаётган натижаларни тушуниш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Интерфаол таълимнинг вазифалари орасидан қуйидаги-лар ажратилади:

- бошқарув ходимларида таълимга қизиқишни шакллантириш;
- ўкув материалини самарали ўзлаштириш;
- бошқарув ходимларининг кўйилган ўкув вазифасини ҳал қилиш йўллари ва варианtlарини мустақил излаши (таклиф қилинган варианtlардан биттасини танлап ёки ўз вариантини топиш ва ечимни асослаш);
- таълим олаётган бошқарув ходимларининг ўзаро ҳамкорлиги, жамоа бўлиб ишлашга, ўзгаларнинг нуқтаи назарини қабул қилиш ва кўриб чиқиш, ҳар бир инсоннинг фикрини, шахсини ҳурмат қилишга ўргатиш;
- таълим олаётган бошқарув ходимларида мустақил фикрни шакллантириш;
- қасбий ва ҳаётий кўнникмаларни ишлаб чиқиш.

Интерфаол шакллардан фойдаланишда ўқитувчининг мақоми кескин ўзгаради, у асосий бўлмай қолади, факат жараённи тартибга солади ва уни умумий ташкил қилинishi билан шугулланади, олдиндан зарур топширикларни гурухда муҳокама қилиш учун саволларни ёки мавзуларни тайёрлайди, маслаҳатлар беради, белгиланган режанинг бажарилиш муддати ва тартибини назорат қиласди. Таълим олаётган бошқарув ходимлари шахсий ва бошка одамларнинг ижтимоий тарбиясига эътибор қаратади, бунда улар бир-бири билан ҳамкорлик қила бошлайди, айни пайтда,

қўйилган вазифаларни ҳал қилиш, низоларни енгиб ўтиш, муаммога умумий қарашлар ва нуқтаи назарларни топиш, шунингдек, келишишга интилади.

Таъкидлаш зарурки, юқорида санаб ўтилган усуллардан айнан интерфаол шакл тингловчилар томонидан билимлар, кўнишка ва малакаларни ўзлаштириш самарадорлигини оширишга, шахсий ташаббускорликни рагбатлантиришга ва таълимда уларнинг ижодий салоҳиятини амалга оширишга қаратилган. Демак, таълимда интерфаол услублардан фойдаланиш давлат муассасаларидағи раҳбарлик лавозимлари учун юқори малакали, интеллектуал ривожланган ва креатив фикрлайдиган мутахассисларни тайёрлашга кўмаклашади.

Ҳозирги пайтда таълим олувчилар олдига қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун интерфаол таълимнинг турли хил усуллари мавжуд. Уларнинг ҳар бири ўзига хос бўлиб, ўз тузилмасига ва амалга ошириш механизмига эга. Бунда ўқитувчи ўқув материалининг ўзига хослиги, машғулот мақсади, моддий-техник таъминоти ва бошқалардан келиб чиқсан ҳолда ўёки бу усулни танлашга эътибор қаратиши лозим.

1) Интерфаол маъруза. У турли шаклларда ўтказилиши мумкин:

муайян вазиятлар таҳлил қилинган маъруза – тингловчиларга ёзма ўёки оғзаки шаклда таҳлил қилиниши лозим бўлган муайян вазиятлар ҳавола қилинади;

муаммоли маъруза – машғулотлар жараённида ўқитувчи мухокама ва таҳлил қилиш учун муаммоли вазиятларни яратади, ишлаб чиқилган ҳулосалар янги билимларнинг ажралмас қисмини ташкил этади;

маъруза-визуализация – ўқув материали расмлар, тақдимотлар, видеоёзувлар, таркибий-мантиқий схемалар, диаграммалар шаклида ахборот-техник воситалардан фойдаланган ҳолда ўтиладиган маъруза;

режсалаштирилган хатолар билан ўқиладиган маъруза (*маъруза-превокация*) – маърузанинг мавзуси эълон қилингач, ўқитувчи машғулот давомида турли хил хатоларга йўл

қўйилганини маълум қиласи: улар мазмун, услуг, хатти-харакатлар ва б.ларга оид бўлиши мумкин, тингловчилар уларни аниқлаши ва маъруза сўнгида хабар қилиши керак;

икки кишилик маъруза (бинар) – икки нафар ўқитувчи маъруза қиласи, уларнинг тингловчилар билан мулоқоти давомида муаммони қўйиш ва муаммоли вазиятнинг таҳлили амалга оширилади, фаразлар илгари сурилади, улар инкор қилинади ёки исботланади, вужудга келган зиддиятлар ва уларнинг ечими изланади;

«матбуот анжумани» маърузаси – таълим олувчилар ўқитувчига эълон қилинган мавзу бўйича саволлар бериши керак, ундан сўнг ўқитувчи ушбу саволларга жавобни маъруза матнига киритади;

мулоқот-маъруза ва мунозара-маъруза – маъруза жараёнида ўқитувчи ўқув материали берилишини таълим олувчиларга саволлар бериш билан алмаштириб боради.

2) **Ишбилармонлик ўйинлари ва ролли ўйинлар.** Ролли ўйин – бу юзага келиши мумкин бўлган ва бошқарув ходимларидан у тушиб қолиши мумкин бўлган вазиятларда ҳаракатланиш технологиясини ишлаб чиқиши (масалан, аттестация, ишдаги фавқулодда вазиятлар, кўл остидаги-лар билан муоммолар ва б.). Ролли ўйин масъул ва хавфсиз ечимларни қабул қилиш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради. Ролли ўйинларни ишбилармонлик ўйинларидан фарқлайдиган мезон ўйин давомида баҳолаш тизими-нинг мавжуд эмаслиги ҳисобланади.

Ишбилармонлик ўйини – бу мутахассиснинг келгуси фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий ва предметли вазиятни моделлаштириш, бунда одатдаги касбий ҳолатларда кузатиладиган ҳақиқий қийинчиликлар ва муаммолар ўйин тарзида синаб кўрилади. Ишбилармонлик ўйинларини ишлаб чиқишида куйидаги босқичларга риоя қилиш керак:

а) ўйин мавзуси ва муаммони аниқлаш – ишбилармонлик ўйини баъзи қарама-қаршиликларни ўз ичига олиб, тингловчи-бошқарувчиларда қийинчилик туғдириши керак;

б) ишбилармонлик ўйинининг турини аниқлаш – бу босқичда тингловчи-бошқарувчилар учун ушбу ўйинда энг катта натижа берадиган шартлар ва талаблар танланади;

в) ўйин тафсилотлари (деталлари)ни ишлаб чиқиш ва шакллантириш – ишбилармонлик ўйини объектларининг детализацияси рўй беради (алоқалар, муносабатлар, объектлар ҳақида маълумотлар, тарихи ва х.к.);

г) ишбилармонлик ўйини режасини тузиш – масаланинг ечими, ноаниқлик ва кўп маънолик элементини ўз ичига оладиган йўриқнома ишлаб чиқилади, шу билан муаммоли ўқитиш шаклланади;

д) тингловчи-бошқарувчилар қабул қилиши мумкин бўлган барча ечимлар вариантини аниқлаш – реал вазиятда рўй бериши мумкин бўлган фақат муҳим омилларни иnobatga олиш лозим, масалани ечишда хулкнинг стереотип ёки абстракт варианtlаридан қочиш керак;

е) коидаларни шакллантириш, роллар, рағбатлантириш ва жазолаш тизимини аниқлаш – ишбилармонлик ўйинларининг натижалари миқдорий методлар ёки экспертлар фикри ёрдамида баҳоланади;

ж) ишбилармонлик ўйинининг сўнгги коррекцияси – вазиятнинг реаллигини таҳлил қилиш ва ўйин мазмунини умумий текшириш, ушбу босқичда ўйиннинг камчиликлари аникланди ва дарҳол тузатилади.

3) Case-study (муайян вазиятларни таҳлил қилиш). Кейс – содир бўлган воқеа, реал воқеалар туфайли вужудга келган ёки муайян вазиятда маълум ташкилотда ўзи бу даврда юзага келиши мумкин бўлган вазиятни ўрганиш, таҳлил қилиш ва қарор қабул қилишдан иборат. Кейс-стади услубидан фойдаланиш мақсади куйидагича:

- таңқидий ва таҳлилий тафаккурни ривожлантириш;
- назария ва амалиётнинг боғлиқлиги;
- қабул қилинаётган қарорлар ва уларнинг оқибатларига мисоллар келтириш;
- ноаниқлик шароитида мукобил варианtlарни баҳолаш кўникмаларини шакллантириш;

- турли фикр ва нуқтаи назарни намойиш қилиш.

Кейсни ишлаб чиқишида күйидаги структурага риоя қилиш керак:

- а) вазиятнинг мазмунини;
- б) статистик маълумотлар, жадваллар, диаграмма, тарихий маълумотлар ва ҳ.к. шаклидаги қўшимча маълумотларнинг бўлиши;
- в) методик маълумот (1-2 бет) – кейсни ечиш бўйича тавсияларни ўз ичига олади;

г) тингловчи-бошқарувчиларга кейс мазмунини тушуниш, муаммоларни аниқлаш ва ушбу муаммони ўқув фанининг ўтилган бўлимлари билан таққослаш учун ёрдам беришга қаратилган саволлар рўйхати.

4) Психологик тренинг – фаол ўқитиш шакли бўлиб, унинг мақсади билим улашиш, айрим малака ва кўнилмаларни ривожлантиришдан иборат; иштирокчилар ўз қобилиятини намойиш қилиши учун шарт-шароитлар яратиш ва улар томонидан муаммони ечиш йўлини мустақил излаш усули. Кўпингча, тренингда таълимнинг уч даражали моделидан фойдаланилади: *ўзлаштириш → намойиш қилиш → қўллаш*. Тренинг ўз ичига унинг мақсадларига эришишга йўналтирилган бошқа интефраол усулларни ҳам қамраб олиши мумкин: кичик-маъруза, ролли ўйинлар, кейслар ва кейс-усул, жонли иллюстрациялар ва видеофильмлар каби. Психологик тренинг – ўқитишнинг гурухга оид шакли хусусиятлари:

- а) гурухда ишлашнинг қоида ва принципларини ишлаб чиқиши;
- б) тингловчи-бошқарувчиларда тренингдан фойда олиш истагининг фаоллашиши;
- в) доимий гурухнинг ҳажми (7дан 15 кишигача), яъни барча тренинг машғулотлари давомида иштирокчиларнинг таркиби ўзгармайди;
- г) жойнинг ташкил қилиниши – тренинг учун шароит яратиш;

д) «шу ерда ва ҳозирок» принципи бўйича тингловчи-бошқарувчилар билан гурухда ишлаш;

е) гурухда ишлашнинг фаол методларидан фойдаланиш;

ж) хавфсиз психологик мухит яратиш – иштирокчилар орасида эркин мулокот, бир-бирини ҳурмат қилиш, иштирокчилар ташаббусини кўллаб-куватлаш.

5) Давра сұхбати (мунозара, муҳокама, коллоквиум)

– бу интерфаол ўқитиш технологияси бўлиб, таълим олаётган бошқарув ходимларининг англаш фаолиятини жонлантириш усуулларидан бири. У аввал олинган материални ўзлаштириш, етишмайдиган ўринларини тўлдириш, масъуль қарорларни қабул қилиш кўнкималарини ишлаб чиқиш, мунозара юритиш одобига ўргатиш имконини беради. Давра сұхбатининг ўзига хос ҳусусияти шундаки, мавзули мунозара гурухли маслаҳатлар билан кўшиб олиб борилади.

«Давра сұхбатини» ўтказишдан асосий мақсад – таълим олаётган бошқарув ходимларида ўз фикрини баён этиш, мuloҳазалари, таклиф қилинаётган ечимларни асослаш, ўз қарашларини химоя қилиш кўнкималарини шакллантиришдан иборат. Бунда ахборотни мустаҳкамлаш ва кўшимча материал билан мустақил ишлаш, шунингдек, муҳокама учун муаммолар ва саволларни аниқлаш амалга оширилади.

6) Дискуссия (мунозара) (лот. *discussio* – тадқиқ қилиш, кўриб чиқиш) – долзарб масаланинг оммавий йиғилиш, мулокот, муҳокама жараённида кўриб чиқилиши. Жумладан, мунозара – бу маълум низоли масала, муаммолар, гоялар, таклифлар, фикрларнинг жамоавий муҳокамаси. Мунозаранинг мақсади турлича бўлиши мумкин: таълим, тренинг, қарашларни ўзгартириш, нотиклик санъатини ривожлантириш, низоларни ҳал қилиш кўнкималарини шакллантириш, ижодкорликни рағбатлантириш ва ҳ.к. Мунозарани ташкил қилишнинг қўйидаги асосий методларидан фойдаланилади:

- «савол-жавоб» – оппонентга савол берилади ва у жавоб беради;

- «ярим овозда муҳокама қилиш» – аввал мини-гурухларда муҳокама қилинади, ундан сўнг умумий мунозара олиб борилади, бунда мини-гурух аъзолари ўз муҳокамаларининг натижалари билан бўлишадилар;

- «клиника методикаси» – ҳар бир иштирокчи муаммо ечимининг ўз вариантини ёзди (ташхис қўяди), ундан сўнг очиқ муҳокамага ўтилади, унда эксперт (кўпинча, у ўқитувчи бўлади) баллик шкала бўйича келтирилган муаммонинг ечимини баҳолайди;

- «лабиринт» – бу методни яна кетма-кет муҳокама қилиш деб аташади, бунда ҳар бир иштирокчи берилган мавзу бўйича ўз фикрини баён қиласди;

- «эстафета» – ҳар бир иштирокчи ўз чиқишини якунлаб, сўзни кимга беришни лозим топса, ўша иштирокчига беради;

- «эркин мунозара» – бу мунозара методи бўлиб, бунда иштирокчилар якуний натижага келмайди, муаммонинг ечимини машғулотлардан ташқарида ўйлашни давом эттиради, бу метод асосида «Зейгарник эффиқти» ётади.

Шунингдек, мунозарага ўхшаш методлар қаторига нисбатан яқинда пайдо бўлган куйидаги методларни киритиш мумкин:

а) «Migmelgruppe» методи (сўзма-сўз таржима қилганда «гулдурулайдиган гурух») – ўқитувчи тингловчи-бошқарувчиларни гурухларга 2-3 тадан бўлиб чиқади, уларга савол берилади ва уни фаол тарзда муҳокама қилишни бошлайдилар, бунда иштирокчилар фикри мантиққа тўғри келиш-келмаслиги муҳим эмас, бу ерда, муҳими, фаоллик. Муҳокаманинг ўртача вақти 2-3 дақиқа атрофида. Ундан сўнг ҳар бир гурух муҳокама натижаларини ҳамма билан бўлишади;

б) «Рози ва қарши» мунозараси – ўқитувчи тингловчи-бошқарувчиларни икки гурухга бўлиб, хонанинг икки тарафига ажратади, ундан сўнг мунозара мавзуси эълон қилинади. Битта гурух мавзуни ҳимоя қилиб, ўз фойдасига далиллар (асослар) келтиради, иккинчи гурух унга қарши чиқиб, контрдалиллар келтиради;

в) Аквариум ёки Inner Circle (топ доира, доирача) – мунозаранинг структурага эга шакли, ушбу методнинг асосий хусусияти тингловчи-бошқарувчиларни мавзуга тез киритиш ёки ўтилган мавзулар бўйича хуносаларга келиш. Метод аудиторияда бош жой ҳосил қилишдан иборат бўлиб, тингловчилар доира бўлиб ўтирадилар, доира ўртасида эса стул туради, стулда ўтирадиган иштирокчи ўқитувчи билан маълум бир мавзу бўйича мунозара олиб боради; ушбу методнинг яна бир вариант – бўш стул рўпарасида таклиф килинган эксперт ўтиради¹.

7) **Дебат (муҳокама)** – иштирокчилар – икки ёки ундан ортиқ бир-бирига қарама-қарши, рақиб жамоалар (гурухлар)нинг расмийлаштирилган муҳокамаси. Ушбу таълим технологияси воқеаларни таҳлил қилиш, фикрни муҳокама қилинаётган муаммога жамлаш, маълумотни тўплаш ва унга ишлов бериш, уни қўллаш имкониятларини ижодий англаш, ушбу муаммо бўйича ўз нуқтаи назарини белгилаш ва уни ҳимоя қилиш, қабул қилинган қоидалар ва умумий фаолият таомиллари асосида гурухда ўзаро ҳамкорликка риоя қилишга асосланади. Муҳокама иштирокчилари мисоллар, фактларни келтиради, ахборотни мантиқан исботлайди, тушунтиради ва х.к. Муҳокамалар таомили шахсий баҳоларга, фикрларнинг ҳис-ҳаяжонли ифодаланишига йўл кўймайди. Мавзуга алоҳида иштирокчиларнинг муносабати эмас, мавзунинг ўзи муҳокама қилинади.

Муҳокаманинг мунозарадан асосий фарқи қуйидагича: бу кўйилган саволга бир маъноли жавоб – ха ёки йўқ жавобини олишга бағишлиланган давра сухбатининг шаклидир. Бунда бир гурух (тасдиқловчи) ижобий жавоб тарафдори, иккинчи гуруҳ эса (инкор этувчи) салбий жавоб тарафдори ҳисобланади. Ҳар бир гуруҳнинг ичida 2 та кичик гуруҳ ташкил топиши мумкин, биттаси – далилларни излайди, иккинчиси – қарши далилларни ишлаб чиқади.

¹ Абрамова Г.С., Степанович В.А. Деловые игры: теория и организация (руководство практического психолога). – Екатеринбург: Деловая книга, 1999.

7) Коллоквиум – бу муаммолар доирасини ўқитувчи раҳбарлиги остида муҳокама қилиш усулидир, айни пайтда бу тингловчилар томонидан мустақил ишлаб чиқилган ўқув материали ёки мавзунинг бир неча мунозарали бўлимлари муҳокамаси бўлиши мумкин. Коллоквиум ўқитувчининг талаба билан индивидуал сухбати шаклида ёки гурӯхли муҳокама шаклида ўтказилади.

Гурӯхли муҳокама жараёнида таълим олаётган бошқарув ходимлари фан бўйича машғулотларда ўзлаштирган билимларини кўллаган ҳолда муаяйн масала бўйича ўз фикрини билдиришга, уни асослашга ўрганадилар. Таълим олаётган бошқарув ходими ўз фикрларини ҳимоя қилас экан ўтилган материални қанчалик чуқур ва онгли ўзлаштирганини намойиш этади. Бу бир пайтнинг ўзида ҳам назорат шакли, ҳам оғзаки имтихон турларидан бири ҳисобланади.

8) Ақлий ҳужум (ақлий ҳужум, brain storming) – ижодий фаолликни рағбатлантириш асосида муаммони ҳал қилишни жонлантириш, бунда таълим олаётган бошқарув ходимларига муаммо ечимининг энг кўп сонини, шу жумладан, реалликдан узоқ бўлган ечимларни билдириш таклиф қилинади. Ундан сўнг билдирилган ғояларнинг умумий сонидан амалиётда кўлланилиши мумкин бўлган энг мослари танланади. Кўп ташкилотларда ушбу усулдан турли-туман вазифаларнинг ечимини топиш мақсадида кенг кўлланилади, одатда иложисиз ёки муаммоли вазиятларда фойдаланилади. Ақлий ҳужумда иштирокчиларда ғоялар пайдо бўлиш жараёнини фаоллаштиришга қаратилган усуллардан фойдаланилади:

- а) инверсия – «тескари қилиб бажар»;
- б) аналогия – «бошқа масалада қандай килган бўлардинг, шундай бажар»;
- в) фантазия – «нореал, фантастик бирор нарсани бажар»;
- г) эмпатия – «ўзингни масаланинг бир қисми деб ҳисоблашни бошла, ҳис қилишга ҳаракат қил, қандай хаёллар ёки фикрлар туғилганлиги ҳақида ўйлаб кўр».

Ақлий ҳужум методи уч босқичдан иборат:

Биринчи босқич: муаммо аникланади, бошқарувчи ва бошқа роллар тасдиқланади. Ғоялар генератори гурухи билан ўтказилади (5 – 10 кишидан), унга креатив, ижодий фикрлайдиган, ташаббускор ва фаол ақлий қобилиятта эга тингловчи-бошқарувчилар киради.

Иккинчи босқич: ушбу босқичда мунозара вақтида берилган мавзу бўйича кўпгина ғоя ва фикрлар пайдо бўлади, ҳар қандай танқид ва шубҳалар бартараф қилинади, бу босқичнинг мақсади – иложи борича, кўпроқ ғоялар топиш, уларнинг ҳаммаси ҳам мантиқий бўлмаслиги мумкин.

Учинчи босқич: таҳлилий тафаккурга эга тингловчи-бошқарувчилар орасидан эксперплар гурухини яратишдан иборат. Уларнинг вазифаси – иккинчи босқичда келтирилган ғоялардан қайси бири муҳокама қилинаётган мавзу учун аҳамиятлилигини аниқлаш.

9) Мастер-класс (маҳорат дарси) – бу концептуал жиҳатдан янги муаллифлик ғоясини узатиш технологиясидир. Ўқитувчи ўз касбининг устаси сифатида қатор йиллар давомида ўз ичига мақсадни белгилаш, лойиҳалаш, маълум дидактик ва тарбия усуллари, машғулотлар, тадбирлар, ўз «Янгилик (ноу-хау)»ларини қамраб олувчи индивидуал (муаллифлик) услубиётини ишлаб чиқади, тингловчиларнинг турли тоифалар билан ишлаш бўйича реал шартшароитларни хисобга олади ва ҳ.к. Маҳорат дарсининг фаолияти шакли муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ўз касбий фаолияти услубига боғлик бўлиб, бу машғулотни олиб бориш бўйича умумий схема қурилишининг бошлангич таянч нуқтасини белгилаб беради. Маҳорат сабоқлари таълим олаётган бошқарув ходимларининг ўз шахсий йўналишларини белгилаб олишига, маданий дид ва қизиқишлирини шакллантиришга кўмаклашади. Мастер-класс метод сифатида бир нечта тавсифларга эга:

- кичик гурухларда мустакил иш;
- иштирокчиларни жараёнга киритиш учун шароитлар яратиш;

- тингловчи-бошқарувчиларнинг ижодий потенциалини очиб берадиган усуллардан фойдаланиши;
- иш шакли иштирокчилар томонидан қабул қилиниши лозим, уларни мажбурлаш керак эмас;
- билиш жараёни билимларнинг ўзидан муҳимроқ;
- жараёнда факат ўзаро таъсир шакллари амалга оширилади – кооперация, ҳамкорлик ва ижодий ҳамкорлик.

Мастер-класснинг муҳим мақсади тингловчи-бошқарувчиларнинг ижодий потенциалини очиб бериш, уларни касбий, интеллектуал ва эстетик тарбиялаш.

10) Вебинарлар: онлайн ва оффлайн. Онлайн-вебинар – бу ахборот-коммуникация алоқаси, яъни Интернет ёрдамида ўтказиладиган ўкув машғулотни ташкил қилиш шакли. Мазмунига кўра, вебинар ўқитишнинг нофаол шаклини билдиради (бир томонлама коммуникация), компьютер технологияларининг ривожланиши эса тингловчиларни ва ўқитиш жараёнини фаол тарзда ўтишини таъминлайди, тингловчи-бошқарувчиларни, ўкув жараёнига интерактив функцияларни киритган ҳолда жалб қиласди. Тингловчи-бошқарувчиларда эмоционал-мотивацион ва когнитив (билишга оид) даражаларида фаоллашиш кузатилиши мумкин¹.

Онлайн-вебинарларда ўзаро таъсирнинг турли хил шаклари кўлланилиши мумкин, масалан, веб-конференциялар, VoIP (реал вақт тартибидаги аудиалоқа), узоқлашган иш столи (ўқитувчининг компьютер экрани тингловчилардан узоқлашган ҳолда бўлиши ҳамда тингловчилар компьютерни қисман бошқара олиши мумкин), форумлар ва матнли чатлар, whiteboard (изоҳлар ва фикрлар учун мўлжалланган электрон доска), E-Learning ва бошқалар.

Оффлайн-вебинар – вебинарнинг бир тури, ўқитишнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилган ҳолда ташкил қилинган шакли, аммо онлайн-вебинардан фарқли равишда, ушбу вебинар тури тартиб (режим)нинг

¹ Абрамова Г.С., Степанович В.А. Деловые игры: теория и организация (руководство практического психолога). – Екатеринбург: Деловая книга, 1999.

асинхронлигини назарда тутади (яъни ўқитиш «реал вақтда»). Оффлайн-вебинардан тингловчи-бошқарувчилар ўқув материали ва қўшимча маълумотни ўзлаштиришлари учун, ўқитувчиларнинг вақт ресурслари чегараланган пайтда фойдаланилади. Кафедра керакли малакага эга ўқитувчилар билан таъминлай олмаса, оффлайн-вебинарларга мурожаат қиласди. Интернет-платформага барча ўқув маълумотлари тизимлаштирилган ҳолда дастур бўйича киритилади (видеомаърузалар, аудиоёзувлар, тақдимотлар, адабиётлар ва х.к.). Саволлар туғилганда тингловчилар курс муаллифи га хабар ёзиб беришлари ёки мунозара ташкил қилишлари мумкин¹.

Ушбу параграфда таълим сифатини ошириш омилларини аниклаш мақсадида таълим тизимиға замонавий интерфаол усулларни жорий қилиш муаммоси таҳдил қилинди. Бу турдаги муаммонинг ҳал қилиниши давлат идоралари учун малакали бошқарув кадрларини тайёрлашга кўмаклашади.

2.4. Бошқарув кадрларида раҳбарлик одоби ва бошқарув маданиятини шакллантиришнинг ўзига хос ҳусусиятлари

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ислоҳотлар жадал амалга оширилмоқда. Бу – мамлакатимиз тарихида янги бир босқич бошланганидан дарак бериб, ҳаётимиз янада жўшқин тус олди десак хато қилмаймиз. Бу янгиланишлар таъсирида давлат бошқаруви тизими, давлат хизмати институтининг амал қилиши ўзариши ҳам ортиқча изоҳ талаб қилмайди. Таъбир жоиз бўлса, бугунги кунда давлат бошқаруви билан баглиқ ислоҳотлар алоҳида долзарблиқ касб этганини бутун жамият ҳис қилмоқда.

¹ Вальдхер Ф., Вальтер К. Дидактика и практика. Идеи и методы для преподавания в ВУЗах. Изд. Schäffer-Poeschel Verlag, Stuttgart. 2009.

Ҳозирда давлат бошқаруви тизимини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Бирок ҳали бу соҳа замонавий талабларга жавоб берадиган даражагача кўтарилигани йўқ. Ҳозирги кунда давлат томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини юксак даражада, деб эътироф этишга ҳали эрта. Бошқарув кадрларининг жамиятдаги нуфузи давлат хизматларининг сифатига бевосита боғлиқ эканини ҳам тан олиш керак.

Айни пайтда, жамият ҳаётининг бошқа соҳаларидан фарқли ўлароқ, давлат бошқаруви ўзига хос бир хусусиятга эга: бу тизимдаги ислоҳотлар айнан шу тизимда ишлайдиган инсонлар томонидан амалга оширилади. Бу эса давлат бошқаруви тизимида банд кишилар, яъни бошқарув кадрларининг қадриятлари, манфаат-эҳтиёжлари, ҳаётий мақсадларига алоҳида эътибор қаратишни талаб этади. Зоро, бу ислоҳотлар натижасида уч тараф: ҳам жамият, ҳам давлат, ҳам мансабдор шахслар фойда, манфаат топиши керак. Айниқса, фуқаролар давлат бошқарувидаги ижобий ўзгаришларни, давлат идоралари фаолияти самарадорлиги ортганини ҳис килишлари керак.

Тан олиш керак, бир неча йил аввал бошқарув жараёнлари ҳақида гап кетганида раҳбар ахлоқи, бошқарув одоби, давлат бошқарувида қадриятлар масаласи кўтарилилмоқда. Ташкилотни стратегик ривожлантиришда ахлоқдан муҳим ресурс сифатида фойдаланилмоқда. Айрим идораларда ахлоқ ташкилотнинг номоддий активи сифатида тан олиниб, унинг имкониятларидан самарали фойдаланиш масаласи кўндаланг бўлмоқда. Шу тариқа бошқарув кадрлари ахлоқ-одоби улар касб малакасининг узлуксиз қисми сифатида тан олинмоқда. Раҳбар кадрлардаги виждонлик, ҳалоллик, адолатпарварлик, масъулият каби ахлоқий сифатлар эса давлат билан ҳалк ўртасида ўзаро ишонч муносабатларининг ўрнатилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бошқарув одоби – янги билим соҳаси бўлиб, «Этика» фанининг айрим назарий қоидаларини бошқарув жараёнларида татбиқ қилишни назарда тутади. Бошқача айтганда, бу фан бошқарув амалиётининг ахлоқий асосларини таҳлил қилиш ва тизимлаштиришга хизмат қилади. Аслида, «Этика» ахлоқ-одоб ҳақидаги назарий, фалсафий фан ҳисобланади. Бу фан доирасида инсоний фазилатлар ўрганилади, уни аксиология, яъни ҳаёт мазмуни ва қадриятлари ҳақидаги таълимот сифатида ҳам талқин қиласилар. Бундан ташқари, «Этика» ижтимоий ҳаётни тартибга солувчи универсал ва ўзига хос ахлоқий талаблар ва феъл-автор меъёрлари тизими сифатида ҳам тавсифланади. Кўп асрлик ривожланиш натижасида «Этика» жамият маънавий ҳаётини билиш фалсафасига айланди.

«Этика», «одоб», «ахлоқ», «маънавият» тушунчалари маъно жиҳатидан яқин бўлиб, мулоқотда қўпинча синоним сифатида қўлланилади. Шундай бўлса-да, этика ахлоқ-одоб, маънавият ҳақидаги билимлар тизимини ўзида ифодаласа, ахлоқ-одоб – жамият томонидан маъқулланадиган меъёрлар, қоидалар ва фазилатлар йигиндиси сифатида намоён бўлади, одоблилик эса – инсонларнинг реал ҳатти-ҳаракатларида ўз ифодасини топади.

Бошқарув одобига чукур тўхталишдан аввал, «одоб» атамасининг мазмунига ойдинлик киритиш мақсадга мувофиқ. «Одоб» сўзи арабча «маъдаба» ўзагидан олинган бўлиб, «адаб» сўзининг кўплиги маъносида қўлланилади. Тилимизда «одоб» тарзида талаффуз қилинадиган «адаб» сўзи, аслида, яхшиликка чақиришни англатади. Бошқа бир таърифларда адаб жамиятда эътироф этилган хулқ меъёрларига амал қилиш сифатида эътироф этилади. У шахс маънавий ҳаётининг ташки жиҳатини ифодалаб, ўзаро муносабатда, оилада, меҳнат жамоасида намоён бўлади.

Ахлоқий тамойиллар, меъёрлар, тарбияланганлик дараҷаси ва эстетик идеал талаблари одобнинг асосини ташкил этади. «Одоб» кишининг жамоада ўзини тутиши, одамлар билан муомала қилиши, турмуш тарзи, бўш вақтини таш-

кил этиши, ички ва ташқи олами қандай бўлиши лозимлигига оид қоидаларни ўз ичига олади»¹. Одоб доираси шу қадар кенгки, у инсонга боғланган барча нарсаларда намоён бўлади. У оддий нарсалар, масалан, саломлашиш одобидан тортиб, то хизмат одобигача жараёнларни қамраб олади.

Одобнинг яхшиликка чақириш маъноси бошқарув жараёнларида, раҳбарлик фаолиятида айникса муҳим аҳамият касб этади. Зеро, раҳбар кадрлар ҳар куни кўплаб кишиларга рўбарў келадилар, улар билан муомала қиласидилар, муносабат ўрнатадилар. Агар хушбулқ ва маданиятли раҳбарларнинг муомаласидан кўнгиллар кўтарилса, айрим бадхулуқ, кўпол кимсаларнинг муомаласидан одамлар ранжийди, дили оғрийди. Бошқарув одоби ана шундай кишиларнинг хулқарини тузатишга, одамлар билан муносабатларда раҳбар кадрларнинг комил одобларини намойиш қилишга унрайди, бунга кўмаклашади. Шу тариқа, бошқарув одоби **мансабдор шахсларнинг ҳалқ вакиллари** билан муносабатларида намоён бўлади.

Бошқарув одоби – ташкилотда инсонларни бошқариш маданияти бўлиб, инсон қадр-киммати ва шаънини ҳурмат қилишга асосланган ҳолда ташкилот мақсадларига эришишни таъминлайди. Таъбир жоиз бўлса, бошқарув одоби **раҳбар билан ҳодим** ўргасидаги ўзаро муносабатлар маданиятини ўз ичига олади. Бу муносабатлар ҳалоллик, адолат, масъулият, виждонлилик, инсон қадр-кимматини ҳурмат қилиш, ишга садоқат, бурчдорлик, ташкилот доирасидаги ҳамжиҳатлик, инсонлараро бирдамлик тамойилларига асосланади.

Яна бир талқинга кўра, бошқарув одоби ташкилотнинг фаолият дастурлари, лойиҳалари, ахлоқ кодексларида моддийлашади ҳамда қарор қабул қилишдаги **ахлоқий танловни** назарда тутади. Бу жиҳатдан, бошқарув одоби муайян ахлоқий танлов вазиятида самарали қарорлар қабул қилиш усули сифатида намоён бўлади. Бундан ташқари, бошқарув одоби тамойиллари раҳбар кадрларни жамиятда

¹ Маънавият: асосий тушунчалар изоҳи lugati. – Т.: Гафур Гулом номидаги нашиёт-матбаа ижодий уйи, 2009, 447-бет.

қабул қилингандын феъл-атвор мөштілдер, маданият аңыналар, шунингдек, ташкилотнинг ахлоқ-одоб кодекси, касб этикасыга амал қилишгә ундайди.

Ахлоқ-одоб кодекси бир пайтнинг ўзіда бир нечта вазифаны бажаради. Хусусан:

- жамоавий шартнома шакли сифатида;
- ишонч, келишув ва муваффакияттарға эришишни таъминлайдиган мажбурияттарни ихтиёрий равищда ўз зимасига олиш;
- ташкилотнинг узоқ мұддатлы мақсалари ва қадрияттарини аниклаشتырыш воситаси;
- самарали бошқарув ва хизмат одоби андозаларини жөрій этиш механизми сифатида намоён бўлади.

Демак, бошқарув ахлоқи ташкилот аъзоларининг феъл-атвори ва ўзаро муносабаттарини тартибга солишининг ахлоқий усул ва механизмларини ўзіда ифодалайди. Улар куйидагилардан иборат:

- ташкилотнинг ахлоқий қадриятлари тизимини яратиш;
- ташкилотнинг Ахлоқ кодексини ишлаб чиқиш ва жөрій этиши;
- ташкилотда корпоратив таълимдан фойдаланиш орқали ташкилот аъзоларида ижтимоий масъулиятни шакллантириш.

Шундай қилиб, ахлоқ-одоб самарали бошқарувнинг мұхим ресурсы саналади. Ижтимоий маъқулланадиган мөштілар, феъл-атвор қоидалари тизимини ўз ичига олган ахлоқ инсоний муносабаттарни тартибга солишига, жамиятнинг омон қолиши ва ривожланишига йўналтирилган бўлади. Раҳбарлик фаолиятида ҳам жамиятда қабул қилингандын ахлоқий мөштілардан ташқарига чикмаслик, ижтимоий маъқулланган феъл-атвор андозаларига амал қилиш мұхим саналади. Бу жиҳатдан ахлоқий мөштілар бошқарув кадрлари устидан жамоат назорати ўрнатишнинг самарали инструментига айланади.

Ташкилий маданият ташкилотдаги одамлар нима иш қилаётгандыгини эмас, ишни қандай қилаётгандыгини кўрса-

тади. Ташкилий маданиятни ўзида ифодаловчи ҳамкорлик услуги қадриятларга таянилган асосга эга бўлади. Ташкилий маданият – ташкилот доирасида гурухлар ва шахсларнинг ҳамкорлиги усулини ўзида ифодалайдиган қадриятлар, меъёрлар, маслаклар тизимири.

Қадриятлар инсон эҳтиёжлари тизимининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Щунинг учун олимлар ташкилий маданиятни асосий қадриятлар негизида қарор топтиришни таклиф этадилар. Ташкилий маданият ташкилотда ўзаро ишонч ва умумий натижаларга эришишдан манфаатдорлик мухитини шакллантиради. Ташкилий маданият беносита ёки билвосита равишда:

- иш кўрсаткичларида;
- ишчи-ходимларнинг касб малакасида;
- ташкилотнинг рақобатбардошлигига;
- инновацияларда;
- иш сифатида;
- буюртмачига кўрсатиладиган хизматда;
- жамоанинг фаолиятида;
- инсонларга ғамхўрларча муносабатда намоён бўлади.

Ташкилий маданиятни мустаҳкамлаш учун америкалик психолог Э.Шейн қуидагиларга:

- раҳбарлар нимага эътибор қаратагётгани ҳамда улар нимани ва қай тарзда ўлчаётгани, назорат қилаётганига;
- раҳбарларнинг муҳим воқеа-ҳодисалар ва инқизорзларга қандай муносабат билдираётганига;
- ролларнинг тақсимланиши, ходимларни ўқитиш ва уларга кўрсатма-топшириқлар беришнинг қай даражада пухта ўйланганлигига;
- мукофотни тақсимлаш ва мақомни ўзгартириш мезонларига;
- ишга қабул қилиш, саралаш, мансаб пиллапояларидан кўтариш мезонларига эътибор қаратишни тавсия қилади¹.

¹ Громова Л.А. Этика управления. – Санкт-Петербург: Изд-во РГПУ им. А.И.Грецена. 2007. – С. 84.

Маълумки, маънавий қадриятлар инсоннинг атроф дунё билан мулоқоти давомида шаклланадиган ахлоқий устуворликни ўз ичига олади. Улар инсоннинг манфаатлари, эҳтиёжлари, мотивларини ўзида акс эттиради. Шундай экан, «бошқарув жараёнида қандай маънавий қадриятлар устуворлик қилиши керак?», деган ўринли савол туғилади. Бу саволга жавоб топишдан аввал Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг нуткларига мурожаат қилиш ҳамда раҳбарлар фаолияти билан боғлиқ танқидий фикрларга зътибор қаратиш зарур.

Биринчидан, айрим идоралар ва уларнинг раҳбарлари реал ҳаётдан ва ҳалқ эҳтиёжларидан маълум даражада узилиб қолмоқда. Иккинчидан, раҳбарлар аҳоли шикоятларини кўриб чиқишида масъулиятсизлик, ортиқча расмиятчилик, юзаки ёндашувга йўл қўйиб, одамларни бездирмоқда. Учинчидан, мансабдор шахсларнинг одамлар эҳтиёжи ва ҳақли талабларига бефарқлиги, уларнинг мурожаатларига панҷка орасидан қараши, ҳаракатсизлиги оқибатида такорий мурожаатлар сони ортиб бормоқда. Тўртинчидан, айрим идоралар қуруқ рақам ва маълумотлар тўплаш билан овора бўлмоқда, силлиқ ҳисоботларнинг орқасидан қувиб, ишни кампаниябозликка айлантироқда. Бешинчидан, идораларда соҳадаги аҳволни чуқур таҳлил қилиб, камчиликларни тизимли равишида аниқлаш ҳамда бартараф этишига қаратилган фаолият йўлга қўйилмаган. Олтинчидан, тармоқ ва ҳудудларни ривожлантириш концепциялари ва дастурларини ишлаб чиқишида юзаки ёндашувга йўл қўйилмоқда. Еттинчидан, пала-партиш таклифлар бериш ва шошма-шошарлик билан қарорлар қабул қилиш ҳолатлари учрамоқда. Саккизинчидан, айрим тузилмалар раҳбарлари ўз вазифаларини фақатгина назорат қилиш ва бошқаларни жазолашдан иборат деб билмоқда. Тўққизинчидан, бандлик муаммоларини ҳал этишида расмиятчиликка йўл қўйишиб, эскирган шакл ва усуллардан фойдаланилмоқда. Ва ниҳоят, аксарият топшириклар белгиланган муддатларни

кўпол равищда бузган ҳолда бажарилмоқда, иш сифати ҳам аксарият ҳолатларда оқсамоқда¹.

Хўш, бошқарув кадрларида қандай ахлоқий қадриятларнинг устувор бўлиши улар фаолиятидаги бундай камчиликларни камайтиришга хизмат қилган бўлар эди?

Эзгулик – воқеа-ҳодисалар ва муносабатларнинг ижобий қадр-кимматини англатувчи тушунча. Эзгулик ҳақидаги тасаввурлар ўзгариб боради ҳамда жамият ва инсон маданияти даражасини ўзида ифодалайди. Барча даврларда моддий ва маънавий неъматларнинг нисбати ҳамда уларнинг қадр-киммати муаммоси долзарб бўлиб келган. Яхшилик – этика категорияларидан бири бўлиб, хушхулқилик ва ахлоқизлиқ ҳақидаги тасаввурларни фарқлашга хизмат қиласди. Бу тушунча кўпчилик томонидан кўллаб-куватланадиган мақбул феъл-атворни баҳолаш мезони бўлиб хизмат қиласди. Эзгулик сингари «яхшилик» ва «ёвузлик» тушунчалари вакт, маданият ва кишиларнинг маънавий тажрибасига мутаносиб равищда ўзгариб боради.

Бурч – шахс феъл-атворининг барча мотивлари орасидаги энг софи, асли, бегуборидир. И.Кант бурчга қуидаги чача таъриф берган: «Бурч – конунга ҳурмат нуқтаи назаридан ҳаракат қилиш заруратидир»². Одамзоднинг ижтимоий табиати шунда намоён бўладики, у қоникиш, ҳузур-халоват топиш мақсадида эмас, ахлоқий қоидаларга риоя қилишга бўлган онгли эҳтиёжи туфайли бурч талабига амал қиласди. Бошқарув кадрлари бурчга амал қилиш ва вижданан ҳаракат қилиш фойдасига карор қабул қилиши зарур. Бунда бурч жамиятдаги ахлоқий қоидалар ва олий мақсадларга амал қилиш зарурати сифатида намоён бўлади.

¹ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришининг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иктиносидий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига багишланган Вазирлар Маҳкамасининг кентгайтирилган мажлисидаги маъруза. 2017 йил 14 январь. – Т. «Ўзбекистон», 2017, 5-54-бетлар.

² Кант И. Основы метафизики нравственности // Соч.; В 6 т. Т. 4. Ч. 1. – М., 1965. – С. 236.

Виждон – инсоннинг ўз фикрлари, истаклари, хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш, улар юзасидан мулоҳаза юритиш, ўз-ўзига баҳо беришга қодирлигига ифодаланади. Виждон инсондаги инсонийлик кўрсаткичи ҳисобланади. У шундай ички гувоҳ вазифасини ўтайдики, ундан паноҳ топиш, яшириниш мумкин эмас. Виждон – шахснинг тарбияси ва ўзини ўзи камолга етказиши маҳсулидир. Кўплаб мутафаккирлар инсоннинг маънавий-ахлоқий камолотини кучли виждон билан боғлайдилар. Улар виждон, бурч ва масъулият ўртасидаги бевосита боғлиқлик борлигини уқтирадар эдилар.

Эътибор берадиган бўлсак, ахлоқий механизмлар феъл-авторни тартибга солища мухим аҳамият касб этади. Улар узоқ йиллик тараққиёт натижасида шаклланиб, сайқал топганини ҳам тан олиш лозим. Асосан, кўркув ва уят ҳисси устувор бўлган даврларда бошланган эволюция охир-оқибат виждон азоби, масъулият ва бурчни англашгача етиб келган. Инсоний маданият эндиғина шаклланаётган пайтда ахлоқнинг ибтидоий, жўн талаблари устуворлик қилган. Улар, асосан, табу, яъни тақиқлар шаклида амал қилган. Бу тақиқлар инсонларда, асосан, кўркув уйғотган. Айнан жамиятдан бадарга қилинишдан ҳайикиш туфайли инсонлар тақиқларга сўзсиз амал қилганлар. Чунки бу тақиқларга итоат қилмаслик яхлит жамият доирасида яшашга таҳдид туғдирган. Уят эса қайсиdir ахлоқий меъёрларни бузганлик учун айборлик туйгусида намоён бўлган. Шу сабабли уят ҳисси инсон феъл-авторини ва ўзаро муносабатларни тартибга солишининг мухим механизми бўлиб хизмат қилган. Ҳар ҳолда жамоани бошқаришда ҳали-хануз изза қилиш усулидан фойдаланилаётгани бежиз бўлмаса керак.

Вақт ўтган сари ҳиссиятлар сайқал топган. Туйгулар ривожланган сари инсон жамиятда яшашдан хузур топа бошлаган, ўзига ўхшаш инсонлар орасида яшашдан мамнуният ҳиссини туйган. Бир жамоа доирасида яшаш, ўхшаш таас-суротларни бошдан кечириш, жамоавий ютуклардан ғалаба нашидасини бирдамлиқда туйиш каби ҳолатлар инсонлар-

да ҳамдардлик туйгусининг ривож топишига сабаб бўлган. Яқинларига ҳамдард бўлиш, атрофдагиларига раҳм-шафқат кўрсатиш хислати бошқалар томонидан маъқулланиш, кўллаб-кувватланиш истаги билан уйғунлашган. Дарвоқе, қайғудошлиқ ва бошқаларнинг дардига малҳам бўлишга интилиш ҳозирги кун раҳбарларида, айниқса, ривожланган бўлиши керак.

Инсоннинг ахлоқий қоидалар билан танишуви ва уларни қабул қилиши шахснинг ижтимоийлашуви жарёнида, унга таълим-тарбия бериш давомида шаклланади. «Эзгули»¹ ва «ёвузлик» тушунчалари ахлоқий қоида ва таъмойиллар билан белгиланади. Масаланинг муҳим жихати шундаки, инсон истаса, ахлоқий қонун-қоидаларга амал қиласди, хоҳласа уларни рад этади, яъни инсон бу танловда эркин бўлади. Шунинг баробарида, инсон ахлоқий қоидаларни писанд қилмаса, уларга амал қилмаса, у муқаррар равишда ахлоқий жазога маҳкум бўлади. Бу жазо – виждан азоби, айборлик ҳисси, уят туйгуси ёхуд жамоатчиликнинг тъяна-маломатига қолиш шаклида намоён бўлиши мумкин. Мабодо, инсоннинг бирор ножӯя ҳаракатини бошқалар сезмай қолсалар ҳам, у ўз ҳаракати билан дунёда ёвузликнинг кўпайишига ҳисса қўшади. Энг ёмони, бу инсон бугунча ўз ҳаракатидан зарар кўрмаса-да, эртами-кечми унинг ўзи ёки унинг яқинлари бу нарсадан жафо чекадилар.

Конфуций томонидан ахлоқнинг бу олтин қоидаси күйидагича ифодаланган: «Ўзингга раво қўрмаган нарсани ўзгаларга ҳам раво қўрма»¹. И.Кант томонидан илгари сурилган ахлоқий қоидалардан бири шундай кўринишга эга: ўз ҳаракатларингда ўзингта ҳам, бошқаларга ҳам мақсад сифатида қара, воситага қарагандек қарама». Юкорида зикр этилган қоидаларга раҳбар кадрлар ўз фаолиятида катъий талаб тарзида амал қилиши зарур.

Раҳбарлик маънавияти, бошқарув фаолияти билан ахлоқ-одоб қоидаларининг боғликлиги ҳақида гап кетганида

¹ Цитаты известных личностей. <https://ru.citaty.net/tsitaty/468602-konfutsii-buduchi-vne-domu-derzhite-sebia-tak-slovno-vy-prini/>

қатор саволлар туғилади. Жумладан, «Этика» фани доира-сида ўрганиладиган назарий таълимотларни бошқарув амалиётида кўллаш орқали фаолият самарадорлигини ошириш мумкинми? Бошқарув фаолиятида ахлоқнинг тартибга со-лувчи кучидан қандай оқилона фойдаланиш мумкин? Ушбу саволларга жавоб беришдан аввал кўп йиллар давомида бу масалага доир янгиш бир фикр устувор бўлганини тан олишимиз керак. Унга кўра, ахлоқ ва самарадорлик – бир-бирига тўғри келмайдиган, бир-бирига зид тушунчалар-дир. Ваҳоланки, ҳозирги кунда қатор мутахассисларнинг таъкидлашича, муайян шароитларда ахлоқ ҳамкорликдаги фаолият самарадорлигини оширишнинг муҳим ресурси бўла олади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ҳар қандай ахлоқий қоидага самарадорлик нуктаи назаридан ёндашиш мумкин. Зеро, ахлоқий қоидалар доирасида амалга оширилган иш-ҳаракат жамият учун максимал юқо-ри қадриятий қийматга эга натижаларга эришиш имконини беради.

Хўш, бошқарув кадрлари учун ахлоқий минимум қандай бўлиши керак? Бу саволга жавоб топиш учун Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг раҳбар кадрларга қўяёт-ган талабларига тўхталиш, уларга таяниш муҳим аҳамият касб этади.

Энг аввало, Давлатимиз раҳбари томонидан ҳалқимиз ҳамма нарсадан устун қўядиган адолат туйгусини кенг қарор топтириш вазифа сифатида илгари сурилди. Раҳбар кадрлар учун адолат ҳаётий эътиқодга айланиши зарурлиги қайд этилмоқда¹. Демак, бошқарув кадрларида кучайтирилиши талаб этилаётган ахлоқий тамойил – **адолатлилик**дир. Адолат жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган қадриятдир. Адолат – иш-ҳаракат билан ажр-мукофотнинг

¹ Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағиши-ланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутки (14.12.2016) <https://president.uz/uz/lists/view/111>

мос келиши талабидир. Хусусан, ҳуқук ва бурч, меҳнат ва мукофот, хизмат ва эътироф, жиноат ва жазо ўртасидаги мутаносиблик адолатни таъминлайди. Бундай мутаносибликнинг йўқлиги эса адолатсизлик сифатида баҳоланади. Бу жиҳатдан адолат талаб билан тақдирлашни ўлчаб турадиган тарози вазифасини ўтайди. Айни пайтда, адолатда икки жиҳат – ҳам ахлоқий, ҳам ҳуқуқий талаблар мужас-самлашганини эътироф этиш лозим.

Аристотель адолатни жамики неъматларни жамият аъзолари ўртасида одамларнинг қилган иши ва хизматларига мутаносиб равишда тақсимлаш усули сифатида талқин қилган эди¹. Роулз эса адолатнинг замонавий таърифларидан бирини илгари суради. У икки хил адолатни ажратади. Биринчиси – барча учун бирламчи имкониятлар тенглигининг таъминланишидир. Иккинчиси эса – эришилган натижалар тенгсизлигини ахлоқий нуқтаи назардан оқлаш билан боғлиқ. Бошқача айтганда, Роулз инсонларнинг муваффакият козониш, бойиб кетиш, эътироф этилиш, машҳурликка эришишдаги тенгсизлигини оқлади. Фақат бунда битта шартни илгари суради – ушбу ютуқларга бошқаларнинг фаровонлиги эвазига эришиш мумкин эмас, бу ютуқлар бошқалар фаровонлигининг камайишига олиб келмаслиги керак². Таъбир жоиз бўлса, Амир Темур бобомизнинг ҳам адолатни кучга айлантириб, қудратли давлат барпо этганлиги раҳбарларга ибрат бўлиши керак.

Президентимиз томонидан иқтисодиётимизнинг баркарор ўсишини таъминлаш вазифаси илгари сурилмоқда. Бу вазифа аниқ рақам шаклини ҳам олган: 2030 йилгача ялпи ички маҳсулотни 2 баробардан зиёд кўпайтириш зарур. Бу ислоҳотлардан кўзланган мақсад битта – халқимизни **ҳаётдан рози қилиш**, бой қилиш. Чунки Президентимиз таъбири билан айтганда, «Халқ бой бўлса,

¹ Аристотель. Никомахова этика. Пер. Н. Брагинской. – Аристотель. Сочинения: В 4 т. Т. 4. – М., 1984. – С. 54 – 293.

² Роулз Дж. Теория справедливости. – Новосибирск: изд-во НГУ. 1995. – С. 84-85.

давлат ҳам бой ва қудратли бўлади»¹. Демак, бундан буён ислоҳотлар самараси аҳолининг моддий аҳволи ва фаронлигига қараб ўлчанади. Жайдари тилда айтганда, аҳоли дастурхони ва уй шароитига қараб, раҳбар кадрларнинг фаолиятига баҳо берилади. Демак, бошқарув кадрлари учун энг муҳим вазифа – халқимизни баҳтли қилиш, ҳаётдан рози қилиш.

Аслида, баҳт – ҳаётдан мамнунлик, ундан қаноатланиш туйгусидир. Мамнуният, фойда кўриш, кимгadir нафли бўлиш, муваффақият қозониш, эътирофга лойиқ деб топилиш, муносабатлардаги уйғунлик инсоннинг ўзини баҳтли ҳис қилиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Ҳаёт мазмuni – инсоннинг ўз тақдирни ҳақидаги тасаввурлари бўлиб, уларнинг ахлоқий-маънавий жиҳатдан оқланган бўлиши муҳим саналади. Ҳаёт мазмуни инсон идеаллари, орзу-умидлари билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Баҳтли яшашга ҳақли бўлиш инсоннинг ўзи интилаётган барча нарсада натижага эришишини билдиради, бироқ бу жараён ахлоқий қоидаларни ҳурмат қилиш асосига курилган бўлиши керак.

Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг раҳбарларга яна бир талаби танқидий таҳлил билан боғлиқ. Бунда давлатимиз раҳбари «ғалаба рапортлари» ва ҳисоботларга берилмасдан, асосий диққат-эътиборни мавжуд камчиликлар ва уларнинг илдизларини пухта таҳлил қилишга қаратиш зарурлигини уқтиради. Дарҳакиқат, раҳбарнинг вазифаси – ўзи масъул бўлган соҳа ва тармоқда ишларни танқидий баҳолаш асосида зиммасига юклатилган вазифаларни масъулият билан бажаришдан иборат бўлиши керак. Раҳбарликни фақат назорат қилиш ва жазолашдан иборат деб билиш калтабинликдир. Президентимиз таъбири билан айтганда, «фақат қамчи ва қилич билан ижобий натижалар-

¹ Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутки. <http://aza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleysi-20-09-2017>

га эришиб бўлмайди»¹. Бу борада профилактика ишларини самарали олиб бориш, муаммолар пайдо бўлмасидан уларнинг олдини олиш чораларини кўриш кутилган самарани бериши мумкин.

Рахбарларда ўз фаолиятини танқидий баҳолаш кўникмасини қарор тоғтириш ҳақида гап кетганида «баҳолаш» тушунчасининг ўзига ойдинлик киритиш зарур. Баҳолаш – шахснинг ахлоқий сифатлари қанчалик ривожланганини аниқлаш воситаси саналади. Бирор инсон, муайян гурӯҳ, қандайдир ташкилот ёки жамоатчилик фикри ташки баҳо субъекти бўлиши мумкин. Ахлоқ юзасидан мулоҳазалар, маънавиятга доир фикрлар, муайян хатти-ҳаракатлар, шахснинг сифатлари, инсонлараро муносабатлар баҳолаш предмети сифатида намоён бўлади. Баҳо беришда ахлоқдан ўлчов бирлиги сифатида фойдаланилса, бундай мулоҳазалар аксарият ҳолларда ҳиссий тусга эга бўлади, одамларда ёқтириш ёки хушкўрмаслик, ишонч ёки ишончсизлик муносабатларини ривожлантиришга таъсир кўрсатади. Ахлоқий рефлексия деганда, инсоннинг шахс сифатида ўзига ўзи баҳо бериши тушунилади. Бундай инсон ўз хатти-ҳаракатларини таҳлил қилишга ва уларга ахлоқ-одоб қоидалари нуқтаи назаридан баҳо беришга одатланган бўлади. Дарвोқе, «бошқарув кадрларида қандай кўникмаларни шакллантириш керак?», деган саволга жавоблардан бири, албатта, ахлоқий рефлексия билан боғлиқ бўлиши керак.

Тан олиш керак, ҳозирги кунда аксарият раҳбарларнинг фаолияти кундалик келиб тушаётган талабларга жавоб беришдан иборат бўляпти. Афсуски, улар ўз иш вақтининг ярмидан ортигини олдиндан режалаштирилган ишларга эмас, кундалик икир-чикир ишларни бажаришга сарфламоқдалар. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, давлат хизмат-

¹ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иктисодий ластурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Махкамасининг кенгайтирилган мажлисидағи маъруза. 2017 йил 14 январь. – Т.: «Ўзбекистон». 2017. 31-бет.

чиси, раҳбар кадрлар фаолиятини баҳолашнинг аниқ қоидава мезонларининг (КПИ) ишлаб чиқилиши ва ўрнатилиши вазиятни барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, барча бўғиндаги раҳбарлар ўз фаолиятининг якуний натижалари учун шахсан жавобгар бўлиши керак. Иш бирдамликда, жамоа бўлиб бажарилса-да, унинг натижаси учун ҳар бир раҳбар шахсан жавоб бериши талаб этилади. Аслида, **масъулият** тамойили инсон ўз хатти-харакатлари оқибатлари учун жавобгар бўлади, деган қоидага таянади. «Бу дунёда ҳеч нарса беиз қолмайди», деган ғоя ушбу тамойилнинг ўзагини ташкил этади. **Масъулият** аниқ, конкрет бўлади. Ҳамма нарсага жавобгар одам, билингки, ҳеч нарса учун жавоб бермайди. Шунинг учун ҳам иқтисодий, юридик, сиёсий, фуқаролик, экологик ва бошқа масъулият турлари ажратилади. Белгиланган масъулият доирасида қайсиdir мажбурият ва кўрсатмаларни бажармаганлик учун эса аниқ жазо чоралари белгиланган бўлади. Айни пайтда, инсон масъулияти фақат ташқи талаблар билан белгиланмай, унинг ахлоқий етуклиги билан ҳам белгиланади. Муҳими, масъулият шахс эркинлигининг табиий чекловчиси сифатида намоён бўлади.

Немис олими Макс Вебер масъулиятга асосланган ахлоқни ажратиб кўрсатган эди¹. Масъулият қоидаси ўз ҳаракатларининг олдиндан кўра билиш мумкин бўлган оқибатлари учун ҳам жазоланишни талаб қилади. Масъулият фақатгина ҳисобдорликдан иборат бўлмайди. Тўғри, кимдир ўз ҳаракатлари учун кимнингдир олдида масъул бўлади. Бироқ масъулият инсонлараро муносабатлар доирасида қарор топади. Бошқача айтганда, инсонлар ўзаро бир-бирининг олдида масъулиятли бўлади ва шунинг учун ҳам ахлоқий нуқтаи назардан муайян келишувга эришиш муҳим саналади.

Масъулият вақт билан ҳам бевосита боғлиқ бўлади. Раҳбар кадрлар бир пайтнинг ўзида ҳам илгари содир этилган

¹ Вебер М. Политика как призвание и профессия // Вебер М. Избранные произведения. – М.: Прогресс, 1990. – С. 679.

нарса учун, ҳам ҳозирда содир этилаётган нарса учун, ҳам келажакда содир бўлиши мумкин бўлган нарсалар учун жавобгар бўлади. Шунинг учун ҳам кўпинча бошқарув муаммолари бўйича ёзилган китобларда ҳали дунёга келмаган авлодлар олдидаги ахлоқий масъулият ҳақидаги фикрларни кўплаб учратиш мумкин. Демак, ҳар бир раҳбар ўз соҳасидаги ишларнинг аҳволи учун ўзи шахсан жавоб берishi керак. Шундагина жамиятимизда ўзгариш бўлади, ривожланиш бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг бошқарув кадрларига яна бир талаби – аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, унинг талабатклифларини, манфаат-эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ. Зоро, ҳалқ билан мулоқот ҳаётдаги муаммоларни ойдинлаштиради, давлатнинг **ҳалққа қайишишини** таъминлайди, ҳалқчил қарорлар қабул қилишга асос бўлади.

Таъкидлаш жоизки, инсоний жамият тараққий этгани сари алтруизм ва эгоизм сингари ахлоқий тушунчалар ҳам ривожланган. Эътибор берадиган бўлсак, ахлоқий механизmlар ҳам ана шу икки тушунчанинг ўзаро таъсирида шаклланади. Эгоизм (худбинлик) – инсон томонидан ўз шахсий манфаатларини олий қадрият деб билишга асосланган ҳаётий нуктаи назар. Худбин инсон ўз манфаатларини бошқа инсонларнинг манфаатларига зиён етказган ҳолда қондиришга ҳаракат қиласи. Худбинлар ўз атрофидаги инсонларга ўз шахсий манфаатларига эришиш йўлидаги бир восита сифатида карайдилар.

Эгоизмга қарама-қарши ўлароқ алтруизм бегараз хатти-ҳаракатларга ундовчи ахлоқий тамойил ҳисобланади. Алтруизм маънавий хокисорлик, фидолик ва инсонпарварликни ўзида ифодалайди. Алтруистнинг ҳаракатлари, одатда, бошқа инсонларнинг хоҳиш-истакларини қондириш ва уларга яхшилик қилишга йўналтирилган бўлади. Бу атама эгоизмга қарама-қарши тушунча сифатида социолог олим Огюст Конт томонидан илмий мулоқотга киритилган. Олимнинг фикрича, «бошқалар учун яшаш», «ўз ҳаётини бошқаларга багишлиш» қоидаси алтуризм тамойилининг

ўзагини ташкил этади. Бу тамойил раҳмдиллик, ҳамдардлик, меҳр-муҳаббат, ўз манфаатларидан кечиши сингари хислатларда ҳам ўз ифодасини топади¹. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати» асарида бу тушунчага ўзига хос таъриф берилади: «Жавонмардлик (альтруизм) кишидаги ўз қавмдошига ачиниш ҳиссидан, унга баҳт ва фаровонлик тилаш туйғусидан келиб чиқади, моҳиятан беминнат ҳомийлик, хайрия ёки кўмакка асосланади. Ўз манфаатидан ўзга манфаатини устун қўйиб яшаш жўмард инсоннинг ҳаёт тарзига айланади»².

Инглиз тадқиқотчиси Иеремия Бентам «мамнуният», «қониқиши», «хузурланиш» ва «азоб-укубат» тушунчаларининг нисбати масаласини кўтаради ҳамда «утилитаризм» тушунчасини илмий муомалага киритади. Утилитаризм ахлоқий тамойилига кўра, илож қадар кўпроқ инсонларга, илож қадар кўпроқ баҳт улашиш керак. Утилитаризмга мувофиқ, кўпчилик инсонларга баҳт улашиш асосида жамиятни фаровонлик сари етаклаш ахлоқнинг пойdevорини ташкил этади. Бентам жамият учун умумий фойдани айнан шунда деб билади.

Шу маънода, буюк Алишер Навоий бобомизнинг «Одамий эрсанг, демагил одами, ониким, йўқ ҳалқ ғамидин ғами», деган сатрларини келтириш ўринли. Яъни, бу дунёда инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш – одамийликнинг энг олий мезонидир, ҳалқнинг ғамидан узоқ бўлган инсонни одам қаторига қўшиб бўлмайди, деб таъкидламоқда улуғ бобомиз. Бу ўлмас сатрлар бошқарувнинг оғир юкини елкасига олган ҳар бир раҳбар фаолиятининг ўзига хос қоидасига айланмоғи лозим.

Ўзбекистон Президентининг раҳбар кадрларга яна бир талаби – ишдаги ҳар қандай салбий ҳолатларнинг олдини

¹ Конт-Спонвиль Андре. Философский словарь / Пер. с фр. Е.В. Головиной. – М., 2012, – С. 32-33.

² Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009, 27-бет.

олиш ва бундай иллатларнинг илдизини қутиши билан боғлиқ. Президентимиз таъбири билан айтганда, қаторларимиз ва кадрларимизнинг соғлигини таъминлаш зарур.

Аслида, давлат бошқарувида юзага келаётган муаммоларнинг илдизини иш тартибидаги камчиликлардан ҳам излаш жоиз. Мансабдор шахсларга жуда кўп ваколатлар берилган, бу ваколатларнинг амалга оширилиши катта ҳажмдаги молиявий ресурслардан фойдаланишини такозо қиласди. Бошқача айтганда, раҳбар кадрлар жуда катта молиявий оқимларни бошқаради, уларнинг қандай сарфланниши ҳақида қарор қабул қиласди. Афсуски, айрим раҳбарларда бундай пул оқимларидан ўзи учун кишибилмас кичик бир ариқча очиб қўйиш ҳаваси пайдо бўлади. Улкан молиявий маблағларни тасарруф қилиш имконияти ва бу жараённинг бошқалар учун шаффоф, очиқ-ошкора эмаслиги оқибатида бу ҳавас аста-секин васвасага айланади. Бу фикрга жавобан «агар мансабдор шахс ахлоқий барқарор бўлса, қадриятлари мустаҳкам бўлса, садоқатли хизмат ғояга берилган бўлса, бундай ишларга кўл урмайди», деб эътиroz билдириш мумкин.

Тан олиш керак, раҳбар кадрларнинг қадриятлари, маслаклари, ахлоқига кўп нарса боғлиқ. Бирок раҳбар кадрларининг барчаси ҳам ана шундай сифат соҳиблари эканидан умидвор бўлиб, бундай иш тартибига ўзгартиш киритмаслик нотўғри. Демак, иш жараённида бундай ҳаваслар туғилишига сабаб бўладиган омилларни бартараф этиш, бошқарув кадрларини йўлдан оздирадиган муҳитнинг шаклланишига йўл қўймаслик муҳим.

Умуман, обрў-эътибор, яхши ном, ор-номус, иззат-нафс каби тушунчалар инсон қадр-кимматининг бошқалар томонидан тан олинишини ифодаловчи тушунчалардир. «Бу – мен учун шараф» каби иборалар инсон томонидан шу эътирофнинг қабул қилинишини англатади. Таъкидлаш жоизки, кўпчиликнинг назарида бўлган раҳбар кадрлар доимо яхши ном орттириш ҳақида қайгуриши, обрў-эътиборига

доғ туширмаслиги, ор-номусини сақлаши мұхим аҳамият касб этади.

Шу ўринда Президентимизнинг раҳбар кадрлар ҳақидағи фикрларини давом эттириб, бундан бүён мансабдор шахслар фаолиятига баҳо беришда таяниладиган мезонларни келтириш ўринли. Булар:

- қонунийликни таъминлаш;
- фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш;
- қатъий интизом;
- ишни тұғри ташкил этиш, унинг самарадорлигини таъминлаш;
- фуқароларга давлат хизматлари күрсатишининг сифати ва очиқлигі;
- одамлар билан мұлоқот олиб бориш;
- фуқароларнинг муаммоларини ҳал қилиш даражаси.

Демак, раҳбар ва мансабдор шахсларнинг янги таркибини шакллантиришда айнан шу жиҳатларга эътибор берилади. Аксинча, халқнинг дард ва ташвишларини писанд қилмайдиган, адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга қурби етмайдиган, лоқайд ва бефарқ шахсларга раҳбарлик лавозимлари берилмайди. Президентимиз сўзлари билан айтганда: «Бугун замон ўзгармоқда, унинг талаби, олдимиизга кўяётган вазифалари тобора ортиб бормоқда. Мана шундай мураккаб шароитда «Сен – менга тегма, мен – сенга тегмайман», деган кайфият билан ишлашнинг вақти ўтди. Биз «вазият ёмон, вазият оғир» деб баҳона қидиришга ўрганиб қолғанмиз. Лекин шу вазиятни ким ўзгартиради, ким изга солади, деган саволни ўзимизга берайлик. Вазиятни ўзимиз, ўз ақл-заковатимиз, меҳнатимиз билан ўзгартирмасак, ҳеч ким четдан келиб бу ишни биз учун қилиб бермайди»¹.

¹ Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жа-вобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалық қойдаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантаришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруzasи. 15.01.2017// <https://president.uz/uz/lists/view/187>

Энг асосийси, Президентимиз томонидан илгари суралган «халқ давлат идоралариға эмас, балқи давлат идоралари халқимизга хизмат килиши керак», деган тамойил раҳбар кадрларнинг ҳәтий аъмолига айланиши зарур.

Шундай экан, юқорида зикр этилган ахлоқий тамоилларни раҳбар кадрларга сингдириш қай тарзда амалга оширилиши керак? Раҳбар маънавиятини шакллантиришда ижодкорлик мухим саналади. Айнан ижод мухитида назарий билимларнинг ҳәётта мослиги текшириб кўрилади, мавжуд муаммолар аниқланади. Бундай ижодий жараённи ишчи йўйинлар ва тренинглар ўтказиш, лойихалар ишлаб чиқиш, ташкилот (гурух) учун ахлоқ-одоб кодекслари яратиш каби шаклларда ташкил этиш мумкин.

Шу ўрнида Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бу йўналишда олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот бериш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5139-сонли Фармонида Академия тингловчиларининг китобхонлик ва мутолаа маданиятини юксалтириш вазифаси белгилаб берилган. Тингловчиларнинг китобга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида «Ўзбек ва жаҳон адабиёти» курси жорий этилган, ушбу курс доирасида жаҳон ва ўзбек адабиёти намояндаларининг ижоди ўрганилиб, таҳлил қилинади. Бундан кўзланган мақсад – тингловчиларнинг бадиий асарлар ўқишини рағбатлантириш негизида уларда бадиий адабиётдан бошқарув фаолиятида самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Ўзбек ва жаҳон адабиёти намояндалари ижодини ўрганишдаги асосий вазифалар сифатида қўйидагилар белгиланган:

- тингловчилар орасида китобхонликни кенг тарғиб этиш, уларни мамлакатимизда бадий асарларни яратиш ва қўллаб-куватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан таништириш;
- раҳбар маънавиятини юксалтиришда бадий асарлар роли ва аҳамиятини тингловчиларга тушунтириш;
- китоб мутолааси асосида тингловчиларда бадий асарни таҳлил қилиш, асар қаҳрамонлари ҳақида мустақил фикр билдириш кўнишка ва малакаларини шакллантириш;
- мамлакатимизда кенг авж олаётган китобхонлик ҳаракати таъсирчанлигини янада ошириш;
- бадий адабиётнинг ёш авлодни ҳар томонлама етук, юксак маънавиятли, интеллектуал салоҳиятли, ота-онасиға, Ватанига садоқатли инсонлар қилиб тарбиялашдаги аҳамияти тўғрисида тингловчиларнинг тасаввурларини янада бойитиш;
- тингловчиларнинг бадий адабиёт ўқишига бўлган маънавий эҳтиёжларини рағбатлантириш;
- китоб тарғиботи орқали тингловчиларнинг маънавий-маърифий ишлардаги фаоллигини янада ошириш.

Адиблар ижодини ўрганиш тартибига тўхталадиган бўлсак, Академия тингловчилари ўзларининг ижодий ишлари билан иштирок этишади. Ҳар бир тингловчи беш нафар ўзбек ва жаҳон адабиёти намояндлари ижодини чуқур ўрганади ва ҳар бири юзасидан тақдимот ўтказади. Тақдимотда танланган адибнинг ҳаёти ва ижоди ёритилади, танланган бадий асар яратилган давр, тарихий шарт-шароит, гоявий-мафқуравий муҳит таҳлил қилинади. Асарни таҳлил қилишда тингловчи асарнинг бош гояси, асар сюжети, ундаги образлар тизими ва асарнинг бадий хусусиятлари га тўхталади. Шеърий асарларни таҳлил қилишда юкоридаги масалалардан ташқари жанр хусусиятлари ва бадий хусусиятларга эътибор қаратиш талаб этилади.

Тақдимот вақтида бадий асарга тингловчининг муносабати (асар унда қандай туйгу ва фикрларни уйғотгани) баён этилиб, асар бугунги кун нуқтаи назаридан баҳолана-

ди. Бундан ташқари, тингловчилар бадиий асардан камидан 2 та шеър, шеърий парча ёки насрий лавҳани ёд олиб, тақдимот вактида уни ифодали баён килиб берадилар. Эътиборлиси шундаки, тингловчилар томонидан «Рахбар ёндафтари» рукнида адаб ҳаёти ва асар(лар)идан ибратли лавҳалар, ҳикматли сўзлар, шоҳсатрлар жамланади.

Тингловчиларнинг ижодий ишларини баҳолаш тартиби маҳсус Низом билан белгиланган ва бунда куйидаги мезонларга таянилади:

- китоб бўйича чуқур билимга эгалик ва танланган асар мазмун-моҳиятининг тўлақонли очиб берилганлиги;
- тингловчининг бадиий асарда баён этилган воқеа-ҳодисаларни талқин этиш қўнимка ва малакасига эгалиги;
- бадиий асар таҳлилига ижодкорлик нуқтаи назаридан ёндашилганлиги;
- тингловчининг нотиклик маҳорати, асарга доир фикрларни таъсирчан услубларда етказа олиш тажрибаси ҳамда тарғибот жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдалана олиш маҳорати;
- бадиий асарлардан фойдаланган ҳолда инсонпарварлик, фидойилик, ватанпарварлик каби фазилатларни тарғиб эта олиши;
- ижодий ишларнинг белгиланган талаблар даражасида ёритилганлиги ва ўз вактида бажарилганлиги.

Академия тингловчиларининг ўзбек ва жаҳон адабиёти намояндатари ижодини ўрганиши бўйича ижодий ишлари Академия ўқув курслари порталига ҳам жойлаштириб борилади. Адиблар ижодини ўрганиш доирасида амалга оширилган ишлар қуйидаги хуносаларни илгари суриш учун асос бўлади:

- ўзбек ва жаҳон адабиёти намояндатари ижодини ўрганиш тингловчиларнинг дунёқарашини кенгайтирмоқда;
- адиблар ижодини ўрганиш бўйича ижодий ишлар тингловчилар қадриятий тизимида ўзгаришлар келтириб чиқармоқда, уларда инсонпарварлик туйгуларининг кучайишига олиб келмоқда;

- курсни ўзлаштириш жараёнида тингловчилар 5 та адаб ижодини ўрганиш билан чекланмасдан, ўз курсдошларининг ёрқин тақдимотларидан таъсирланган ҳолда уларда бошқа адибларнинг ҳам ижоди билан танишишга мойиллик кузатилмоқда;

- бадиий адабиётлар доирасида ижодий ишларни тайёрлаш давомида тингловчилар китоб мутолааси ва китобхонлик маданияти борасида ўз оила аъзоларига ибрат бўлдилар;

- ноёб, тарихий ёки анча йил аввал нашр этилган китобларни топишдаги қийинчиликларга қарамай, тингловчилар уларни эски ва нодир китоблар сотиладиган «Букинист» дўконларидан харид қилаётганларни қувонарли ҳол;

- тингловчилар ўзлари ёд олган бадиий асар парчаларини Академияда уюштирилган маънавий-маърифий тадбирларда хам моҳирона баён этиб, ўз нотиклик маҳоратларини оширмоқдалар;

- адаб ижоди бўйича тақдимот ва инфографикалар тайёрлашга ижобий ёндашиб, ўзларининг АҚТ бўйича кўникмаларини кучайтироқдалар.

Шунинг баробарида, Давлат бошқаруви академияси тингловчиларида маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш кўникмаларини ривожлантириш борасида ҳам қатор ишлар олиб борилмоқда. Шу мақсадда «Бошқарувнинг маънавий асослари» фани доирасида Ўзбекистон тарихининг шонли саналари ҳамда буюк аждодларимиз ва замондошларимизнинг ҳаёти ва ижодига бағищланган тадбирларни ташкил этиш йўлга қўйилган. Эътиборлиси шундаки, ушбу маънавий-маърифий тадбирлар тингловчилар томонидан ташкил этилади. Бундан мақсад – Академиядаги назарий тайёргарликни бошқарув амалиёти билан боғлаш, Академия тингловчиларининг Ўзбекистон тарихи, миллий қадриятларимиз, буюк аждодларимиз мероси ва замондошларимиз ижодини чукур ўрганишини рафбатлантириш негизида уларда маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиши кўникмаларини ривожлантиришдан иборат.

Маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиши ташкил этишда қуидаги вазифалар назарда тутилган:

- тингловчиларнинг Ўзбекистон тарихининг зарваралари тўғрисида чуқур билим олишларини, мамлакатимизда тарихий меросни асраб-авайлаш ва ёш авлодга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан танишишларини рағбатлантириш;
- раҳбар маънавиятини юксалтиришда тарихий билим ва миллий қадриятларнинг роли ва аҳамиятини бевосита хис этишларини таъминлаш;
- маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш асосида тингловчиларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш борасидаги кўнкима ва малакаларни шакллантириш;
- мамлакатимизда миллий ўзликни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш бўйича олиб бориляётган маърифий ишлар таъсирчанлигини янада ошириш;
- ёш авлодни ҳар томонлама етук, юксак маънавиятли, интеллектуал салоҳиятли, Ватанига садоқатли инсонлар қилиб тарбиялашда маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишнинг аҳамияти тўғрисида тингловчиларнинг тасаввурларини янада бойитиши;
- тингловчиларнинг маънавий-маърифий ишлардаги фаоллигини янада ошириш орқали тарбиявий ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш.

Мазкур тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби ҳам маҳсус Низомда белгиланган. Бунда тингловчилар кичик гурухларга бириккан ҳолда Ўзбекистон тарихининг шонли саналари, буюк аждодларимизнинг таваллуд кунлари, атоқли замондошларимизнинг ҳаёти ва ижодига бағишлиланган тадбирлар ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлик топшириқларни бажарадилар. Тадбирларни ташкил этишда унинг бош гоясини белгилаш, сценарийсини тузиш, иштирокчилар рўйхатини шакллантириш, тадбир учун кўргазмали воситалар тайёрлаш, тадбирнинг моҳиятини жамоат-

чилик эътиборига етказиш, уни оммавий ахборот воситала-рида ёритилишини ташкил этиш талаб этилади.

Тадбир гурухий лойиха тақдимоти шаклида ўтказилади. Тингловчиларнинг ишларини баҳолашда кўйидаги мезон-ларга таянилади:

- тадбир мавзусининг тўлақонли очиб берилганлиги;
- тадбирни ташкил этиш ва ўтказиш кўлами, сифати ва самараадорлиги;
- тингловчиларнинг тадбир жараёнидаги бевосита иштироки;
- тадбирни ўтказишида ноодатий ва креатив ёндашил-ганлик;
- тадбирни ўтказишида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маҳорати;
- тадбир мавзуси билан боғлиқ ҳолда миллий ва умуминсоний қадриятлар, жумладан, инсонпарварлик, фидойилик, ватанпарварлик каби фазилатларнинг тарғиб этилганлиги;
- тадбирни оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича амалга оширилган ишлар кўлами ва сифати.

Академияда, тарихимизнинг шонли саналари, буюк аждодларимиз ва атоқли замондошларимизнинг таваллуд айёмлари, уларнинг ҳаёти ва ижодига багишланган тадбирларни ўтказиш амалиёти бир қанча хulosаларни илгари суриш имконини беради. Биринчидан, тадбирларга тайёр-гарлик давомида тингловчилар тарихий воқеалар билан чукур танишадилар, тарихий шахслар ҳақида атрофлича маълумотлар оладилар, мавзуни мустақил ўзлаштирадилар. Иккинчидан, тарихий воқеалар, шонли саналар ҳақида профессор-ўқитувчилардан маълумот олгандан кўра, бундай маълумотларнинг тингловчилар томонидан тадбир иштирокчиларига етказилиши катта тарбиявий аҳамиятга эга. Учинчидан, тадбирга тайёргарлик ишлари тингловчиларда лойиҳавий бошкарув кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қўлмоқда. Тўртинчидан, тадбирларда инсонпарварлик, фидойилик, ватанпарварлик каби қадриятларнинг тарғиб этилиши тингловчиларнинг ўзида ҳам бу қадриятлар-

нинг кучайишига олиб келмокда. Ва, ниҳоят, тадбирнинг бир жамоа доирасида тайёрланиши гурухий бирдамликни оширишга хизмат қилмоқда.

Давлат бошқаруви академиясида таҳсил олаётган раҳбар кадрларда ватанпарварлик, ўз халқига садоқат билан хизмат қилиш, бой тарихимиз, бетакрор маданиятимиз ва миллий қадриятларимизни эъзозлаш руҳида тарбиялаш ишлари шу тариқа амалга оширилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бошқарув кадрларининг билим даражасини ошириш баробарида уларда қонунийлик, адолатлилик, инсонпарварлик, масъулиятлилик ва холислик каби ахлоқий тамойилларга риоя қилиш кўникмаларини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Зоро, бу ахлоқий тамойилларнинг раҳбар кадрлар феъл-атворида, уларнинг хатти-ҳаракатида акс этиши уларга халқнинг ишончи ортишига, бошқарув фаолиятининг самарадорлик даражасига, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижадорлигига ижобий таъсир кўрсатган бўлар эди.

III БОБ

ЎЗБЕКИСТОНДА БОШҚАРУВ КАДРЛАРИНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ КОРПУСИНИ ШАКЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Бошқарув кадрлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг замонавий услубларини жорий этиш

Ҳар бир мамлакат, ҳар бир жамият, ташкилот бошқалардан ажралиб туришга, рақобатдош бўлишга интилиб, бор кучини тараққиётга йўналтиради. Тараққиёт – бу олдинга силжиш, вақтни ҳисобга олган ҳолда эҳтимол ундан олдинрок ҳаракат қилиш. Бу, биринчи навбатда: «Қандай қилиб тараққиётга эришиш мумкин?», «Тараққиётнинг манбалири қаерда?» каби саволларга жавоб излаётган раҳбарларни кизиқтиради.

Бугунги кунда ҳар қандай тараққиётнинг негизида инсон ресурслари ётганлиги ҳақида тушунча пайдо бўлди. Шу муносабат билан, инсоннинг ходим сифатида шахсиға қизиқиш, унинг касбий маҳорати, иш самарадорлигига бағищланган тадқиқотлар сонининг ортаётганини кузатиш мумкин. Бундан ташқари ходимларнинг иш фаолиятини яхшилаш учун турли технологиялар ишлаб чиқилмоқда. Ҳар доим бир ходим бошқасидан яхшироқ ишлашини, бир бўлим бошқасига караганда самаралироқ фаолият юритиши, икки ташкилот натижалари ўртасидаги тафовутни кўриш мумкин. Хўш, нима учун ходимлар, бўлимлар ва ташкилотларнинг иш натижалари бир биридан фарқ қиласи ва яхши натижаларга эришиш учун фаолияти натижаларини қандай бошқариш мумкин?

Хозирги вақтда Ғарбий Европа ва МДҲ мамлакатларида тижорат ташкилотлари, давлат органлари ва улар ходимларининг фаолияти самарадорлиги бўйича муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда (П.Дункер, Ж.Л.Мало, Р.Хьюберт, К.Мак-Найра, Р.Линч, К.Кросс, Л.Мейселя, К.Робертс, П.Адамс, Р.Каплан, Д.Нортон, И.А.Бланк, Ф.Ф.Аунапу, А.А.Годунов, П.С.Емшин, А.Г.Ковалев, Л.И.Меньшиков, А.И.Панов, Г.Х.Попов). Иқтисодиёт, бошқарув назарияси, социология, психология каби фанлар (Т.Ю.Базаров, И.Б.Дуракова, В.А.Дятлов, А.П.Егоршин, Л.В.Карташова, А.Я.Кибанов, М.И.Магура, Е.В.Маслов, Ю.Г.Одегов, С.И.Самыгин, С.И.Сотникова, С.Г.Струмилин, Р.А.Толмачев, С.В.Шекшня, В.И.Шкатулла, Г.В.Щекин)да ҳам излашишлар олиб борилмоқда.

Дастлаб, давлат идораларининг самарадорлиги пастлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш бўйича биринчи ҳаракатлар XX асрнинг бошларида АҚШда кузатила бошлади. Давлатнинг ушбу муаммога бўлган эътибори аҳолининг коммунал хизматларнинг, хусусан, шаҳар дараҷасида қониқарсиз ишлашидан норозилик тўлқини пайдо бўлганидан кейин пайдо бўлди. Шундай қилиб, ушбу муаммони ҳал қилиш чоралари кўрилди, яъни АҚШнинг 1913 йилдаги Ижроия ва суд органларини бюджет томонидан молиялаштириш тўғрисидаги Қонуни Давлат хизмати комиссияси томонидан тузилган бўлиб, давлат хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун рейтинг тизимини ишлаб чиқишига қарор қилинди. Худди шу йили Комиссия томонидан Умуммиллий самарадорлик бюроси ташкил қилинди¹.

АҚШ хукуматининг фикрига кўра, муаммони ҳал қилишнинг йўли қуйидагича эди: фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларидан яширилган раҳбарлар ва ходимлар хизматлари томонидан субъектив баҳолаш тизимидан жамиятга давлат хизматчиларининг самарадорлиги

¹ Питер Ф. Друкер. Рынок: как выйти в лидеры. Пер. с анг. – М.: Бук Чембер Интернэшнл, 1992. 288 с.

ва бюджет маблагларидан сарфланишини кузатишга имкон берадиган маълум мезонлар, кўрсаткичлар, процедуralар ва объектларга таянадиган объектив самарадорликни баҳолаш тизимига ўтиш. Шундай қилиб, давлат институтлари самарадорлигини баҳолаш тизимининг услугбий асосларини ишлаб чиқиш зарурати туғилди.

Шу муносабат билан, ушбу муаммонинг долзарблиги АҚШда ҳам, Европада ҳам иқтисодиёт, менежмент, бошқарув назарияси ва бошқа илмий фанлар бўйича тушунчалар ва илмий-амалий тадқиқотлар ишлаб чиқилишига олиб келди. Фарбий бошқарув мактаби методологияни ишлаб чиқиш, ташкилот ва ходимлар самарадорлигини баҳолаш усусларини жорий этиш бўйича улкан тарихга эга (куйида батафсил).

Тадқиқот ва амалиёт шуни кўрсатадики, натижани бошқариш учун ижро этувчи органга (хар бир ходимдан, то давлат бирлашмалари миқёсигача) вазифани, мақсадни, стратегияни қай даражада бажарганигини баҳолай олиш ва шу билан бирга, келгуси ҳаракатлар, яъни бошлаган ҳаракатларини давом эттириши ёки бошқа йўналишга ўтиши тўғрисида фикр билдириш зарур.

Шундай қилиб, биз самарадорликни бошқариш тизими атамасини батафсил таҳлил қиласиз. Самарадорликни бошқариш (Performance Management) – мақсадга эришишни баҳолаш учун амалга ошириладиган бир қатор жараёнлар тизимиdir. Ушбу жараёнлар давомида ишлаш кўрсаткичлари устидан назорат ва мониторинг асосида доимий равишда баҳоланади, тўсиклар бартараф этилади ва ресурсларни мақбул тақсимлашга эришилади.

Бу «бизнес режаларни бошқариш» ва «натижага йўналтирилган бошқариш» деб ҳам аталади.

Самарадорликни бошқариш – киритилаётган маълумотларни, шу жумладан, миқдорий ва сифат омилларнинг натижа ва таъсирларини баҳолаш.

Аммо баҳолашни амалга ошириш учун маълум мезонлар ёки кўрсаткичларни ишлаб чиқиш керак.

Самарадорлик кўрсаткичи ҳар қандай маъмурий ҳараратдан кутилган мақсадга эришилганлигини баҳолашга имкон берадиган мезондир. Шунга кўра, агар самарадорлик кўрсаткичлари ишлаб чиқилмаса, самарадорлик мақсадини бошқариш ёки баҳолаш мумкин эмас.

Шундай қилиб, ижроия органи фаолиятини бошқариш учун баҳолашни амалга ошириш керак, аммо бу баҳолаш тўғри ишлаб чиқилган кўрсаткичларга асосланиши ва тизимли бўлиши керак.

Ушбу йўналишдаги хорижий мамлакатлар тажрибасининг таҳлили самарадорликни баҳолашнинг турли хил тизимларининг кенг доирасини кўрсатади.

Ташкилот фаолияти самарадорлигини ўлчайдиган дастлабки тизим 1932 йилда француз олими Ж.Л.Мало томонидан ишлаб чиқилган ва олинган натижаларга асосланган «Tableau deb og» тизими эди. Замонавий тадқиқотчилар И.Чиапелло ва М.Лебас ушбу тизимни иқтисодий ва иқтисодий бўлмаган хусусиятларнинг умумий сабаб-оқибат алоқаларини «танлаш, ҳужжатлаштириш ва изоҳлаш» учун ишлатиладиган бошқарув механизми сифатида тавсифлайди¹.

АҚШда П.Друкернинг Мақсадларни бошқариш назарияси (Management by Objectives – МВО), айниқса, машҳур. Унинг ёрдами билан ҳар қандай ходимнинг индивидуал ютуқлари баҳоланади, бунда маълум вақт давомида ходимнинг фаолияти натижаларига эътибор берилади. Кейинчалик ушбу назария асосида фаолият самарадорлигини баҳолаш усули – асосий фаолият кўрсаткичлари усули ишлаб чиқилди (Key Performance Indicators, KPI)².

Шу билан бирга, 1970 йилда Умумий сифат бошқаруви (Total Quality Management, TQM) ташкил этилди – бу умумий ташкилий жараёнларнинг хусусиятларини доимий равишда оширишнинг универсал усули бўлиб, у Япония ва АҚШда амалий қўлланилишини топди ва ташкилотнинг ўз

¹ Клочков А. KPI и мотивация персонала. – М.: Эксмо, 2010. 170 с.

² Клочков А. KPI и мотивация персонала. – М.: Эксмо, 2010. 170 с.

фаолиятида энг юқори самарадорликка эришган ходимларини мукофотлаш амалиётига эга бўлди¹.

Бинобарин, рус тадқиқотчиларининг² таъкидлашича, Россияяда ишлаш кўрсаткичларини баҳолашнинг энг кутбили усули Р.Каплан ва Д.Нортоннинг асарларида тасвирланган Balanced Scorecard тизими (BSC – мувозанатланган кўрсаткичлар тизими)³. Муаллифлар бошқарув гояларини мақсадлар бўйича, аниқ принципларга мувофиқ комбинацияланган кўрсаткичлар бўйича умумлаштирилар ва тизимни амалга оширишнинг амалий жиҳатларига ҳам етарлича эътибор беришган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, 1993 йилда К.Адамс ва П.Робертс томонидан EP2M (Effective Progress and Performance Measurement – самарадорлик ва ўсишни баҳолаш) деб номланган концепция таклиф қилинди. Самарали баҳолаш концепцияси кучли назорат ва тезкор алоқани таъминлайди.

Бундан ташқари, 2003 йилда Р.Хюберт кўп мақсадли кўрсаткичлар харитасини (Total Performance Scorecard) яратди. Моделнинг асосий концепцияси ходимларни юқори даражадаги масъулият ва садоқат даражасига эриштириш, шунингдек, шахсий тайёргарликни, оммавий ўқиш ва ижодкорликни шакллантиришни ривожлантиришdir. Бу шуни англатадики, агар ходимнинг индивидуал мақсадлари ҳисобга олинса, у компаниянинг умумий қабул қилинган мақсадларига мувофиқ ишлайди ва ўйлади⁴.

1. Замонавий рус тадқиқотчилари ва амалиётчиларининг нуқтаи назарича, ташкилотлар ва ходимлар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг хорижий тушунчалари меҳнатни илмий ташкил этиш доктринаси талаблари ва бюрократик ташкилий маданият тамойиллари билан чекланган,

¹ Chiapello E., Lebas M. The Tableau de Bord, a French Approach to Management Information // Working Paper (Revised Third Draft), August 2001, p. 3-10,

² Клочкин А. КPI и мотивация персонала. – М.: Эксмо, 2010. 170 с.

³ Питер Ф. Друкер. Практика менеджмента. Пер. с анг. – М.: Манн, Иванов и Фербер, 2014. 416 с.

⁴ Федосеев А., Карабанов Б. Битва за эффективность. – М.: Альпина Паблишер, 2013. 305 с.

асосан, давлат секторига қараганда тијорат компаниялари учун мос келади¹

2. Бундан ташқари, чет эллик тадқиқотчи С.Номден Европа Иттифоқига айзо давлатларда давлат хизматида кадрлар бошқаруви соҳасида ислоҳотларни амалга ошириш тажрибасини ўрганар экан, давлат хизматидаги замонавий кадрлар менежменти фақат маъмурий парадигма – «тана менежменти»га, яъни қоида ва стандартларнинг аниқ ривожланишига асосланганлигини таъкидлайди².

Бундан ташқари, тадқиқотчилар А.Матеи ва Г.Камелия давлат бошқаруви самарадорлигини Руминия мамлакати мисолида таҳлил қиласар эканлар, давлат бошқаруви бу давлат ҳокимияти органлари томонидан жамият ва ҳар бир фуқарога кўрсатиладиган хизматларнинг комбинацияси эканлигини аникладилар. Шундай қилиб, давлат хизматчилари фаолиятининг самарадорлиги тўртта кўрсаткич билан белгиланади: фуқарога йўналтирилганлик, хизматларни тақдим этиш вақтини қисқартириш, кўрсатилаётган хизматлар нархини пасайтириш ва сифатини ошириш [14].

Й.Булек ва Л.Мурнинг сўзларига кўра, давлат хизматчилиси фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш интеграциялашган кўрсаткични, шу жумладан талабларга мувофиқ ишларнинг сифатини ва мавжуд ресурсларни тўғри ишлатиш / тақсимлаш қобилиятидан фойдаланишни ўз ичига олади. Шунга кўра, ушбу ёндашув мижозлар зътиборини ва тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини эмас, балки ресурсларни тақсимлаш ва сифат стандартларига риоя қилишга қаратилади³.

¹ Редченко К. Показательное несогласие: BALANCED SCORECARD И TABLEAU DE BORD. Эл. портал Технологии корпоративного управления http://www.iteam.ru/publications/strategy/section_27/article_611


² Кодирова Ш.А. Оценка эффективности деятельности государственных служащих: современное состояние и перспективы развития // «Жамият ва бошкарув», №3, 2019.

³ Еремина Г.А. Ключевые показатели эффективности как инструмент управления организацией // Интернет журнал «НАУКОВЕДЕНИЕ» Том 7, №5 (2015) <http://naukovedenie.ru/PDF/126EVN515.pdf> (доступ свободный).

Шундай қилиб, иш фаолиятини баҳолаш учун мавжуд тушунчалар давлат секторига қараганда күпроқ хусусий секторига мұлжалланған. Шундан келиб чиққан ҳолда, давлат ташкилотлари ва уларнинг ходимлари хусусиятларини (ташкилий тузилма, иш механизмлари, меърий ҳужжатлар, миссия ва унинг вазифаларини) ҳисобга олган ҳолда баҳолаш усулини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш долг зарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Ходимлар фаолиятини баҳолаш тизимини жорий этиш мухимлигини чукур ўрганар эканмиз, бугунги кунда раҳбарнинг кўл остидаги ходимлар фаолиятини баҳолашда субъективлик омиллари тўғрисида гапириш мумкин. Давлат хизматчиларини баҳолаш бўйича *ҳозирги вазиятни* таҳлил қилишга доир давлат хизматчиларилари ўртасида ўтказилган тадқиқотимиз¹, улар самарадорлигини баҳолашнинг объективлигини ошириш учун миқдорий кўрсаткичларни киритиш зарурлигини кўрсатди (24-расмга қаранг).

Объектив натижага эришиш учун давлат хизматчиларининг иш фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг қандай үсулларини қўллаш керак?




24-расм. Давлат хизматчилари фаолиятини баҳолашнинг объективлигини ошириш йўллари.

¹ Кодирова Ш.А. Оценка эффективности деятельности государственных служащих: современное состояние и перспективы развития // «Жамият ва бошқарув», №3, 2019.

Юқоридаги диаграммадан кўриниб турибдики, раҳбарнинг фикри давлат хизматчилари фаолиятини баҳолашнинг объективлигини оширишда энг кам «овоз»га эга, мисдорий кўрсаткичлар респондентлар сони бўйича биринчи ўринга чиқади: бажарилган вазифаларнинг умумийлиги, 2-чи ўринда бошқаларнинг фикрини ўрганиш.

Респондентларнинг фикрига кўра, давлат хизматчиси фаолияти самарадорлигини ким баҳолаётгани ва ким баҳолаши зарурлиги каби масалалар муҳимдир. Куйидаги иккита жадвалда ушбу саволларга субъектларнинг жавоблари акс эттирилган.


Иш жараёнида ҳамкасабларингизнинг иш фаолияти самарадорлигини ким баҳолайди?



25-расм. Давлат хизматчиси фаолиятини ким баҳолайди?

25-диаграммадан кўриниб турибдики, 69% ҳолларда ходимларнинг самарадорлиги раҳбарлар томонидан баҳоланади, қарийб 3 баравар кам ҳолатларда эса ҳамкаслар томонидан баҳоланади.

Давлат хизматчилари иш фаолияти самарадорлигини ким баҳолаши керак?



26-расм. Давлат хизматчиси ишини ким баҳолаши керак?

26-диаграммага қараб айтиш мумкинки, респондентларнинг фикри куйидаги тарзда: уларнинг учдан бир қисми давлат хизматчиларининг фаолияти раҳбар томонидан баҳоланиши керак деб, шу билан бирга, деярли бир хил одамлар мустақил эксперт баҳолаши керак деб ҳисоблашади, учинчى ўринда ҳамкаслар томонидан берилган баҳодир.

25 ва 26-диаграммаларни таққослаб, биз кескин динамикани кўришимиз мумкин, бу давлат хизматчиси фаолияти самарадорлигини баҳолашда раҳбарнинг ролини камайтириш, шунингдек, баҳолаш тизимига мустақил экспертни жалб қилиш зарурлигини англатади.

Кўриниб турибдики, бу раҳбарларнинг субъективлиги, онгли ёки онгсиз равишда унга нисбатан бошқача муносабатда бўлган раҳбар учун умуман «суюкли» ходимларга эга бўлиш қобилиятидан келиб чиқади. Одатда, бундай ҳолат бошқа ходимлар томонидан сезилади ва ҳатто раҳбар объектив баҳолаган тақдирда ҳам, ташқаридан қараганда ишчилар қарама-қарши фикрга эга бўлиши мумкин, бошқа ҳолларда, раҳбар ҳақиқатдан ҳам «суюкли» ходимини янада ижобий баҳолаётганини кўриш мумкин. Буни тасдиқлаш учун биз 24-диаграмманинг натижаларини эслашимиз

мумкин: «Давлат хизматчилари фаолиятини баҳолашнинг объективлигини ошириш йўллари» сўралганда респондентлар, биринчи навбатда, миқдорий кўрсаткичларни, сўнгра бошқалар фикрини, охирги ўринда – раҳбарнинг фикрини (11%) қўйишган.

Шундай қилиб, давлат хизматчиси фаолиятини баҳолашда холисликни ошириш учун миқдорий кўрсаткичларни жорий этиш, мустақил эксперт ёрдамида мустақил баҳолаш тизимини ишлаб чиқиши, баҳолаш жараёнидаги раҳбарнинг ролини камайтириши, шунингдек, атрофдаги ҳамкасларнинг фикрларини ҳисобга олиши керак. Давлат хизматчилари иш фаолиятини баҳолашнинг ҳозирги ҳолати тўғрисидаги хулоса бизга объектив, ошкора баҳолаш механизмини жорий этиш зарурлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, иш фаолиятини бошқариш соҳасидаги *хорижий тажрибани* таҳлил қилиш, давлат хизматчилари фаолиятини баҳолашдаги мавжуд вазиятни, Ўзбекистоннинг хусусий секторида баҳолаш тизимини жорий қилиш амалиётини ўрганиш асосида, бизнинг эътиборимиз кўплаб мамлакатларда кенг тарқалган Самараадорликнинг асосий кўрсаткичлари ёки *Key performance indicators* тизимида (кейинги ўринларда САК, КРІ) қаратилади. Кейинчалик, биз ушбу тизимнинг нима эканлигини, у нимага асосланishi, нима учун кераклиги ва у раҳбар кадрларга нисбатан қандай қўлланишини батафсил кўриб чиқамиз.

KPI' – бу ташкилотнинг ижро органи фаолиятини аниқлаш учун ишлатиладиган ўлчаш мезонидир. Баҳолаш мезонлари белгиланган вакт (ҳар ой, ҳар чоракда, ҳар олти ойда, ҳар йили) да хисобланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Питер Друкер ўзининг «Мақсадларни бошқариш» тоғаси билан КРІ тизимида асос солган. Шу туфайли, XX асрнинг 50-йилларида машҳур бўлмаган бошқарув вазифасини илмий интизомга ай-

¹ ГОСТ Р ИСО 9000-2008 Сифатни бошқариш тизимлари. Асосий коидалар ва лугат, [Электрон манба]: Хукукий ва норматив-техник хужжатларнинг электрон жамғармаси <http://docs.cntd.ru/document/1200068733>

лантириш мумкин бўлди. У асосий кўрсаткичлар орқали иш фаолиятини ўлчаш тизимини таклиф қилди. Друкернинг сўзларига кўра, раҳбарлар кундалик вазифаларни ҳал қилиш жараёнида иштирок этганда «вақт тузоқларидан», яъни натижаларга (мақсадларга) йўналтирилган вазифаларни бажаришни унтишни бошлашдан қочишлари керак. Мақсадлар бошқарувининг замонавий тимсоли бу «САК тизими» бўлиб, у кўплаб бошқарув концепцияларини ўз ичига олади (юқорига қаранг).

Ушбу концепцияни тушунишда муаммолар келиб чиқмаслиги учун ISO 9000:2008 стандартида келтирилган формулалар ишлаб чиқилган. Мавжуд стандартда «performance» тушунчаси икки соҳага бўлинади. Биринчи, самарадорлик (натижадорлик), яъни ташкилотнинг натижаларга эътибор бериш қобилиятини тавсифлайди. Иккинчиси – унумдорлик, яъни ташкилот томонидан олинган натижа ва белгиланган вақтга эришиш учун сарфланган харажатлар ўртасидаги боғлиқликни англатади. Шу сабабли, натижага эришилганлик даражаси ва натижани олиш харажатлари ҳам мавжуд.

Олинган ресурслар нуқтаи назаридан натижаларни баҳолаш (унумдорлик) самарадорликни шакллантириш мезонларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади, натижада унумдорлик икки элементнинг вазифаси эканлиги аниқ – олинган натижалар ва уни олишга имкон берадиган манбалар. Бир томондан, агар натижага эътибор қаратилса ва унга эришиш учун мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш тўғрисида бош қотирилмаса, унда тезда натижа келтирадиган воситасиз қолиш мумкин. Бошқа томондан, агар факат манбаларга эътибор қаратилса, унда, умуман, натижа бўлмаслиги мумкин.

Самарага эришиш учун ресурслар минималлаштирилсагина унумдорликка эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам унумдорликни, ҳам самарадорликни баҳолаш керак, чунки улар орасидаги мувозанат муҳимдир.

Сеул миллий университети профессори Ли Чан томонидан таклиф қилингандай КРІни метафорик тарздаги тавсифига қўшиламиз: «... ўйинчилар ҳам, ўйин томошабинлари ҳам келишилган қоидалар асосида қандай баллар берилишини олдиндан билишади, баллар маълум бир жамоага ёки ўйинчига берилади. Ўйин давомида, ундан олдин ёки ундан кейин қоидаларни ўзгартириб бўлмайди. Яъни КРІ олдиндан келишилган ва қабул қилингандай қоидаларига ўхшайди»¹.

Авваламбор, шуни таъкидлаш керакки, КРІдан фойдаланиш мақсадига чуқур кириб бориш, ушбу тизим туфайли ташкилот ходимлари, уларнинг мақсадга интилиши ва ўз вазифасини сифатли бажаришига таъсир қилиш мумкин. Шунингдек, ишлашга асосланган кўрсаткичлар тизими ҳар қандай орган, унинг бўлими ёки ижрочиси қайси босқичда жойлашганлигини ва мақсадларига эришиш учун қанча иш бажариши кераклигини тушунишга ёрдам беради.

Таъкидланганидек, САК тизимини жорий этишда ходимлар мукофотланади, бу кучли рагбатдир ва аксарият бундай ҳолларда нафақат пул роль ўйнайди, балки ходимлар учун адолат туйғуси, шунингдек, уларнинг тиришқоклиги ва саъй-ҳаракатлари эътиборга олинади.

Ушбу мавзуни атрофлича кўриб чиқсан, САК тизимини ишлаб чикиш ва уни давлат секторига жорий килишда нималарга асосланиш лозим.

Давлат хизматчилари фаолиятини баҳолаш тизими ҳар бир ташкилот олдига қўйилган асосий стратегик мақсадлардан келиб чиқади. Кейинчалик мақсаднинг муваффақиятли бажарилишини аниқлаш учун ташкилотнинг узок муддатли мақсадларидан (карапларидан) самарадорлик кўрсаткичларини шакллантиришга ўтишни тасвирлайдиган расмни тақдим этамиз.

¹ Қодирова Ш. Қодирова иштирокида профессор Ли Чан билан интервю. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясида интервю: <https://t.me/joinchat/AAAAAEbcEuKJccP-Frtw>



27-расм. Ташкилотнинг узок муддатли мақсадларидан КРІга ўтиш¹


Давлат хизматчилари фаолиятини баҳолашнинг обьектив механизми, тўғри ишлаб чиқилган баҳолаш мезонларига асосланади. Мезонлар ёки кўрсаткичлар давлат хизматчисининг вазифаси (баъзи манбаларда, ташкилотнинг келажакдаги қиёфаси) ва ташкилотнинг стратегик мақсадлари билан бевосита боғлиқ режалаштирилган фаолиятидан келиб чиқади. Шу билан бирга, ташкилот муайян бўлимлардан, ходимлардан иборат бўлиб, улар, ўз фаолиятини стратегик мақсадларга эришишга имкон берадиган тарзда ташкил қилишлари керак.

Шу билан бирга, ташкилот ўз таркибий бўлинмаларига эга, улар ўз саъй-ҳаракатини жамлаган ҳолда ўз миссиясини бажариши ва мақсадга эришиши зарур.

¹ Профессор Хён Ёнгкукнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академиясида «Uzbekistan APA Capacity Building workshop 2019. 6.6.-6.7» доирасидаги «Фаолият мониторинги ва иш фаолиятининг асосий кўрсаткичлари (КРІ)» мавзусидаги маъruzасидан.

Миссия бу – ташкилотнинг мавжудлиги сабаблари бўлиб, унга ўхшаш ташкилотлардан қандай фарқ қилиши ва ташкилот нима учун мавжудлиги, муҳим вазифасини англатади.

Стратегик мақсад – келажакда излаш керак бўлган ташкилот фаолияти натижаларининг прототипидир. Мақсад ташкилот олдига ҳам, унинг тузилмалари олдига ҳам, айрим ижрочилар олдига ҳам кўйилади. Мақсад – ўлчовлилик, аниқлик, эриша олишлик, стратегия билан боғлиқлик, шунингдек, вақт билан тавсифланади.



28-расм. Мақсадлар «даражти»¹

Стратегик мақсадни амалга ошириш учун уни «кичик гурӯхларга» бўлиш керак, шундай тарзда мақсадлар «даражти» ҳосил бўлади (5-расм). Ушбу усул ҳар бир ижро этувчи орган учун ўз мақсадларини белгилаш ва келажакдаги мақсадлар билан алоқани кўришга имкон беради. Шундай қилиб, кичик гурӯхларда мақсадларга эришиш, унинг юқори дараҷаларига эришишига таъсир қиласди.

Тушуниш мумкинки, KPI (САК) тизими таркибий бўлинманинг ва умуман ташкилотнинг стратегик мақсадларига эришишига қўшган ҳиссасини баҳолаш асосида

¹ Мақсадлар, кичик мақсадлар, вазифалар сони унинг ўзига хослиги ва функцияларига боғлиқ.

ходимларнинг иш фаолиятини баҳолаш технологияси ҳисобланади.

Раҳбар кадрлар САКи. Хўш, қандай қилиб раҳбарнинг САКини ўлчаш мумкин? Бу саволга жавоб бериш учун биз бошлиқнинг фаолиятини таҳлил қиласиз. Аммо олдин бир савол берамиз: «Қайси раҳбар ўз ишини яхшироқ бажаради: столида жуда кўп ҳужжатлар бўлганими ёки бўлмаганими?» Тўғри жавоб: «Кимнинг столида кўп ҳужжатлар бўлмаса, уларнинг ҳаммаси тартиб билан жойида турибди» Биз бунга кейинрок қайтамиз.

Ходимларни бошқариш тизимида кадрларни бошқариш раҳбарнинг асосий ваколатларига асосланади: мақсадни тўғри белгилаш, мақсадларга эришиш учун тадбирларни режалаштириш, ўз ваколатларини таксимлаш, ходимларни назорат қилиш (қайта алоқа) ва уларнинг мотивацияси – ички қизиқиш ва ишлаш истаги пайдо бўлиши.

Раҳбарнинг асосий вазифаси юкоридаги кўнікмаларни кўллаган ҳолда ўз мақсадларига эришиш учун бир гурӯҳ одамларни бошқариш эканлигини ҳисобга олганда, у нағижага эътибор қаратиши керак. Яъни мақсадни белгилаш босқичида, раҳбар нимага эришш ва бунга қандай йўл билан боришини ва, асосийси, бу йўлда гурухнинг ҳар бир аъзоси ўрнини тушуниши керак. Шундай қилиб, ҳар бир ходим вазифаларни таксимлаш, ваколатларни узатиш жараёнида раҳбар томонидан топшириқлар олади. Кейин ҳамма уни бажара бошлайди. Раҳбар бу жараённи маълум бир вақтда (ёки вазифанинг муракқаблиги ва ходимнинг ҳусусиятлари, тажрибасига қараб) кузатиб бориши ва фикр-мулоҳазаларини билдириши, яъни ўз ходимларига раҳбарлик қилиши мақсадга мувофиқдир. Раҳбар фаолиятининг натижаси – бу ўз ходимлари фаолиятининг самараси (натижаси), шунинг учун (қайси раҳбар яхшироқ деган саволга қайтсан), ўз ваколатларини ходимларга оптималь тарзда топширган (вазифаларни тақсимлаган) ва шу асосда столида ортиқча ҳужжатлар бўлмаган раҳбар яхшироқ ҳисобланади.

Бошқарувчининг фаолияти ходимлар фаолиятини ташкил этишга қаратилганини туфайли, «уларнинг самара-дорлигини қандай мезонлар бўйича ўлчаш мумкин?» деган савол туғилади.

Юкорида таъкидлаб ўтилганидек, самарадорлик кўрсаткичлари ташкилот мақсадларига мувофиқ келади ва уларнинг натижалари ўлчанади. Яъни раҳбар зиммасига бир қатор вазифалар (узок муддатли, қисқа муддатли, содда, мураккаб, гурух, индивидуал ва бошқалар) юклатилади, у қўл остидагиларни бошқариш орқали уларни сифатли бажариши лозим. Лекин раҳбар ўз ходимларини топширикни тўғри бажармайди деб билиб, улар учун ҳамма ишни ўзи бажарса, бу вазифаларнинг тақсимланишида муаммолар борлиги ёки унинг этишмаслигидан дарак беради. Бошқа бир ҳолат: раҳбар барча ходимларининг имкониятларини била туриб, энг муҳим ва қийин вазифаларни битта ходимга топшираверади, доимий равишида унга ортиқча вазифа юкланади, аммо барча ишчилар бир хил маош олади. Бундай ҳолатда раҳбар қандай хотога йўл кўйди? Бу ходим яқин орада чарчайди ва шашти тушади, шунингдек, унда адолатсизлик ҳисси уйфонади (Нега мен ҳаммадан кўп ишлайман? Нега биз бир хил маош оламиз?), бошқа ходимлар эса ривожланмайдилар, ўзлари устида ишламайдилар. Бу ходимларга нисбатан teng иш тақсимотининг йўқлигини кўрсатади. Бундан хулоса қилишимиз мумкинки, мақсад ва вазифаларга раҳбар томонидан самарали равища эришиш мумкин, аммо олдимизда унинг бошқарув самарадорлигини баҳолаш усулини ишлаб чиқиш вазифаси турибди, чунки бу унинг асосий вазифасидир. Сўнгра раҳбарнинг САКини ишлаб чиқиша, унга юклangan вазифаларга кўшимча равища, бошқарув ходимларининг асосий кўникмаларига эътибор қаратишими керак. Бошқарув ходимларининг фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишига мисол қўйидаги жадвалда келтирилган. Мезонларни бошқариш хусусиятлари қўйидагича бўлиши мумкин:

**Бошқарув ходимларини баҳолаш учун жараён
күрсаткичлари**

Бошқарув хусусиятлари	Мезонлар
Мақсадни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> • Мақсадни түғри белгилаш. • Мақсадни батафсил тушунтириш. • Натижани (якуний маҳсулот) кўра олиш. • Ходимлар билан керакли натижани баҳам кўриш. • Ҳар бир ходим мақсадни ва нимага эришиш кераклигини тушуниши.
Режалашти- риш	<ul style="list-style-type: none"> • Тўғри режалаштириш – вазифаларни мақсадларга қараб, кичик гурӯхларга батафсил тақсимлаш. • Ҳар бир вазифани бажариш учун аниқ муддат белгилаш. • Режалаштиришда максадга эришиш (унга боғлик ва боғлиқ бўлмаган) шартларини ҳисобга олиш.
Вазифаларни тақсимлаш	<ul style="list-style-type: none"> • Вазифаларни барча ходимларга тақсимлаш. • Вазифаларни тенг тақсимлаш. • Вазифанинг исталган шакли ва натижаси ҳақида гапириб ўтиш. • Ҳар бир ходимга муддат белгилаш. • Ҳар бир ходимнинг назорат турини (якуний, тўсатдан, даврий ва х.к.) белгилаш (вазифаларнинг мураккаблигига, ходимларнинг хусусиятларига қараб) ва ходимларни бу ҳақда огоҳлантириш.
Ходимларни назорат қи- лиши (ва қай- та муроҳаза билиши)	<ul style="list-style-type: none"> • Ҳар бир аниқ вактда назорат қилиш даврини белгилаш (раҳбар маълум бир ходим учун таинлаган бошқарув турига боғлиқ, юқоридаги хатбошига қаранг). • Ўзи учун ҳам, ишчилар учун ҳам у қайси босқичда эканлигини белгилаш. • Тўғри фикрларни бериш (тавсиялар, яхши ва ёмон томонларини кўрсатиш), ходимни йўналтириш).

Ходимларни мотивациялаш	<ul style="list-style-type: none"> • Ходимлар фаолиятининг ижобий жиҳатларини тўғрисида қайд этиш. • Иш натижаларига кўра, ижобий қўллаб-куvvatлаш (рағбат шаклида). • Топшириқларни бажаришда энг кўп ажралиб турадиган ходимларни қайд этиш. • Карьера имкониятлари ҳақида айтиб ўтиш. • Ходимларга тадбирларда тақдимотлар ўтказишга имкон бериш. • Ходимларнинг фикрлари, тояларини тинглаш ва эътиборга олиш. • Қуийи бўғинларни ўз устида ишлашга ундаш. • Қўл остидагиларга яхши ўрнак бўла олиш. • Мухим нарсаларни ўргатиш.
--------------------------------	---

Юқоридаги мезонлар жадвали бошқарув ходимларининг фаолияти самарадорлигининг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши мумкин, шу билан бирга, натижани баҳолашни ҳам ҳисобга олиш керак. Бунинг учун қуийдаги кўрсаткичларни кўриб чиқиши мумкин, улар ҳам вазифаларнинг ўзига хос хусусиятларига қараб батафсил кўрсатилиши мумкин.

5-жадвал

Баҳолаш учун натижанинг кўрсаткичлари

Максад кўрсаткичлари	Ўлчаниши
• Бажарилган вазифалар сони	Рақамларда
• Бажарилган топшириқнинг сифати	10 баллик тизимда
• Топшириқларни бажаришда инновациялардан фойдаланиш	Фойдаланилган янгиликлар сони
• Белгиланган муддатларда бажариш	Белгиланган муддатда, муддатидан олдин, белгиланган муддатдан кечикиб
• Сарфланган (тежалган) ресурслар	Режалаштирилган харажатлар бўйича, тежалган ва сарфланган

KPI тизимининг *вазифалар йўналиши* қўйидагиларга қаратилган:

- ҳар бир давлат хизматчисининг ёки таркибий бўлинманнинг ишини баҳолаш;
- давлат хизматчиларини натижа учун ишлашга ундаш;
- ҳар бир давлат хизматчисининг ўз иши натижаси учун жавобгарлигини ошириш;
- энг истиқболи давлат хизматчилари ва бошқарув ходимларини ривожлантириш ва такомиллаштириш;
- ташкилотдаги «зайф» жойлар тўғрисида статистик маълумотларни тақдим этиш;
- жараённинг натижага таъсири ҳақидаги ҳисботни мавжуд ва визуал шаклида кўра олиш имкониятини яратиб бериш;
- ҳар бир бошқарув қарорининг мазмунлилиги.

Бундан ташқари, шуни таъкидлаш керакки, бизнинг вазиятимизда бошқарув ходимларининг фаолиятини баҳолаш мезонлари (кўрсаткичлари)ни ишлаб чиқиша ҳар бир мезоннинг вазни аҳамият даражасини аниқлаш керак, чунки ҳар доим ҳам муҳим ва унчалик муҳим бўлмаган ҳолатлар ва албатта, иш унумдорлигини баҳолашнинг ҳам кўрсаткичлари мавжуд. Ҳар бир индикаторнинг ўрни кўрсаткичнинг мураккаблиги ва аҳамияти билан белгиланади. Раҳбарлар нафақат ўзининг, балки ходимлар вазифаларининг аҳамият даражасини ҳам ўзгаришларни тушунишлари ва ўз ишларида эътиборга олишлари муҳимdir.

Кўрсаткичларни ишлаб чиқиши ва аҳамият даражасини аниқлаш KPI тизимини ривожлантиришнинг ажralmas қисми, шу билан бирга, амалга тадбиқ этишнинг ҳам ҳар бир қисми муҳимdir. KPI тизимини амалга татбиқ этиш учун – хусусан, раҳбарларнинг ишини баҳолаб, ушбу кўрсаткичларнинг мониторинги механизмини ишлаб чиқиш керак.

Шу билан бирга, KPI тизимини жорий қилиш ушбу тизимни синовдан ўтказиш жараёнида амалга оширилади, шунинг учун уни жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича қўйидаги қадамлар кўйилиши керак:

Тайёргарлик босқичи

Тизимнинг методологик асосларини яратиш

KPI тизимини автоматлаштириш

Тизимни амалга ошириш

KPI тизими мониторинги

29-расм. KPI тизимини киритиш алгоритми.

Хар бир босқич муайян ҳаракатлар билан тавсифланади:

1) *Тайёргарлик босқичи:*

- KPI тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун жавобгар шахсларни тайинлаш;
- давлат органи фаолиятидаги мавжуд вазият таҳлили;
- тизимни амалга оширишнинг батафсил режасини ишлаб чиқиш;
- амалга ошириш муддатларини аниқлаш.

2) *Услубий асосларни яратиш:*

- KPI тизимини моделлаштириш;
- давлат хизматчиларининг меъёрий-хукуқий хужжатлага-рига ўзгартиришлар тайёрлаш;
- KPI тизимига асосланган бошқарув моделини ишлаб чиқиш;
- ташкилий тузилмани оптималлаштириш;
- KPIлар асосида янги ҳисобот тизимини яратиш.

3) *KPI тизимини автоматлаштириши (1С ёки Bitrix¹ табтиқ қилиш орқали):*

¹ Кўпинча хусусий секторда (жумладан, Ўзбекистонда) ишлатиладиган автоматлаштирилган КПИ баҳолаш тизими. Кулайлик, уни муайян кўрсаткичларни кўшиш орқали турли ташкилотларга мослаштириш мумкинлигидадир. Яна бир афзалиги – маълумотларни киритиш қулайлиги, график тақдимот. https://www.bitrix24.ru/?utm_campaign=bitrix&utm_medium=google_cpc&utm_source=google_cpc&utm_term=b_002&gclid=CjwKCAjwm4rqBRBUEiwAwaWjjD2VrFXUEatVSw4G14u_HA7pRyFY2sh0ayn2KQIL7zwIvi8jfHUyRoCY8gQAvDBwE&p=5258587&UEatVSw4G14u_HA7pRyFY2sh0ayn2KQIL7zwIvi8jfHUUatVSw4G14u_HA7pRyFY2sh0ayn2KQIL7zwIvi8jfHUiwAwaWjjD2VrFXUEatVSw4G14uiwAwaWjjD2VrFXUEatVSG14u

- модель асосида дастурий маҳсулот яратиш учун техник шартларни ишлаб чикиш;
- дастурий таъминотни тўғридан-тўғри яратиш;
- ташкилот ходимларига яратилган тизим учун ўқув машгулотларини ўтказиш.

4) KPI тизимини жорий этиши:

- ушбу тизимни бир қатор бўлимларда пилот лойихалар сифатида жорий этиши;
- барча давлат идоралари учун кенг жорий қилиш;
- тизим қандай ишлашини ва унинг аҳамиятини тушуниш учун ходимлар ўртасида тренинглар ва ўқув машгулотларини ўтказиш.

5) KPI тизимининг ишлашини мониторинг қилиши:

- тизимнинг ишлаши ва самараси тўғрисида маълумот тўплаш;
- мумкин бўлган носозликларни бартараф этиш.

6-жадвал

KPI ни ҳисоблаш мезонлари

Вазни % (Wi)	Муайян индикаторнинг аҳамияти. Жами 1 га тенг бўлиши лозим.
База (Qbi)	Индикаторларнинг рухсат этилган минимал қиймати. Бошлангич кўрсаткичдан паст даража – натижанинг йўклиги.
Режа (Qpi)	Интилиш керак бўлган қиймат; натижаларни яхшилаш учун нормадан баланд чора.
Факт (Qfi)	Вакт оралиғида ишнинг ҳақиқий самараси.

KPI тизимида асосий кўрсаткичларни ҳисоблаш тизимларини акс эттирадиган зарур мезонлар мавжуд (6-жадвал). Булар режалаштирилган самара билан ҳақиқатан бажарилган ишнинг боғлиқлигини математик ҳисобини аниқлашга имкон берадиган муҳим мезонлардир.

A	B	C	D	E	F
Ключевые показатели	Вес KPI	Цель	Факт	Индекс KPI	
KPI 1	0,5	20%	22%	0,550	
KPI 2	0,25	20%	17%	0,212	
KPI 3	0,25	20%	30%	0,375	
	1	Коэффициент результативности		1,137	
				113,70%	


Формула расчета KPI: Индекс KPI = $\sum \text{вес kpi} * \text{Факт: Цель}$

30-расм. KPI жадвали намунаси.

KPI тизимини ишлаб чиқиша ҳар бир коеффициентга нисбатан маълум талаблар ҳисобга олиниши керак:

- Ҳар бир коеффициент аниқ белгиланиши керак, шунда ҳар қандай фойдаланувчи уни ўлчаши мумкин, ҳаттоқи шу индикатор ёрдамида натижалари баҳоланаётган ходим ҳам. Масалан, мижозларга хизмат кўрсатувчи менежернинг иш жойида энг оддий бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш унга ҳар доим кўлида бўлган маълумотлардан фойдаланган ҳолда «ўз» KPIсини ҳисоблашни осонлаштиради.
- Тасдиқланган кўрсаткичлар ва кўрсатмаларга эришиш керак. Мақсад ҳакиқий бўлиши керак, лекин, айни пайтда, рағбатлантирувчи бўлиши керак.
- Ҳар бир индикатор баҳоланаётган одамларнинг жавобгарлиги соҳасида бўлиши керак.
- Кўрсаткичлар ходимларни рағбатлантириш ва самара-дорлигини оширишга ёрдам бериши керак ва бу мақсадларни белгилаш билан бевосита боғлиқдир
- Индикаторларни таққослаш керак, яъни бир хил кўрсаткичларни иккита ўхшаш вазиятда таққослаш имконияти бўлиши лозим.
- Коеффициент ўзгариши динамикаси визуал (график) тарзда тақдим этилиши керак, шунда натижаларга кўра хуносалар чиқарилиши ва қарорлар қабул қилиниши мумкин.
- Ва ниҳоят, ҳар бир кўрсаткич мазмунли бўлиши ва таҳлил учун асос бўлиши керак.¹

¹ Борисова Е.С., Шубцова Л.В. Особенности применения системы KPI в государственном управлении //Финансовая экономика. – 2019. – №. 3. – С. 713-718;



31-расм. Мұайдын дәрвіз учун KPI статистик таҳлилиниң намунасы.

31-расмдан кўриниб турибдики, КРІ тизимини жорий қилиш ва маълум бир давр учун ойлик статистик кўрсаткичларни хисоблаш давлат хизматчиси ёки таркибий бўлинма ишининг динамикасини аниқ кўриш, шу билан индикаторларга таъсир кўрсатадиган мумкин бўлган омилларни баҳолаш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини янада ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш имконини беради.

Шундай қилиб, хорижий тажриба таҳлили, кадрлар самарадорлигини баҳолашдаги мавжуд вазият, бошқарув ходимларининг баҳосини қўллаш имкониятлари, самарадорликнинг асосий кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни атрофлича ўрганиш натижасида хулоса чиқаришимиз мумкин. Хўш, бошқарув ходимларининг самарадорлигини баҳолаш қандай натижаларга олиб келади? Биринчидан, ҳар бир раҳбар ўз иш самарадорлигини ошириш ва ишчилари фаолияти натижаларини тартибга солиш учун ҳам натижани бошқариш қобилиятига эга бўлиши керак. Иккинчидан, бу ходимларга жараён ва уларнинг фаолияти натижалари тўғрисида қайта алоқа бериш, уларнинг ҳиссасини адолатли баҳолаш, уларни ишлашга унрайди. Учинчидан, объектив механизмнинг жорий этилиши ташкилотнинг кадрлар тизимида шаффоффликнинг таъминланишига ва давлат хизмати сифатининг ошишига олиб келади.

3.2. Давлат бошқаруви академиясида рақамли таълим технологияларидан фойдаланиш

Бугунги кунда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) кескин суръатда ривожланиб бораётган даврда ундан таълим тизимида самарали фойдаланиш фойдадан холи бўлмайди, албатта. Ҳозирда таълим тизимини ривожлантириш борасида дастурий таъминот ишлаб чикувчи компаниялар томонидан кўплаб дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

БМТ Барқарор ривожланишининг 4-мақсади сифатли таълимга бағишлиган бўлиб, унда бу соҳани ривожлантириш борасида тавсиялар ишлаб чиқилган. Бу бўйича 2015 йилнинг 21-22 декабрь кунлари UNESCO раҳнамолигида Хитойда бўлиб ўтган анжуманда алоҳида «Рақамлаштириш имкониятлардан фойдаланиб, таълимда ўзгариш ясаш» мавзусидаги АКТ бўйича Халқаро конференцияда Циндао декларацияси қабул қилинган [1]. Унда таълим сифатини оширишда АКТга катта эътибор берилган. Жумладан, таълим тизимида:

- рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятини ошириш;
- очиқ таълим ресурсларини ривожлантириш;
- таълимда онлайн ўқитиш инновацияларидан фойдаланиш ва уларни татбиқ этиш;
- сифатни таъминлаш ва онлайн таълимни камраб олиш.

Бундан кўриниб турибдики, АКТ соҳаси жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда.

Демак, ҳар бир давлат ушбу соҳага катта эътибор қартиши лозим. Энди, бу соҳани ривожлантириш борасида фойдаланиб келинаётган оммабоп бўлган LMS (Learning Management System) – тизимлари ўкув жараёнларини бошқариш учун жуда қулай ҳисобланади.

Жумладан, ҳозирда Moodle (Modular Object-Oriented Dynamic Learning Environment) – Модули объектга йўнал-

тирилган динамик таълим мухити қўлланиб келинмоқда. Ҳозирда ундан фойдаланилувчи сайтлар сони 151 000 тага етган.

МООС (Massive Open Online Course) – Оммавий очиқ онлайн ўқув курслари. Ҳозирги вақтда ушбу курслар яна-да оммалашиб бормоқда. Ҳозирги вақтда МООСдан дунёга машҳур бўлган компания ва университетлар фойдаланиб келишмоқда. Жумладан, Стэнфорд университети, Массачусет технология институти, Пенсильвания университети, Мичиган университети, Гарвард университети, Хан Академияси (Khan Academy), Бостон университети, Codecademy, Таълимда ахборот технологиялари бўйича ЮНЕСКО институти, ИНТУИТ, HTML Academy, TED компанияси, Openlearn, Futurelearn, Academic Earth, Udemy, Coursera, EdX, Udacity каби жаҳонга машҳур кўплаб ташкилотлар ўз фаолиятинида МООС платформасидан фойдаланади.

МООСнинг ўзига хос жиҳатлари куйидагилар:

- очиқлик – МООС платформаси Интернет орқали 24x7x365 форматда хеч қандай чегарасиз фаолият олиб боради;
- мультимедиялилик – МООС аудио, видео, интерактив видео, 3D-дунё ва кўплаб замонавий технологиялардан фойдаланади;
- интерактивлик – МООС фойдаланувчиларнинг контент билан ўзаро муносабатини таъминлайди, уларнинг ўқитувчи (тыютер) билан мулоқот қилишини амалга оширади;
- бепул/шартли бепул (баъзи етказиб берувчилар факат сертификат учун ҳақ олади);
- дунёнинг энг машҳур университетларида таълим олиш (Гарвард университети, Массачусетс технология институти, Буюк Британиянинг очиқ университети, Москва давлат университети, Иқтисодиёт олий мактаби, МЕСИ, МИПТ ва бошқалар).

«Coursera» платформаси «ҳам дунёдаги энг яхши онлайн курслардан, онлайн ва бепул» ўтишни таклиф қила-

ди¹. «EdX» платформаси ҳам оммавий очиқ онлайн таълим-нинг энг йирик платформаларидан бири саналади². HTML Academy, Универсариум ва Uniweb платформалари. Хан Академияси – таълимни онлайн режимда олиб борувчи жаҳондаги улкан белупул таълим сайти. Академияга американлик тадбиркор ва ўқитувчи Салмон Хан томонидан 2006 йилда асос солинган. Салмон Хан Бангладешда хиндистонлик иммигрантлар оиласида туғилган. Салмон Хан дунёга машхур олий таълим муассасалари Массачусетс технология институти (МТИ) ҳамда Гарвард бизнес мактабларини тутатган ва инвестиция фондида ишлаган³.

Moodle масоғавий ўқитиш жараёнини тўла кўллаб-куватлаш учун кенг доирадаги имкониятлари, ўқув материаллари турли усусларда берилиши, билимларни текшириш ва ўзлаштириш назорат қилинишини алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувоғиқ.

Moodleда 20 турдаги интерактив ўқув материаллари мавжуд бўлиб, уларнинг сони ошиб бормоқда. Курс яратувчиси тизимнинг бундай имкониятидан фойдаланган ҳолда ўқитиладиган фанни фойдаланувчиларга интерактив кўринишда тақдим этиш имкониятини яратади.

Хозирги технологиялар жадаллик билан ривожланиб бораётган вақтда ривожланган давлатлар давлат бошқарувида кадрлар тайёрлашда ракамли технологиялардан самарали фойдаланиб келинмоқда. Айниқса, давлат бошқарув кадрларини тайёрлаш, захирасини шакллантириш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ҳамда уларни жой-жойига қўйишида меритократия усулидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун, албатта, давлат хизматчиларининг базаси шакллантирилиши, доимий равишда янгидан янги иқтидорли ёш кадрларга оид маълумотлари билан тўлдириб борилиши ва давлат бошқарув тизими учун кадрлар захираси шакллантириб борилиши долзарб саналади.

¹ <https://www.coursera.org> - Coursera платформаси расмий сайт

² <https://www.edx.org/> - EdX платформаси расмий веб-сайти.

³ <https://www.khanacademy.org/> - Хан Академияси поратли.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги АКТ ривожланган вақтда ҳар бир таълим муассасини масофавий таълим технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Буни йўлга қўйиш орқали биз қўйидаги имкониятларга эга бўламиз:

- масофадан мuloқot қилиш;
- академия ахборот-ресурс марказидаги китоблардан фойдаланиш;
- ҳар бир курс бўйича маълумотларнинг доимий равишда янгиланиб бориши;
- баҳолашнинг очиқлиги ва шаффоғлиги;
- мотивация;
- битириувчилар билан доимий алоқа;
- ўтилган дарсларнинг видео лавҳаларидан фойдаланиш;
- ихтиёрий вақтда фойдаланиш;
- ишдан узилмаган ҳолда курсларда қатнашиш;
- ёш ва йўналиш бўйича чегаранинг мавжуд эмаслиги;
- вебинар машғулотлар;
- ўз билимини текшириш;
- қоғозни тежаш;
- онлайн тестларни ўтказиш ва хоказо.

Бу белгиланган ишларнинг дебочаси сифатида Академияда давлат бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари тингловчиларининг маълумотлар базаси (my.dba.uz) ва улар учун масофавий таълим портали (estudy.dba.uz) ишлаб чиқилган (1-2-расм).

«shu.dba.uz» ахборот тизимида ҳар бир фойдаланувчи учун ўзининг шахсий профили мавжуд бўлиб, ҳар ким ўзининг маҳсус фойдаланувчи номи ва калит сўзи орқали тизимга ташриф қиласди. Ҳар бир фойдаланувчи учун шахсий профилари ўзининг функционал вазифасига қараб турлича қулай ва дўстона шаклда интерфейс ишлаб чиқилган.

Фойдаланувчилар тизимдан фойдаланишдаги вазифаларига қараб қўйидаги ролларга бўлинган:

- тизим администратори;
- Академия ва унинг ҳудудий филиаллари маъмурияти;
- проректор;


- декан;
- Академия ва унинг худудий филиали Ўқув бўлими масъули;
- кафедра мудири;
- профессор-ўқитувчи;
- буюртмачи;
- ишчи ходим ва методист;
- тингловчи.

Масалан, Академия ва унинг худудий филиали Ўқув бўлими масъули шахсий профили қўйидаги функционал имкониятларга эга:

- профиль маълумотларини кўриш ва ўзгартириш (масалан, паролни ўзгартириш);
- тингловчиликка қабул қилиш режаси контингентини шакллантириш ва мониторингини юритиши;
- ўқув гурӯхларини ўқув йили кесимида шакллантириш;
- ўқитувчилар контингентини кафедра кесимида шакллантириш;
- тингловчилар контингентини ва объективкасини шакллантириш;
- ўқув режа асосида фан маълумотларини шакллантириш;
- ҳафталик дарс жадвалини гурӯх кесимида шакллантириш ва назоратини юритиши;
- электрон журнал тизими юритилишини назорат қилиш;
- турли кесимда ҳисоботларни шакллантириш ва MS Office пакетига юклаш;
- турли фойдаланувчилар ўртасида хабарлар алмашинувини таъминлаш.
- таркибий тузилмасидаги тизим фойдаланувчиларни бошқариш.


Худди шунга ўхшаш барча фойдаланувчилар учун алоҳида автоматлаштирилган ишчи ўринлари ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, «my.dba.uz» порталининг функционал имкониятлари 32-расмда келтирилган.



32-расм. my.dba.uz функционал имкониятлари.

Бу ишлаб чиқилган тизимлар нафакат профессор-үкитувчилар, балки тингловчиларга ҳам катта имкониятлар беради (33-расм).



33-расм. estudy.dba.uz порталы имкониятлари.

Хақиқатан ҳам ишлаб чиқилған давлат бошқаруви кадрларининг ахборот тизими ҳар учала томон, яъни тингловчи, буюртмачи ва таълим берувчи учун ҳам қулайликлар туғидиради.

Тингловчи ўз фаолият доирасида ахборот тизими орқали онлайн равишда ўзлаштириш кўрсаткичини, давоматини, дарс жадвалини, ўқув курслари материалларини, онлайн тестларни, вазифаларни, онлайн вебинарда иштирок этиши, топшириқлар ва тестларнинг «делайн» вақтларини кўриб бориши мумкин. Шунингдек, ўз фаолияти доирасида эришган ютуқлари бўйича олган давлат мукофотлари ва сертификатларини киритиб бориши мумкин. Давлат ташкилоти эса ўз ходимини ўзлаштириши ва давоматини ма-софадан турган ҳолда кузатиб бориши мумкин. Академия профессор-ўқитувчилари эса ўз курси доирасида материалларни кўйиб боради, тингловчиларни баҳолайди ва улар билан онлайн равишда мулоқот олиб боради. Бу орқали тингловчиларда ҳозирги вақтда бутун дунёда ривожланиб бораётган «машинали ўқитиши» тизимига ўтиш бўйича кўникмалар шаклланиб боради.

Ҳозирги вақтда Академияда юқорида келтирилган портallарни ўзаро интеграция қилган ҳолда ўқув жараёнининг бутунлай «Smart Learning» кўринишга ўтказиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Жанубий кореялик ҳамкорлар билан биргаликда, масофавий таълим портали учун нафақат видеоконтентлар ишлаб чиқилмоқда, балки қўйидаги функционал имкониятлар ҳам такомиллаштирилмоқда:

- Академияга ташриф буюрувчилар саҳифаси;
- Ташриф буюрувчилар учун маҳсус RFID карточкалар;
- RFID карточкалар орқали давоматни онлайн олиб бориш;
- масофадан туриб китобларга буюртма бериш;
- онлайн дарс жадвали;
- профессор-ўқитувчи шахсий иш режаси ва унинг мониторинги;
- буюртмачи билан онлайн алоқа ва бошқалар.

Келажакда бу тизимларни такомиллаштирган ҳолда уни «Электрон хукумат» тизимининг ахборот тизими комплекси билан рақамли интеграциясини таъминлаш орқали Ўз-

бекистонда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга катта ҳисса қўшиш мумкин. Бундай ишни амалга ошириша, албатта, давлат ташкилотларидан катта эътибор ва қўллаб-куватлаш талаб қилинади. Бу орқали биз давлат иқтисодиётига катта ҳисса қўшган бўламиз. Чунки давлат ташкилотларидаги ҳар бир лавозимга ўз соҳасини биладиган раҳбар кадрлар келишига имкон яратилади.

Шунингдек, ахборот тизимида нафакат давлат хизматчилари фойдаланишлари, балки фуқаролар учун ҳам ўз соҳаларидан келиб чиқкан ҳолда очик рўйхатдан ўтиш орқали ўз билим ва кўникмаларини шакллантириш имкониятларини ишлаб чикиш лозим. Бу орқали ўз билим ва кўникмаларига ишонган иқтидорли ёшларни ва оддий фуқароларни давлат бошқаруви соҳасига жалб қилиш имконига эга бўламиз. Бундай тизим хозирда Жанубий Корея, Сингапурда ўзини оқлаб келмоқда.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда давлат бошқаруви соҳасида мутахассисларни тайёрлаш ва давлат хизматчилари малакасини ошириш бўйича маҳсус таълим йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда улар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг замонавий услубларини жорий этишга оид сиёсати давлатнинг бошқарув соҳасидаги устувор йўналишларидан бири хисобланиб, унинг мақсади – замонавий раҳбарларнинг миллий ва умумбашарий қадриятларни теран англайдиган, замонавий билимларни, интеллектуал салоҳият ва илғор технологияларни згаллаган раҳбар кадрларни тайёрлаш ва давлат хизматчиси малакасини ошириш, бошқарув самарадорлигини оширишдан иборат.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи устувор йўналиши 1.2. банди «Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиши»га бағишлиланган бўлиб, давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш, давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш ҳамда иқтисодиётни тартибга солищда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш каби вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августандаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5139-сон Фармонининг қабул қилиниши бошқарув кадрларини ўқитишнинг янги босқичини бошлаб берди. Бунда давлат бошқаруви соҳасида кадрларни тайёрлаш,

давлат хизматчиларини малакасини ошириш, истиқболли кадрларнинг профессионал ривожланишини кузатиб бориш, улар фаолиятининг самарадорлиги баҳолаш мезонларини аниқлаш борасида тавсиялар ишлаб чиқиши мухим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан, 2017 йил 7 февралда Президентимиз Фармони билан тасдикланган 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича «Ҳаракатлар стратегияси» ҳамда ушбу стратегияни «Ҳалқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, истиқболли кадрларни тайёрлаш, давлат хизматчисини малакасини ошириш, улар фаолияти самарадорлигини баҳолаш, бошқарувчанлик салоҳиятини аниқлаш ва уларни профессионал раҳбарлар сифатида тарбиялаш мамлакатимиз истиқболини таъминловчи асосий кучга айланиши мумкин. Бунинг учун аниқ максадга йўналган илмий-амалий тадқиқотларни ташкил этиш, чуқур бошқарув малакаларни шакллантириш имконини берувчи илғор чет эл тажрибасига мурожаат этишига ва замонавий бошқарув технологияларини тарғиб этиш лозим.

2017 йил 8 сентябрда тасдикланган «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси»да белгиланган «Давлат бошқаруви соҳасида мутахассислар тайёрлашнинг ва давлат хизматчилари малакасини оширишнинг маҳсус таълим йўналишларини ишлаб чиқиши, шахсий ютуқ, билим ва касб маҳорати асосида уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг замонавий услубларини жорий этиш» вазифасини амалга оширишда мазкур тадқиқот натижаларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Жамият олдида турган муаммоларни самарали ҳал этишнинг мухим шартларидан бири бошқарув тизими ни такомиллаштиришdir. Бошқарув органлари бевосита давлатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ривожла-

ниши ва шакланишига таъсир кўрсатиш, жамият ҳаёти-ни янгилашга қаратилган қарорлар ижросини таъминлаш имкониятига эгадир.

Бугунги кунда давлат бошқарувини модернизациялаш муҳим аҳамият касб этади, чунки давлат бошқарувининг самарадорлиги кўп жиҳатдан давлат органлари фаолияти сифатига, шунингдек, давлат хизматчиларининг касбий маҳоратига боғлик. Кун тартибиға қўйилаётган янги вазифаларни ҳал этиш, давлат органлари функцияларини амалга оширишнинг самарави усусларини излаш – давлат хизматчиларининг профессионал жиҳатдан юқори маҳоратга эга бўлишини, уларнинг ҳам шахс, ҳам ўз касбининг устаси сифатида ўз-ўзини ривожлантиришга ҳозирлигини талаб қиласди. Давлат хизматчиси ўз вазифаларини бажариши жараённида доимо ижодий ёндашувнинг талаб этилиши, касбий фаолияти давомида ўз билим даражасини назарий жиҳатдан мунтазам ошириб боришига заруратни сезади. Жамият ҳаётининг турли соҳаларида самарави бошқарув тизимини жорий этиши учун давлат хизматчилари профессионал тайёргарлик даражасига эга бўлиши керак. Шунинг учун бошқарув соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг профессионал билимларини мунтазам оширишга қаратилган таълим жараёнинга янги усуслар ва технологияларни жорий этишни замон тақозо этмоқда.

Юқорида келтирилган муаммоларни ҳал қилиш учун давлат бошқаруви соҳасида мутахассисларни тайёрлаш ва давлат хизматчилари малакасини ошириш тизимига илгор таълим технологияларини жорий этишнинг ўзига хос хусусиятлари ва хорижий мамлакатларда давлат бошқаруви соҳасида мутахассисларни тайёрлаш ва давлат хизматчилари малакасини ошириш йўналишидаги имкониятларини ўрганиш муҳим вазифалардан биридир. Бугунги кунга қадар Ўзбекистонда давлат бошқаруви, ижтимоий-иктисодий, суд-хукук ҳамда бошқа соҳаларда малакали бошқарув кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича муайян

ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, давлат бош-қаруви соҳасида мутахассисларни тайёрлаш ва давлат хизматчилари малакасини ошириш, улар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг замонавий услубларини жорий этиш жумладан, бу борада замонавий ёндашувни ишлаб чиқиши орқали такомиллаштириш вазифаларни ижросини таъминлаш, мазкур соҳада чуқур таҳлилга асосланган тадқиқот олиб боришини тақозо этди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2018.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.
3. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонига 8-илова.
4. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли Фармонига илова.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.05.2017 й. ПҚ-2960-сонли «Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги ва самарадорлигини оширишда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекснинг худудий органлари раҳбарларининг шахсий маъсулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // <http://nrm.uz>.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5185-сонли Фармони // www.lex.uz.

7. «Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрининг туманлар ва шаҳарларини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича ҳудуд раҳбарлари фаолиятини баҳолаш тизими тўғрисида»ги Низомга 1-илова // Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 декабрдаги 973-сонли қарори.
8. Мирзиёев Ш.М. Таңқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: Ўзбекистон, 2017.
9. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. // «Халқ сўзи», 2014 йил 15 январь.
10. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. // «Халқ сўзи», 2016 йил 8 декабрь.
11. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-22-12-2017>.
13. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир // Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 26 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъруzasи, <http://uza.uz/oz/politics/bilimli-avlod-buyuk-kelazhakning-tadbirkor-khal-farovon-ayet-08-12-2018>.
14. O‘zbekiston Respublikasida milliy barqaror rivojlanish maqsadlariga erishish ko‘rsatkichlari bo‘yicha statistik to‘plam. // <http://nsdg.stat.uz/uz/publications/16>
15. Barqaror rivojlanish maqsadlari – bu dunyonи o‘zgartirishga yo‘naltirilgan 17 ta maqsaddir www.un.org/sustainabledevelopment/sustainable-development-goals // <http://nsdg.stat.uz/uz>

16. Жуков Ю.М. Технологии командообразования: Учеб. пособие для студентов вузов / Ю.М. Жуков, А.В. Журавлев, Е.Н. Павлова. – М.: Аспект Пресс, 2008. – 320 с.
17. Зинкевич-Евстигнеева Т.Д. Технология создания команды / Т.Д. Зинкевич-Евстигнеева, Д. Фролов, Т. Грабенко. – СПб.: Издательство «Речь», 2004. – 216 с.
18. Зинкевич-Евстигнеева Т.Д. Теория и практика командообразования. Современная технология создания команд / под ред. Т.Д. Зинкевич-Евстигнеева. – СПб.: Издательство «Речь», 2004. – 304 с.
19. Максвелл, Дж. Работа в команде / Джон Максвелл. Попурри, 2013. – 126 с.
20. Чанько А.Д. Команда в современных организациях. Учебник / А.Д. Чанько. – СПб.: Изд-во «ВШМ», 2011. – 408 с.
21. Зинкевич-Евстигнеева Т.Д. Эффективная команда: шаги к созданию. Руководство для тех, кто хочет создать свою команду / Т.Д. Зинкевич-Евстигнеева. – СПб.: Речь, 2003. – 128 с.
22. Климова Е.К. Психология успеха. Тренинг личностного и профессионального развития: уч.-мет. пособие / Е.К. Климова, О.А. Помазина, О.Н. Бакурова. – СПб.: Речь, 2013. – 160 с.
23. Ковалев В. Успешная команда? Легко! / В. Ковалев. – Харьков. Бизнес Инвестор Групп, 2009. – 72 с.
24. Лидер и его команда. Практика работы тренеров и консультантов в организациях / под ред. Н.В. Клюевой. – СПб.: Речь, 2008. – 208 с.
25. Монина Г.Б. Тренинг «Ресурсы стрессоустойчивости» / Г.Б. Монина, Н.В. Раннала. – СПб.: Речь, 2009. – 250 с.
26. Сидоренко Е.В. Тренинг коммуникативной компетентности в деловом взаимодействии / Е.В. Сидоренко. – СПб.: Речь, 2003. – 208 с.
27. Панов А.И., Коробейников И.О. Стратегический менеджмент: учеб. пособие для вузов / 2-е изд., перераб. и доп. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2004. С. 114.

28. Карякин А.М. Организационное поведение: учебное пособие. Иваново: Изд-во ИГЭУ, 2001. С. 58.
29. Кунц Г., О'Доннел С. Управление: системный и ситуационный анализ управленческих функций. 2-й том. М., 1981. Электронный журнал «Психологическая наука и образование» www.psyedu.ru, 2010, № 5 206.
30. Курбатова М.Б., Магура М.И., Травин В.В. Развитие управленческого потенциала. Учебно-практическое пособие. Изд. серия: Модульная программа «Руководитель ХХI века». М., 2009.
31. Морозова Е.Н. Тренинг развития ресурсов руководителя. СПб., 2008.
32. Вудлок М., и Френсис Д. Раскрепощенный менеджмент. Пер. с англ. – М.: Дело, 1991.
33. Богач А., Новикова Г. Лидерство и руководство. Развитие управленческих компетенций. Серия «Фактор роста», с.224.
34. Козлов В.В. Руководитель в системе управления: учебное пособие / В.В.Козлов, М.Н.Кулапов, И.А.Калинина. – М.: Палеотип, 2012. – 164 с.
35. Кулапов М.Н. Современный руководитель: этап становления: монография. – М.: Палеотип, 2011. – 120 с.
36. Архангельский, Г.А. Тайм-драйв: Как успевать жить и работать / Г.А. Архангельский. – 9-е изд. – М.: Манн, Иванов и Фабер, 2008. – 320 с.
37. Гараедаги, Дж. Системное мышление: Как управлять хаосом и сложными процессами: Платформа для моделирования архитектуры бизнеса / Дж. Карадаге; пер. с англ. Е.И. Недбальская; науч. ред. Е.В. Кузнецова. – Минск: Гревцов Паблишер, 2007. – 480 с.
38. Детмер, У. Теория ограничений Голдратта: Системный подход к неприрывному совершенствованию / У. Детмер. – пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2007. – 444 с.
39. Коллисон К. Учитесь летать. Практические уроки по управлению знаниями от лучших научивающихся орга-

- низаций / К. Коллисон, Д. Парселл. – пер. с англ. – М.: Институт комплексных стратегических исследований, 2006. – 296 с.
40. Копейкина Л. Проблема, решение, успех: как достичь идеальной ясности сложных решений / Л. Копейкина. – пер. с англ. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2008. – 240 с.
 41. Ладанов И.Д. Практический менеджмент. Психотехника управления и самотренировки / И.Д. Ладанов. – М.: Изд-во «Корпоративные стратегии», 2004. – 496 с.
 42. Пирсон Б. Краткий курс МВА. Практическое руководство по развитию ключевых навыков управления / Б. Пирсон. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2007. – 338 с.
 43. Трофимова Л.А. Т 76 Управленческие решения (методы принятия и реализации): учебное пособие / Л.А. Трофимова, В.В. Трофимов. – СПб.: Изд-во СПбГУЭФ, 2011. – 190 с.
 44. Асаул А. Н. и др. Теория и практика разработки принятия и реализации управленческих решений в предпринимательстве. – СПб: АНО «ИПЭВ», 2014. – 304 с.
 45. Юкаева В.С. Принятие управленческих решений. Учебник. – М.: Дашков и К, 2012. – 324 с.
 46. Башкатова Ю.И. Управленческие решения. Учебно-методический комплекс. – М.: Изд. центр ЕАОИ, 2008. – 120 с.
 47. Яресь О.Б. Методы принятия управленческих решений: учеб. Пособие. – Владимир: Изд-во Владим. гос. ун-та имени Александра Григорьевича и Николая Григорьевича Столетовых, 2011. – 66 с.
 48. Чанкова Е.В. Коммуникативная компетентность личности в постиндустриальном обществе (теоретико-методологическое исследование): монография. – М.: Издательство РГСУ, 2016. – 192 с.
 49. Байхем У.С. Компетенции руководителя // HR-portal: сообщество профессионалов// [электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.hrportal.ru/article/kompetentsii-rukovoditelya>.

50. Вещиков С. Базовые компетенции руководителя/ С. Вещиков М. Пальчик, К. Езерская // [электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.vsetrenagi.ru/company/alternative-way/article-4/>
51. Лукашенко М.А. Профессиональные компетенции руководителя // cfin.ru: корпоративный менеджмент// [электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.cfin.ru/management/strategy/competit/ksao.shtml>
52. Молл Е.Г. Планирование своей карьеры руководителем // HR-portal: сообщество профессионалов// [электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.hrportal.ru/article/planirovaniye-svoei-karery-rukovoditelem>
53. Колмогорова Л.А. Формирование коммуникативной компетентности личности [Электронный ресурс]: [учебное пособие] Барнаул: АлтГПУ, 2015.
54. Коноваленко М.Ю., Коноваленко В. А. Деловые коммуникации: учебник для бакалавров Москва: Юрайт, 2014.
55. Жернакова М.Б., Румянцева И. А. Деловые коммуникации: теория и практика: учебник для бакалавров. Москва: Юрайт, 2014.
56. Кеннеди Д. Жесткий тайм-менеджмент: Возьмите свою жизнь под контроль / Дэн Кеннеди. – М.: Альпина Паблишер, 2013. – 199 с.
57. Моргунова Н.В. Тайм-менеджмент: учеб. пособие / Н.В. Моргунова, Р.В. Моргунова; Владим. гос. ун-т им. А.Г. и Н.Г. Столетовых. – Владимир: Изд-во ВлГУ, 2014. – 72 с.
58. Прентис С. Интегрированный тайм-менеджмент. М.: Издательство «Добрая книга», 2007. – 288 с.
59. Захаренко Г. Тайм-менеджмент. – СПб.: Питер, 2004. – 128 с.
60. Моргенстерн Д. Тайм менеджмент. Искусство планирования и управления своим временем и своей жизнью. – М.: ООО «Издательство «Добрая книга», 2006, – 256 с.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ РАҲБАР КАДРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Монография

Муҳаррир: Наврӯз Бекмуродов

Мусаххих: Дилрабо Ашуррова

Бадиий муҳаррир: Ўткир Тожибоев

Техник муҳаррир: Иномжон Ўсаров

Нашриёт лицензияси: АI №255, 31.12.2014 йил.

Теришга берилди: 18.11.2020 йил.

Босишига рухсат этилди: 20.12.2020 йил.

Офсет қозози. Қоғоз бичими: 84x108 $\frac{1}{32}$

Times гарнитураси. Офсет босма.

Хисоб-нашриёт т.: 8,15. Шартли б.т: 10,9.

Адади: 100 нусха.

Буюртма: № 29

«Yangi kitob» МЧЖ нашриётида нашрға тайёрланди.

100138, Тошкент шаҳри Учтепа тумани

Чилонзор даҳаси 13-мавзе 45-үй.

Тел.: (+99891) 132-36-64, (+99890) 992-35-01

e-mail: yangikitob@mail.ru

«CLASS PRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
100097, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкӯчаси, 44^а-үй.